

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№7. 2018



*Боғу полизларда тўкин-сочинлик,
Кўринг, деҳқон бобо ҳимматларини —
Жўнатар башарнинг дастурхонига
Болдек ширин-шакар неъматларини.*



САРАТОН САХОВАТИ

Ёз чиласи, айниқса, саратон деҳқонларимизни экин-тикинлар учун зарур бўлган оташин ҳарорат билан сийламоқда. Бу паланинг ҳар бир куни ва ҳар бир соатидан унумли фойдаланишга интилаётган аграр соҳа меҳнаткашлари қалбида ҳам ана шу тафт, ана шу оташ ҳукмрон.

Пиллакорларимиз янгича ишлаш тизимига ўтиб, биринчи пилла қурти боқиш мавсумини якунлади. Ҳозир кунда улар иккинчи бор ипак қурти парвариши билан машғул. Мутахассисларнинг айтишларича, бу йил мамлакатимизда уч марта ипак қурти боқилди. Кумуш тола ижодкорлари учинчи мавсумни август ойининг иккинчи ярмидан бошлайдилар. Ушбу янгилик пиллачалигимиз равнақидан далолат, албатта.



Яқингинада денгиздек шовуллаб турган бугдойзорлар ҳосили бугун ғаллакор хирмонини тоғдек юксалтирмоқда. Шу кунгача ғалла ўрим-йиғим ишларига пухта тайёргарлик кўрган Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда 80 дан ортиқ туманларнинг миришкор ғаллакорлари 15-20 иш кунида давлатга дон сотиш режасини ортиғи билан бажардилар. Республика бўйича 30 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари давлатга дон сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларини уддалаб, қўшимча 200 минг тоннадан ортиқ дон сотишга эришдилар. (Юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarининг ибратли иш тажрибалари ҳақида журналимизнинг келгуси сонларида туркум мақолалар бериб борамиз).

Айтиш мумкинки, улар айна кунларда ҳар дамини ғанимат билиб, ғаллани ўриб-йиғиб олиш билан бирга, бўшаган майдонларни пардар-пай шудгорлаб, такрорий экинлар экиш билан банд. Бу йилги ҳосилдан ғаллакорларимиз кўнгиллари тўқ. Зеро, дастлабки маълумотларга қараганда, унумдорлиги паст бўлган ғалла майдонлари қисқартирилган бўлса-да, давлатнинг ҳам, деҳқоннинг ҳам оморлари ҳар йилгидан-да кўпроқ донга тўлади.

Маълумки, ёзда пишиқчилик авж паллага киради. Боғлар, токзорлар, полизлар этагида турнақатор машиналар карвони. Уларнинг бир қисми бозорлар, савдо дўконлари сари, яна бир қисми эса хорижга йўл олмоқда. Бир танишим божхоначи. Унинг айтишича, шу кунларда уларнинг ҳам ишлари қизигандан-қизи-

ган. Боиси, бу йил мамлакатимиздан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар йилгидан кўпроқ экспорт қилинмоқда. Бошқача айтганда, ўзбек миришкорлари дунё дастурхонига шириндан-шакар маҳсулотини тортиқ қилмоқда. Масаланинг яна бир муҳим томони моддий манфаатдорликдир, яъни хорижга қанча кўп мева ва сабзавот сотсак, боғбон ва деҳқонларимизнинг турмуш фаровонлиги шунча яхшиланади. Бу борада давлатимиз томонидан уларга барча имкониятлар яратилган.

Қишлоқ хўжалигидаги кенг тармоқ — пахтачилик хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Аввало, жорий йилда давлатимиз томонидан пахта ҳосилини етиштириш учун барча шароит ва имтиёзлар яратиб берилмоқдаки, бу пахтакорларимизнинг ўз ишига муносабатини тубдан ўзгартирмоқда.

Хусусан, пахта хомашёси харид нархлари кескин оширилди, уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа моддий ресурслар ўз вақтида ва белгиланган меъёردа фермер хўжалиklarининг даласи бошигача етказилмоқда.

Жумладан, бир гектар пахта майдонни чопиқ қилишга 150 минг сўм, яғана қилишга 120 минг сўм, культивацияга 12 минг сўмдан иш ҳақи ажратилиб, даланинг бошида фермерга эмас, бевосита ишлаётган ишчига бериш тизими жорий қилингани ғўза парваришида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имконини беряпти.

Президентимиз томонидан 2018 йил 29 май куни қишлоқ хўжалиги соҳасига, жумладан жойларда ғўза парвариши бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши топшириқларидан келиб чиқиб, фермер хўжалиklarиди ғўза парваришида бажариладиган агротехник тадбирларни тизим асосида амалга ошириб, ғўза қатор орасига ишлов бериш ва суспензия сепиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, озиқлантирилган майдонларни пешма-пеш шарбат усулида сўғориш ишларини кучайтириш бўйича барча зарурий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган ойнинг бошида матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мамлакатимиз фермерларига мурожаатида ҳам юқоридаги долзарб вазифаларни ўз вақтида, ҳамжиҳатликда бажариш баён қилинган.

Яратилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланган ҳолда ғўза ривожига орқада қолаётган далага июль ойида ишлов бериб, ҳолатини яхшилаб олиш мумкин. Чунки, саратонда пахта кечаю-кундуз ўсиб-унади, июль ойида унга қанча кўп ишлов берилса, шунча кўп ҳосил йиғади.



Мутахассисларнинг фикрига кўра, июль ойи ҳосил тақдирини белгилаб берадиган, деҳқонларимиз таъбири билан айтганда "ҳосил тўплаш ойи" ҳисобланади. Зеро, айнан мана шу давда бўлгуси ҳосилнинг 80–85 фоизи яратилади.

Бугунги кунга қадар мамлакатимиз бўйича экилган жами пахта майдонларида 6,1 марта гўза қатор ораларини культивация қилиш, 2,9 марта чуқур юмшатиш, 2 марта минерал ўғитлар билан озиқлантириш, 2,2 марта суспензия сепиш ва 5,1 марта зараркунандаларга қарши биологик ҳамда

1,5 марта кимёвий кураш ишлари олиб борилди. Бу борадаги ишлар изчил давом этади.

Шу билан бирга, жойларда зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини тизимли ташкил этиш, айниқса зараркунандаларнинг кўп йиллик тарқалиш "ўчоқ"лари бўлган майдонларда кузатув-назорат ишларини кучайтириш, зарурият туғилганда кимёвий ишловларни амалга ошириш ишлари алоҳида назоратга олинди.

Умуман олганда, чилланинг жазирамасига қарамасдан бугун ўлкамизнинг пахтакору ғаллакори, боғбону

полизчиси, қўйингки жами дала меҳнаткашлари ҳар дамни ғанимат билиб, яратувчилик, тўкин-сочинлик ишлари билан банд. Бошқача айтганда:

*Дала хизматида юрган одамлар,
Яшайсиз турфа ном, юзлаб қишлоқда.
Саратон борлиққа ўт сочган дамлар,
Кўраман гоҳ сизни ташна - чанқоқда.*

*Совутгич совутган хонада яйраб
Юрганлар бари ҳам қалбингни билмас.
Шу азиз Ватаннинг кунига яраб,
Ёниб яшамаган эл ҳали элмас!*

*Она заминини муқаддас билган,
Тупроқдек хокисор, мансаб, унвонсиз,
Шу қадим юрт учун фидойи бўлган
Қишлоқ одамлари, Ўзбекистон - СИЗ!*

Тоҳир ДОЛИЕВ

Янги нашрлар

ФЕРМЕР ҲИСОБДОН БЎЛСИН...



Китобга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Б. Юсупов сўзбоши ёзиб, мазкур қўлланма фермерларимизнинг амалий фаолиятида жуда муҳим эканлиги ҳусусида ўз мулоҳазаларини баён этган.

Жумладан, ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитига мос халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асосларини яратиш, уни амалда қўллаш борасида муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, Бухгалтерия

Халқимизда "Пул топма, ҳисоб топ", "Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар", деган мақоллар борки, улар замирида чуқур маъно мужассам. Шу жиҳатдан қараганда иқтисод фанлари номзоди Чиндали Ризаев ва Нажмиддин Джияновнинг "Bodomzor invest" нашриётида чоп этилган "Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш" номли услубий қўлланмаси жадал раванқ топиб бораётган фермерларимиз учун ниҳоятда зарур манба бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

ҳисобининг миллий стандартлари, солиқ соҳасида олиб борилаётган ишлар ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида фермер ва деҳқон хўжаликлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан таъминловчи асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу боис, республика-мизда етиштириладиган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97-98 фоизини етказиб берувчи фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини замон талаблари даражасида юритиш, харажатлар ва даромадларни тўғри ҳисобга олиш, молиявий натижаларни тўлақонли шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, бугунги кунда фермер хўжаликларида фаолият кўрсатаётган ҳисобчи ва иқтисодчи ходимлар томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишда, харажатлар ва даромадларни, шунингдек, уларни ҳисоб регистрларида ҳисобга олиш, маълумотларни умумлаштиришда маълум бир англашилмовчиликлар

ва қийинчиликларга дуч келиниши мумкин. Мазкур услубий қўлланмадан фойдаланиш жараёнида эса фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб ишларини юритиш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, истиқболни режалаштириш борасидаги муаммо ва камчиликларга барҳам берилади.

Китобга Тошкент давлат аграр университети "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси мудири, и.ф.д. Р.Дўстмурадов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Молия ва бухгалтерия гуруҳи раҳбари Т.Эгамбердиевлар тақриз ёзган, С.Умиров муҳаррирлик қилган.

Мазкур услубий қўлланма фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, молиялаштиришни юритиш ҳамда бошқаришни ҳисобга олишда амалиётчи бухгалтерлар, иқтисодчилар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Б.ЭГАМҚУЛОВ.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ПАЛЛА

Жорий йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши натижасида ғўза ривожининг орқада қолиши, зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиб, жиддий зиён етказиш хавфи ортиши сабабли ғўзани парваришlashда июнь ойидаги каби июль ойида бажариладиган ишларни ҳам жадал ўтказиш ва янги инновацион технологияларни кенг жорий этишни талаб қилмоқда. Бунда ғўзани суғоришда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, қатор орларига кўпроқ ишлов бериш, ўсишни созловчи моддалар ва биостимуляторларни қўллаш ҳамда чилпиш ишларига ҳар йилгидан ҳам жиддийроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

1 июндан 1 июлгача бўлган зарбдор ойда ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонига ва ишлов бериш чуқурлигига, унинг сифатига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, бундай ишлов июль ойида ҳам давом эттирилиши зарур. Қатор ораси 60 см бўлганда культиваторда ишчи органларни тўлиқ тамирланган бўлиши лозим. Бундан ташқари, чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказиш, ривож кечки майдонларда ниҳолларни шикастлантирмаган ҳолда ишлов бериш лозим.

Ғўза ривожини жаддалаштиришда биостимуляторлардан фойдаланиш кейинги йилларда юқори самара бермоқда. Айниқса, жорий йилдаги табиатнинг иккиликларига қарамасдан эртаги, юқори ва сифатли пахта етиштириш учун маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилган

“Узгуми”, “Замин-М”, “Биоэнергия-М” ва бошқа четдан келтирилган юқори самарали Гумми-20, Вл-77, Байкал ЭМ-1 каби биостимуляторларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, июль ойида ғўзанинг гуллаш-ҳосил туғиш даврида ривожланишини ҳисобга олиб, ушбу стимуляторлар билан 1-2 марта ишлов бериш мумкин. Бунда Узгуми стимулятори гектарига 0,4–0,5 л, Замин-М 2,0 л, Биоэнергия-М 4–5 л, Гумми 20 1,0–1,5 л, Вл 77 0,5–0,7 л, Байкал ЭМ-1 3,0–3,5 л меъёрларда 205–300 л сувга аралаштирилиб сепилади.

Жорий йилги табиий иқлим шароитида ғўзага берилган минерал ўғитларнинг самарасини ошириш, ўсимлик ривожини жаддалаштириш ва мўл ҳосил тўплашда суғоришнинг аҳамияти жуда каттадир.

Республикамизнинг барча вилоятларида июль ойи бошларида ғўза

асосан гуллаш даврида ривожланади ва бу даврда суғориш давомийлиги механик таркиби энгил тупроқларда 14–16 соат, ўрта ва оғир механик таркибли тупроқларда 16–18 соат, ғўза оммавий гулга кириб, ҳосил туғиш даврида, июль ойининг иккинчи ярмидан эса суғориш давомийлиги юқоридаги тупроқ турларига мос равишда 16–18 ва 18–20 соатдан ошмаслиги керак. Таъкидлаш жоизки, ғўза сувга талаб қилган даврда гули тепага чиқиб, қаттиқ чанқашига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу йилги сув танқислиги шаро

бўлиши билан бирга, мульча вази-фасини ҳам бажариб, сувнинг ортиқча буғланишини камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайди, намнинг узокроқ сақланишига олиб келади. Бунинг учун ҳар бир даланинг сув кирадиган жойига махсус хандақлар қазилиб, суғоришдан 5–7 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўнг аралаштирилиб жижа (гўннинг сувда эритилган аралашмаси) тайёрланади. Суғориш суви ушбу хандақ орқали ўтказилиб, сувнинг ранги тўқ жигарранг тусга киргунча жижа аралаштирилиб турилади ва сув эгатлар охирига етганда озуқа мод

далар оқавага чиқиб кетмаслиги учун сувнинг оқим тезлиги камайтирилади. Далани суғориш учун режалаштирилган меъёрдаги сув берилгандан сўнг суғориш тўхтатилади.

Бу йилги шароитда ғўза қатор оралари 60 см бўлган майдонларда суғоришни эгат оралатиб (бир эгат ташлаб) ўтказиш сувни 15–20 фоизгача тежаш имконини беради.

Суғоришдан кейин ғўза қатор орасидаги тупроқ етилиб, оби-тобига келиши билан энгил культивация қилиниши керак. Ғўзанинг ривожланишига қараб тупроққа ишлов бериш чуқурлиги турлича бўлади. Биринчи культивацияда ишчи органлари (ККО ва норальник) 6–8 ва 8–10 см, ғозпанжа эса эгат ўртасида 12–14 см. чуқурликка тушадиган қилиб ўтказилган бўлса. Кейинги культивацияларда эса ишчи органлари чуқурлаштирилиб борилади, ғозпанжа эса 12–14 ва 14–16 см чуқурликка тушадиган қилиб ўрнатилади.

Суғоришдан сўнг культивация кечиктирилса, ғўза қатор ораси ёрилиб, илдишлари шикастланиб, кўплаб кесаклар ҳосил бўлиб, ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, сувдан



итда далани бегона ўтлардан тозаласдан туриб суғориш мутлақо мумкин эмас, чунки бегона ўтлар ғўзага нисбатан сувни тез ва кўп ўзлаштириши оқибатида ғўза сувга қонмайди, бу эса сувдан фойдаланиш самарасини кескин пасайтириб юборади.

Сувдан унумли фойдаланиш учун ғўзани суғориш кечаю-кундуз амалга оширилиши яхши натижа беради, бунда ғўза сувни қониб ичади, суғориш суви 10–12% тежаллади ҳамда ўсимликнинг ўсиб ривожланиши учун мўътадил микроиқлим яратилиб, ғўза ҳосил тўплайди.

Сув тежамкорлигини таъминлашда суғоришнинг шарбат усулидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ҳамда ғўзанинг минерал озиқани тўлиқ ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этади. Бунда шарбат учун фойдаланиладиган ярим чирган гўнг ғўза учун зарур озиқа

самарали фойдаланилмай тўпланган намлик тезда буғланишига олиб келади, шона ва гуллари тўкилиб кетади.

Сувдан сувгача гўза қатор орасига 2 марта ишлов берилади, бунда суғоришдан кейинги культивация ва суғоришдан олдин эгат олишда механизмларнинг ишчи органларини тўғри ростланишини назорат қилиш зарур. Агар культивация кечикиб ўтказилса, гўзани ўсиш-ривожланиши секинлашади, тез чанқаб қолади.

Июль ойида гўзани чилпиш энг муҳим тадбирлардан саналади. Зеро республикаимиз пахтачилигида гўзада чилпиш ўтказмасдан юқори ва эртаги ҳосил етиштириш жуда қийин. Гўзада чилпиш тадбирини мақбул муддатда сифатли бажариш орқали ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, ҳосил элементлари тўкилишини камайтириш, йирик кўсақлар сонини кўпайтириш, зараркунанда ҳашаротларнинг зарарини камайтириш, кўсақларнинг очирилиши 8–10 кунга тезлаштириш ҳамда ҳосилдорликни гектарига 6–8 центнергача ошириш мумкин.

Жорий йилги шароитда ҳам чилпишнинг анъанавий қўлда, механизмлар ёрдамида ва кимёвий усулларида (Сожеан, Энтожеан, Далпикс каби препаратлар билан ишлов берилиб амалга ошириш) фойдаланиш тавсия этилади.

Агар далада гўза баравж ўсган бўлса, тупроқдан олаётган озуқа моддалари кўпроқ ўсув шохлари ва баргларга йўналади. Бунда генератив органлар шона, гул ва кўсақларга озуқа камроқ етиб боради ва улар тўкилиб, кўсақлар эса кичрайиб, тўлиқ шаклланмайди, вазни кичраяди, очилиши ортга сурилади, шу сабабли ҳосилдорлик камаяди ва толасининг сифати пасайиб кетади.

Фермер хўжаликлари раҳбар ва мутахассислари унутмаслиги керакки, бу йилги шароитда гўзани чилпишни ҳар йилгидан эртароқ, асосан 10–11 ҳосил шохи пайдо бўлган муддатда бошлаш тавсия этилади. Бу ҳосил салмоғи ортиб, эрта етилишига, сифати ҳам юқори бўлишига олиб келади. Аксинча, чил-

пишни гўзада 13–14 ҳосил шохи пайдо бўлганда ва ундан ҳам кечиктириб ўтказиш оқибатида ҳар йилгидан кеч ривожланаётган гўзани янада кечиктириб, ғовлаб вегетатив массасининг ортиқча кўпайиб кетишига, пахта ҳосилининг кечки ва 15–20 фоиз кам бўлишига сабаб бўлади.

Жорий йилда экилган гўза навлари хусусиятларига қараб унумдорлиги юқори бўлган тупроқларда 11–12, ўртача унумли тупроқларда 11 ва унумдорлиги паст ерларда 10–11 ҳосил шохи тўпланганда чилпиш ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Кўшқатор экилган ерларда бу тадбир 10–11 шох ҳосил бўлганда ўтказилади.

Чилпиш қўлда ўтказилса, гўза бош поясининг энг учки 1–2 см қисмини (бир оз оқиш рангли бўла-



ди) юлиб, чимдиб олинади ва фартукларга йиғилиб, даладан ташқарига чиқарилиб, кўмиб ташланади. Бундай қўлда чилпишда поя уч қисмининг чуқур 5–10 см юлиб олинишига йўл қўймаслик керак.

Механик усулда чилпишда махсус чилпиш мосламасини культиватор олдида ўрнатилган ҳолда гўза қатор ораларига ишлов бериш билан бирга амалга оширилади. Бу жараёнда мосламанинг пичоқлари ўткирланган, мослама асосий пояни ўртача баландлигини ҳисобга олган ҳолда 80–100 см баландликда ростланган бўлиши, бунда имкон қадар гўзанинг тепа қисмини чуқур кесилиб, 2–3 та шона ва гулнинг йўқотилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш шарт.

Чилпишнинг кимёвий усули гўзанинг ҳосил тўплаши ва мақбул ўсиши ҳамда эртаги ҳосил етиштириш учун ҳар тарафлама самарали ва қулайдир. Бунда Сожеан, Эн-

тожеан, Далпикс препаратлари суғоришдан 5–7 кун аввал ёки суғоришдан 5–7 кун кейин ОВХ ва бошқа пуркагич мосламаларда 250–300 л/га сувга аралаштирилиб гўзага сепилади. Улар гўзанинг барги орқали танасига яхши сингиб, ўсимлик хужайраларининг бўлинишини тўхтатади, натижада гўза бўйига ва ёнига ўсишдан тўхтади, барглари тўқ яшил рангга киради, ўсимликнинг ривожланиши ва ҳосил тўплаши жадаллашади, тупи ихчам арчасимон шаклга кириб, қаторлар орасида ҳаво алмашинуви ва микроклим яхшиланади, гўзанинг тепа қисмида 3–4 дона бўлиқ кўсақлар пайдо бўлади, гўзанинг тепа ва пастки ҳосил шохларидаги кўсақлар бир хил очилиши таъминланади.

Республикаимиз вилоятларида гўзанинг ривожланиш ҳолатига қараб, Сожеан ва Энтожеан препаратлари гектарига 90–100 г, Пикс ва Далпикс 1,5–2,0 л миқдорда қўлланиши тавсия этилади.

Бу йилги шароитда Сожеан ва Энтожеан препаратларини гўзанинг ёш даврларидан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, бунда гўзанинг пастки шохларидан тепасигача кўсақ ҳосил қилади, бўғин оралиқлари қисқаради, сув танқислигига бардошлиги ошади, ҳосил эрта етилади. Бунинг учун гўзанинг шоналаш даврида бўйи 20–25 см бўлганда 15 г/га, гуллаш даврида (гўзани бўйи 50–60 см бўлганда) 35–45 г/га, гўзада 10–11 ҳосил шохи шаклланганда чилпиш мақсадида 90 г/га меъёрида қўллаш керак.

Жорий йилда июль ва август ойи ҳосил тақдирини ҳал этишини инobatга олиб, ҳар бир кунни ганимат билиб, миришкор деҳқон ва фермерларимиз гўза парваришини жадаллаштиради, ривожини тезлашиб, ҳосили мўл бўлади.

Ш.АБДУАЛИМОВ,

қ.х.ф.д., проф.,

Б.НИЁЗАЛИЕВ,

қ.х.ф.д.,

Ф.ҲАСАНОВА,

қ.х.ф.н., Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

БОҒНИ БОҚСАНГ БОЛ БЕРАР

Жорий йилда республикаимиз боғ-токзорларида ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Эндиги асосий вазифа ушбу ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида сифатли ҳолда йиғиб олишдан иборат. Хўш, бу борада нималарга эътибор қаратилиши зарур?

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан боғ-роғларни саратон сувига қондириб суғоришга алоҳида эътибор берганлар. Шунинг учун янги барпо этилган боғ ва токзорлар июль ойида 2–3 марта яхшилаб суғорилиши зарур. Намни сақлаш учун ҳар суғоришдан кейин ер тобига келиши билан қатор оралари культивация қилиниб, тупроқ юмшатилади.

Боғ қатор ораларини суғориш учун 80–90 см ораликда ариқлар олинади. Токзорларда эса ток қаторидан 50–60 см масофада очилган иккита суғориш ариғи кифоя.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқларда сув 24–36 соат давомида ер яхши захлагунча жилдириб оқизиб қўйилади. Оғир соз тупроқларда бир суғориш меъёри 700–800, тошлоқ тупроқларда 400–500 м³/га. ни ташкил қилади.

Чиллада ҳосилли боғлардаги кечки ва қишки навларни озиқлантиришни органик ўғитлар билан қўшимча “шарбат” усулида бажариш мумкин. Бунинг учун боғ ва токзорларнинг юқори қисмида сув келадиган йўлда чуқурлар ковланиб, гўнг солиниб сувга тўлдириб 3–4 кун давомида аралаштириб турилади ва бижиганидан сўнг эгатларга оқизилади.

Эртапишар ва ёзги мева навлари истеъмол қилиш учун пишиб этилганда, яъни навнинг ўзига хос рангига ва таъмига эга бўлганда терилади; узоқ масофага жўнатиш, сақлаш ва консерва қилиш учун эса техник етилиш даврида терилади. Ҳосил мўл бўлганлиги сабабли дарахт шоxlари эгилиб, синиши мумкин, шу боис эҳтиёж туғилса тиргувчлар қўйилади.

Жорий йилда қисқа муддатли ёмғирлар ёғиб, боғларда турли касаллик ва зараркундаларнинг ривожланишига шароит юзага кел-

моқда. Айниқса, боғларда қўнғир рангли ўргимчакканалар, нок дарахтларида нок шираси бургаси жадал ривожланмоқда. Уларни бартараф этиш учун (битта баргда 3 тадан ортиқ кана бўлса) намланувчи олтингугурт (100 л сувга 0,6–1 кг) сепилади. Бир гектарга 12–15 кг сарфланади.

Бунда, шунингдек, “Омайт”, “Неорон” препаратларидан фойдаланса ҳам бўлади (100 л сувга 150 г). Туйилган олтингугуртни чанглатиш ҳам яхши самара беради.

Нокзорларда нок шира бургаси (медяница) қўпайиб кетмаслиги учун

рахт орасида қалин ўсган новдалар олиб ташланади.

Данакли меваларнинг бир йиллик новдаларини кесилда новданинг узунлигига қараб 50–60 см қисмини қолдириб, қолгани олиб ташланади. Дарахтларнинг ички томонида кучли ўсиб, новдаларнинг бир-бирига халақит берадиганлари олиб ташланади. Бу билан дарахтларда турли касаллик ва зараркундаларнинг замбуруғлари қўпайишининг олди олинган бўлади. Кесилган новдалар майда бўлақларга бўлиниб, ерда қолдирилса, аста-секин чирий бошлаб, тупроқ

структурасини яхшилашга имкон яратади.

Токзорларда ток туплари қалинлашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Ток тупларида узум бошларини соялатиб қўядиган бачки новдалар кучли ўсиб кетганда, уларда 2–3 та барг қолдириб, қолган қисми қирқиб ташланади, чунки улар ҳосилнинг ети-

лиши, новданинг пишишини кечиктиради ва замбуруғли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Осилиб қолган новдалар кўтарилиб, боғлаб қўйилади.

Токзорларда гўра хомтоқларни сифатли ўтказишга эътибор берилади, қалинлашиб кетган ва оидиум (кул) касаллиги токзорларда тарқалгани кузатилса, тўйилган олтингугурт билан чанглатилиши керак. 1 гектарга 30 кг олтингугурт ва 10–15 кг оҳак кукуни қўшиб, ОШУ-50 осма чанглагичда ишлов берилади. Бу тадбирлар қўлланилганда, мева бутунлай сақлаб қолинади ва 1 гектар боғ ва токзордан қўшимча 1,5–2 млн. сўм қўшимча даромад олинади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА,

катта илмий ходим, (Академик
М.Мирзаев номи БУВАВИТИ).



10–12 кун оралатиб қуйидаги препаратлар билан 1–2 марта ишлов берган маъкул: БИ-58 (янги), “Кербафос”, “Фазалон”, “Залон” (100 л сувга 200–300 г) ёки “Нурелл-Д”, “Циперфос” (100 л сувга 100 г) ёки “Карате”, “Децис”, “Суми-альфа” (100 л сувга 40–50 г) ёки “Фуфанон” (100 л сувга 150 г) ва ҳ.к.

Кечпишар олма ва нок боғларида олма қуртининг учинчи наслига қарши июль ойининг иккинчи ярмидан юқорида келтирилган препаратлардан бирини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Беҳизорларда монилюз касаллигидан зарарланган новдалар кесиб, боғдан ташқарига чиқариб, ёқиб юборилади.

Данакли боғларда (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, йирик мевали тоғ олча) ҳосил йиғиб-териб олингандан сўнг, яъни бир йиллик ўсаётган новдаларни қирқиш, да-

САБЗАВОТ ВА КАРТОШКАЧИЛИКДА ЧИЛЛА ЮМУШЛАРИ

Мамлакатимизда салмоқли майдонга экиб етиштириб келинаётган галла ва эртаги сабзавотлардан бўшаган ер майдонларидан унумли ва самарали фойдаланиш сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

Айни кунларни ғанимат билиб, картошкани ёзги, кечки муддатда етиштиришда ерни тайёрлашда экин қолдиқларидан тозаланиб, органик ва минерал ўғитлар тавсия асосида солиниб, майдонлар кетма-кет 28–32 см чуқурликда ҳайдалади, ортидан 20–22 см чуқурликда чизелланади. Бороналаш билан бирга молаланиб КРН-2,8 А юмшаткич ёрдамида суғориш эгатлари олинади ва суғорилади. Асосий ер сифатида ажратиб қўйилган ёзги картошка майдонлари 20–25 см чуқурликда юмшатилиб, кейин борона билан бирга молаланади ва суғориш эгатлари олинади.

Дала қондириб суғорилган майдонларга, ер этилиб экиш механизми кириш мумкин бўлган даврда картошкани СН-4Б русумли мосламада экиш тавсия этилади.

Экиш ишлари 70х30 см, 90х25 см да схемаси амалга оширилади.

Майдонлар ниҳоллар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1–2 марта суғорилади. Суғориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида суғоришдан 4–6 кун ўтгач, қатор оралари ва эгатларнинг устки қисмига тўрсимон бороналар ёки ротацион борона билан ялписига ишлов бериш катта аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбир ҳисобланади. Картошка ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 10–15 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади, қатор оралари 15–16 см чуқурликда, 10–12 см ҳимоя масофаси қолдирилиб юмшатилади. Кейин эса ўсимлик оралари енгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланиши лозим. Шундан сўнг майдондаги ўсимликлар КРН-2,8-А русумли юмшаткич ёрдамида биринчи марта азотли ўғит (50%) билан озиқлантириб кейин қондириб суғориш тавсия этилади. Иккинчи комплекс ишлов бериш (1-сидан кейин) 25–28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ёппасига гунчалайдиган даврда амалга оширилади.

Картошка намсевар, сувга талабчан ўсимлик, бинобарин, ундан мўл ҳосил етиштириш учун тупроқ нами доимо етарли бўлиши шарт. Бу экин ўсув даврида сувни бир хилда талаб

қилавермайди, палаги ўсган сари унинг сувга талаби орта боради. Айниқса, гуллаш даврида тупроқ доимо сернам бўлиши лозим. Акс ҳолда буғланиш (транспирация) ва фотосинтез жараёни қисқаради, ўсимлик ўсишдан тўхтайти, туганаклар озиқ моддалардан фойдалана олмай, ривожланишдан орқада қолади. Орадан маълум вақт ўтгандан кейин суғорилганида эса, туганаклар қайтадан ўса бошлайди, лекин у болаб кетади ва туплари кўклайди.

Картошкadan юқори ҳосил етиштириш учун тупроқнинг тўйинган дала нам сифимиға нисбатан суғориш-



дан олдинги тупроқ намлиги камида 75–80% бўлиши керак, ана шунда ўсимлик яхши ўсиб ривожланади.

Бўз тупроқли ерларда тупроқ нами 75–80% дан кам бўлмай сув даланинг 50–70 см ли қатламини намласа, ҳар гектардаги картошка 450–600 м³ ҳисобидан, ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқ тупроқли ерларда эса бундан кўра озроқ меъёрда суғорилиши керак. Картошкага сув тунда жилдиратиб таралиши, яъни гектарига 250–300 м³ ҳисобидан қўйилиши лозим.

Кечки картошка ёзда, кун айни исиган вақтда экилади. Картошкани экишдан олдин ёки экилиши билан дала албатта суғорилиши зарур. Экиннинг ўсув даври ҳам ҳавонинг айни қуруқ ва тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиган пайтида бошланади. Туганаклаш даври кузга тўғри келади, бу вақтда ҳаво ва тупроқ харорати анча пасайиб, ўсув даврининг охирига келганда ёғин-сочин туша бошлайди. Шунинг учун кечки картошка экилиб майсалар кўриниши биланоқ суғорилиши керак.

Кечки картошка ўсув даврида 8–10 кун оралатиб бир меъёрда суғорилади. Ҳосилни йиғиб — териб олишга 2–3 ҳафта қолганда сув бериш тўхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кечки картошка 12–13 марта, сизот суви юза ерларда эса 6–10 марта суғорилади. Уруғлик учун кечроқ экилганларининг ўсув даври қисқароқ бўлганлиги туфайли уларга бир-икки сув камроқ берилади. Шаҳар атрофидаги илғор сабзавоткор фермерлар кечки картошкани 7–8 кун оралатиб суғориб юқори ва сифатли ҳосил олмақдалар.

Картошка ўсимлиги асосий озиқа элементларига ўта талабчан. Республикада асосан картошка икки муддатда, яъни эртаги ва кечки қилиб экилади. Картошкadan эртаги муддатда экиб, гектарига 30 тонна ҳосил олиш учун қуйидаги миқдорда маъдан ўғитлар бериш тавсия этилади:

- қадимдан суғориб келинаётган бўз тупроқларда картошка етиштирилганда гектарига соф ҳолда 220 кг азот, 170 кг фосфор, 115 кг калий бериш керак.

- ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ерларда етиштирилганда эса 180 кг азот, 150 кг фосфор, 100 кг калий бериш тавсия этилади.

Бедапояга экилмаганда эса, тупроқ унумдорлигини мўътадил сақлаб туриш учун гектарига 20–25 тоннадан ярим чириган гўнг берилади.

Органик ўғитларни жами, фосфорни 75% ерни асосий ишлов олдиан, қолган 25% фосфор, 50% азот туганаклар тўлиқ униб чиққанда биринчи комплекс ишловда бериш тавсия этилади. Қолган 50% азот, калий картошкани қийғос шоналаш даврида ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Азот ўғитларидан сульфат аммоний, калий ўғитларидан эса сульфат калий ўғитларини бериш тавсия этилади. Агарда ер шўрланган бўлса азот ўғитини аммиак селитраси ҳолида берган маъқул. Калий ўрнига суғоришда шарбат усулидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш картошка ҳосилини оширишда муҳим тадбир ҳисобланади.

Картошка ўсимлигида колорадо қўнғизи пайдо бўла бошлаганда қўнғизни қўлда териб чиқиш тавсия

этилади. Қўнғизлар кўпайиб тухум қўя бошлагандан кейин кимевий препаратлар қўлланилади. Бунда 5% Каратдан к.э. — 0,1 л/га, 20% Конфидордан к.э. — 0,05 л/га; 20% Моспиландан н.к. — 0,2-0,25мл.; 5% Сумми Альфадан к.э. — 0,5 л/га 600–700 литр сувда яхшилаб аралаштирилиб пуркалади.

Картошка туганакларини экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим-0,4 л/т, 31,2% Селестоп -0,4–0,6 л/т до-ри-лаб экиш, касалликларни ривож-ланиш ва тарқалишини 40–50 кунга сақлаб туради.

Картошка куясига қарши 20% к.э. Конфидордан — 0,3 л/га, 20% н.к.к. Маспи-лан — 0,2 кг/га, 5% к.э. Кара-те — 0,4 л/га, 1,8% к.э. Вертимек — 0,3 л/га препаратлари қўлланилади. Касалликлар — фитотфоро-за, ун шудринга, фузариоз ва вертицилли-оз сўлиш, мозаика, столбурларга қарши 25% с.п Байлетон 1,0–2,0 кг/га, фитотфоро-за, альтернариозга 72,2% с.э.к Превикурдан 1,5 л/га ёки Курзат Р 2,0–2,5 кг, 68% с.д.г Рир-домил голд 2,0–2,5 кг ёки 1% лик бордо суюқлигини қўллаш мумкин. 600–700 литр сувга таёрланган ара-лашма ишлатилади.

Яна бир такрорий экин сифатида экиб этиштирилиб келинаётган экин **помидор** бўлиб, экиш учун иситил-майидиган кўчатхонларда этиштирил-ган, илдиз қисми яхши ривожлан-ган, бўйи 15–18 см, 5–7 та барг чиқ-қан 40–45 кунлик помидор кўчатла-ри жанубий минтақаларда июлнинг 2-ўн кунлигида, марказий минтақа-ларда июл ойининг 1-ўн кунлигида экиш мақбул муддат ҳисобланади.

Экиш учун помидорнинг эртапи-шар Шафақ, Севара, ўрта-эртапи-шар Узмаш-1, Тошкент тонги, ўрта-пишар ТМК-22, Ўзбекистон-178, Сурхон-142, Баҳодир, Шарқ юлду-зи, Ситора, Авиценна навлари экиш учун тавсия этилади.

Помидорнинг эрта ва ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлма-ган далаларда 70х25(30) см, текис майдонларда 90х25(30) см, узун па-лакки навлар 90х40 см схемада эки-лади. Кўчат экиш ишлари куннинг

иккинчи ярмида, кечки пайт амалга оширилади. Экилгандан кейин кўчатларни албатта суғо-риш зарур. Кўчат яхши тутиб олиш учун 3 кун давомида фа-қат тунги пайт суғорилади.

Кўчатлар тўлиқ тутиб олган-дан 10–12 кун ўтгач, уларга би-ринчи ишлов берилади. Бунда қатор оралари махсус агрегатлар билан 12–14 см чуқурликда юм-шатилади. Ўсимликлар атрофи хам енгил юмшатилиб, минерал ози-қалар солингач суғорилади.

Орадан 13–15 кун ўтгандан кей-ин яна суғорилади ва тупроқ этили-ши билан иккинчи ишлов ўтказила-ди. Бунда қатор оралари культиватор билан 15–16 см чуқурликда юмша-тилиб, ўсимликлар атрофидаги бе-гона ўтларни йўқотиш учун яхшилаб чопиқ қилинади.

Сизот суви чуқур жойлашган ер-ларда помидор ўсув даври мобайни-да ҳар гал 500–600 м³/га ҳисобида 12–14, сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли майдонлар эса 600–800 м³/га ҳисо-бида 9–11 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда хо-сил етилгунча ҳар 8–12 ҳосил ёппа-сига эса 5–7 кунда суғорилади. По-мидор қийғос пишганда ёрилиб кет-маслиги учун ҳосил териб олинган-дан кейин сув берилади.

Помидорнинг тупроқ унумдорли-гига талаби кучли бўлиб, мўл ҳосил этиштириш учун бўз тупроқли май-донларда экинни 180–200 кг азот, 140–160 кг фосфор ва 100 кг калий, ўтлоқи тупроқли майдонларда эса 140–150 кг азот, 100–120 кг фосфор ҳамда 80–100 кг калий ўғитлари би-лан озиқлантириш тавсия этилади.

Такрорий экин учун **ширин қалам-пир** кўчати иситилмайидиган кўчат-хонларда этиштирилиши ҳисобида кўчат таннархи анча арзонлашади. Ушбу муддатда ширин қалампир эки-нидан техник пишган мева билан биргаликда физиологик пишиб етил-ган мева олиш имконияти мавжуд.

Ширин қалампирнинг иситил-майидиган кўчатхоналарда тайёрлан-ган 45–50 кунлик, илдиз тизими яхши ривожланган, 6–7 дона баргга эга, бўйи 15–18 см бўлган кўчатлари жанубий минтақаларда июл-нинг 2-ўн кунлигида, мар-казий минтақаларда июл ойининг 1-ўн кунлигида экиш мақбул муддат ҳисоб-ланади.

Экиш учун Давлат реест-рига киритилган, маҳаллий шароитда яратилган Дар



Ташкента, Заря Востока, Наргиз, Юлдуз, Жайхун F₁ нав ва дурагайла-ри тавсия этилади.

Кўчатларни энг мақбул экиш схе-маси — 70х25(30) см. Бунда бир гек-тарда ўсимликлар сони 58,5–47,6 минг донани ташкил этади.

Кўчатлар тўлиқ тутиб олгандан 10–12 кун ўтгач, уларга биринчи ишлов берилади. Бунда қатор оралари мах-сус агрегатлар билан 12–14 см чуқур-ликда юмшатилади. Ўсимликлар атро-фи хам енгил юмшатилиб, минерал озиқалар солингач, суғорилади.

Орадан 13–15 кун ўтгандан кей-ин яна суғорилади ва тупроқ этили-ши билан иккинчи ишлов ўтказила-ди. Бунда қатор оралари культиватор билан 15–16 см чуқурликда юмша-тилиб, ўсимликлар атрофидаги бе-гона ўтларни йўқотиш учун яхшилаб чопиқ қилинади.

Ширин қалампир ўсимлиги ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигига қараб июл-август ойларида ҳар 8–10 кун-да сентябрда 12–14 кунда суғорила-ди. Суғориш меъёри 500–600 м³/га ни ташкил этади.

Ўсимлик озиқ моддаларга анча талабчан ҳисобланади. Шу сабабли ўсимликни органик ва минерал ўғит-лар билан ўз вақтида ва меъёрида озиқлантириб туриш лозим.

Ўғитлаш меъёри соф ҳолдаги азот-200 кг, фосфор-150 кг, калий-100 кг. Азот карбамид ёки сульфат аммоний, фосфор эса аммофос, калий эса калий хлор кўринишида берилиши мумкин.

Шунингдек, баҳорда асосий экин сифатида экилган сабзавот ва полиз экинларининг ўз муддатида тавсиялар асосида суғориш, ўғитлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ва албатта пишиб етиган ҳосилини ўз вақтида, нест-нобуд қилмай йиғиб олиш ўсимликнинг яхши ўсиб ривож-ланишига ҳамда янада кўпроқ ҳосил беришига имкон яратади.

Р.НИЗОМОВ,
қ.х.ф.д.,

Ф.РАСУЛОВ,
қ.х.ф.ф.д.,

Д.ТУРСУНОВ,

к.и.х., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.



ЁЗ ВА КУЗДА ИПАК ҚУРТИ БОҚИШ

Пиллакорларимиз такроран пилла тайёрлашнинг ҳадисини ола бошлашди. Бу иш бир қадар янгилик бўлганлиги сабабли тавсиямизни кенгроқ баён этамиз.

Ёз ва куз фаслларида ипак қуртини боқиш вақтида турли касалликларни пайдо бўлиши пилланинг сифати ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этиши пиллакорларимизга яхши маълум. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ипак қуртини боқишдан 10 кун бурун хоналар, инкубаториялар ва улар атрофидаги ҳудуд яхшилаб тозаланиши, сўнг хонанинг девор ва шифтлари оқланиши талаб этилади.

Хона поли ва инвентар иссиқ сувда ювиш воситалари (кир ювиш кукуни, хўжалик совуни) билан ювилади, инвентар олиб кирилади ва дезинфекция бошланади.

Дезинфекциядан сўнг эшик ва деразалардаги барча тирқишлар қоғоз билан беркитилади. Маълумки, формалин одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўта зарарли, шунинг учун дезинфекцияни противогаз ёки респираторда ўтказиш керак. Бундан ташқари, унинг сифатли зарарсизлантириш самарасига фақатгина хонани иситиши ва унинг герметиклигида эришилади.

Дезинфекция қилингандан 3–4 кун ўтгандан кейин хоналарни эшик ва деразалари очиқлиб формалинни ҳиди кетгунча яхшилаб шамоллатилади. Дезинфекцияни қурт боқишдан 7 кун олдин ўтказиш тавсия этилади.

Ёз ва кузда боқиладиган ипак қуртининг ривожланиши, барг ейиши ва бошқа жараёнлари юқорида айтилгандек асосан ҳаво ҳароратига, намлигига ва қуртхона ҳавосининг тез-тез алмаштириб турилишига боғлиқ. Шунинг учун пиллакорларимиз ҳаво режимини мунтазам равишда текшириб боришлари ва журналда қайд этишлари керак. Мўътадил шароит яратиш мақсадида хона фортчқаларини, дарчаларини (тунелларини) ва эшикларини ўртача 10–15 дақиқа очиб хонани яхшилаб шамоллатиб туриш керак. Ёз кунларида ташқаридаги ҳавонинг намлиги кескин тушиб кетишини яхши биламиз. Шу сабабли хонадаги ҳаво намлигини кўтариш учун қуртларнинг ёшига қараб озуқа солинган майдоннинг 40 см баландлигида чойшаб тортилиб, мунтазам равишда пуркагич билан намлаб туриш талаб этилади. Хона фортчқаларига ҳўлланган чойшаб осиб, эшик остоналарига эса чойшаб ёйиб қўйиш керак ҳамда хона полларига сув сеппиб туриш керак.

Биринчи ёш. Озуқа миқдори ҳар бир қути ҳисобидан 6,0 кг ни ташкил этади. Бу ёшдаги қуртлар учун барглари 0,5 см қалинликда угра шаклида тўғраб берилади. Бир қути учун озуқа майдони – 2 м². Хона ҳарорати 25–26°C бўлиб, нисбий намлиги 65–75 фоизни ташкил этиши керак. Кун давомида қуртлар 10 маротаба озикланиши лозим.

Иккинчи ёш. Озуқа миқдори ҳар бир қути ҳисобидан 18,0 кг ни ташкил этади. Бу ёшдаги қуртлар учун барглари 0,5 см қалинликда угра шаклида тўғраб берилади. Бир қути учун озуқа майдони – 6 м². Хона ҳарорати 25–26°C

бўлиб, нисбий намлиги 65–75 фоизни ташкил этиши керак. Кун давомида қуртлар 10 маротаба боқилади.

Учинчи ёш. Озуқа миқдори ҳар бир қути ҳисобидан 62,0 кг ни ташкил этади. Бу ёшдаги қуртлар учун барглари бутунлигича берилади. Бир қути учун озуқа майдони – 12 м². Хона ҳарорати 24–25°C бўлиб, нисбий намлиги 65–75 фоизни ташкил этиши керак. Кун давомида қуртлар 8 маротаба боқилади. Карбамиднинг 0,6% ли эритмасида ишлов берилган барглари билан 1 марта боқиш тавсия этилади.

Тўртинчи ёш. Озуқа миқдори ҳар бир қути ҳисобидан 169,0 кг. ни ташкил этади. Бу ёшдаги қуртлар учун барглари бутунлигича берилади. Бир қути учун озуқа майдони – 25 м². Хона ҳарорати 23–24°C бўлиб, нисбий намлиги 60–70 фоизни ташкил этиши керак. Кун давомида қуртлар 6 маротаба боқилади. Ёш давомида карбамиднинг 0,6% ли эритмаси билан икки марта боқилади. Калийперманганатнинг (марганцовка) 0,005% ли эритмаси билан кунига 1 марта тут барглари хўллаб боқиш лозим.

Бешинчи ёш. Озуқа миқдори ҳар бир қути ҳисобидан 750,0 кг ни ташкил этади. Бу ёшдаги қуртлар учун барглари бутунлигича берилади. Бир қути учун озуқа майдони – 60 м². Хона ҳарорати 23–24°C бўлиб, нисбий намлиги 60–70 фоизни ташкил этиши керак. Кун давомида қуртлар 5 маротаба боқилади. Карбамиднинг 0,6% ли эритмасида ишлов берилган барглари билан кун давомида 3 марта боқилади. Марганцовканинг 0,005% эритмасида ишлов берилган тут барглари билан бир марта боқилади.

Ипак қуртлари бешинчи ёшнинг еттинчи ва саккизинчи кунга барг ейишдан қолади ва гана устига ўрмалаб чиқиб пилла ўраш учун қулай жой қидиради. Қуртнинг пилла ўраши учун зарур бўлган дасталар сершоҳ, майда баргли ўт ўсимликларидан ҳамда картон қоғози ва полиэтилендан тайёрланган махсус дасталар ишлатилади. Ҳар қути урудан чиққан қурт учун 250–300 дона даста керак бўлади.

Ёз ва куз мавсумларида ташқи муҳит ҳароратининг юқори даражада бўлиши қурт касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларнинг тез кўпайишига сабаб бўлади. Оқибатда қуртларнинг бир қисми касалликдан нобуд бўлиши кузатилади, шунинг учун ҳам такрорий қурт боқишда пилла ҳосилдорлиги кескин камайиб қолмай, қар, қорапачоқ, доғли пиллалар улуши кўпайиши сабабли пилла хом ашёсининг сифати кескин пасаяди.

Айниқса полиэдроз (вирусли сариқ), нозематоз (педрина споралари), бактериозлар (турли бактериялар) қуртларга барг ва ганада тўпланган инфекция орқали юқади. Демак, такрорий қурт боқиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ўз вақтида профилактика тадбир-чораларини қўллаш ҳисобланади.

Такрорий қурт боқиш ёзда ва кузда ўтказилиши сабабли, бу даврда об-ҳавонинг иссиқ келиши ва баргдаги намлик ҳамда озик моддаларининг бирмунча кам бўлиши билан баҳоригидан фарқ қилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, такрорий қурт боқиш туфайли келгуси баҳорги



асосий қурт боқишга керак бўлган озуқа манбаини асло камайтирмаслик зарур. Такрорий қурт боқишни тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир қурт боқиш даврига мўлжалланган махсус тутзорларга эга бўлиш ёки тутларнинг баргидан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Новдалар мавсумда икки марта, яъни баҳорги қурт боқишда ва иккинчи марта такрорий қурт боқишда каллакка тақаб кесилганда, янги ўсиб чиқанлари кузгача пишиб улгурмайди ва уларнинг кўп қисмини қишда совуқ уриб кетади. Бу эса, келгуси баҳордаги қуртларни боқишда барг етишмай қолиш хавфини туғдиради. Ғ.Бобо-жоновнинг маълумотига кўра, новдалари йилига икки марта тагидан кесилган дарахтлар танасидаги тўпланган моддаларнинг кўпроқ сарфланиши туфайли заифлашади ва баъзи дарахтлар бутунлай куриб қолади.

Олимларнинг фикрича, баҳорда вегетация даври бошлангунга қадар, бериладиган ўғитларни ҳаммаси — (90 кг/га)-фосфор, (120 кг/га) азот берилиши керак. Сўнгра ёзги ва ёзги-кузги қурт боқишдан 15–20 кун олдин яна 60 кг азот ўғитини ҳар бир гектар тутзорга солишни тавсия этади.

Бундай ёзги ва кузги қурт боқиш учун махсус тайёрланган тутларни апрель-май ойида бир марта, июнда 2 марта, июлда 3 ва августда 2 марта суғориш тавсия этилади.

Ёз ва куз мавсумларида қурт боқиб пилла етиштириш учун махсус тут плантациялари ёзги ва кузги қурт бо-

қиш учун тайёрланади ҳамда уларни баргини кесиб олиш усули ва муддатлари аниқланади.

Такрорий ипак қурти боқиш мавсумида тутзорлар қуидагича эксплуатация қилинади.

Баҳорги эксплуатациядан сўнг тутларнинг ҳозирги вақтга қадар ўсган новдаларининг юқориги учдан бир қисмидаги барглар кесилмай қолдирилиб, пастки учдан икки қисмидаги барглар қайчи билан япроғига яқин қилиб кесиб (эрталаб 5 дан 6 гача ва кечки пайт 19⁰⁰ дан кейин) олинади. Новдадаги барг бандларининг қолган қисми безарар қолиши керак. Шундагина биз куртакларга зарар етказмасдан кейинги йил барг ҳосилини сақлаб қолган бўламиз. Тутларнинг пастки қисмидаги бачки новдалардан ҳам тўлиқ фойдаланиш талаб этилади.

Ёз ва куз мавсумларида қурт боқиш учун тут новдаларини кесиб ва новдадаги баргларни шилиб олиш қатъиян ман этилади!

Республикаимиз пиллакорлари жорий йилдаги такрорий қурт боқиш мавсумини ҳамжиҳатлик билан ўтказиб, юқорида келтирилган ишларни ўз вақтида сифатли амалга оширсалар, ҳозирги эркин бозор шароитида рақобатбардош бўла оладиган мўл ва сифатли пилла ҳосилини олишга муваффақ бўладилар деб ўйлаймиз.

С.ВАЛИЕВ,

ИИТИ директори в.б., қ.х.ф.н.

Б.НАСИРЛЛАЕВ,

ИИТИ лаборатория мудири, қ.х.ф.д.

Новые книги

ЗАЩИТА РАСТЕНИЙ В СИСТЕМЕ

Монография "Защита растений в системе, "Защита растений в системе" культура - вредитель - препарат - машина", написанная доктором технических наук, профессором, академиком Р.Матчановым представляет большой интерес сельхозпроизводителям в борьбе с вредителями и болезнями растений. Оригинальность и оптимальная емкость представленных данных в монографии, заключается еще и в том, что специалисты работающие в различных областях сельскохозяйственного производства, особенно в области механизации борьбы с сельхозвредителями, болезнями и сорняками различных культур, имеют возможность получить сведения, как о посеянной культуре, агротехнике возделывания, так и о вредителях, болезнях и сорняках, а также о химических и других применяемых методах борьбы с ними. В этой связи, автор постулирует, что основной защиты растений от вредителей и болезней является интегрированная система, включающая оптимальную комбинацию агротехнических, физико-механических, биологических, химических и др. методов.

Автор монографии, подчёркивает, что для организации эффективной защиты растений нужны достоверные сведения о видеом составе, распространенности вредных организмов, по прогнозу периода их появления и развития. опираясь на выше приведенные данные, специалисты выбирают наиболее подходящий тип опрыскивателя, где предпочтение отдается машинам с высокой производительностью и с низкими эксплуатационными затратами.

Автор, описывает широкие круг машин, по опрыскиванию и опыливаю растений, указывая достоин-

ства и недостатки применяемых в сельскохозяйственной практике, в зависимости от вида растений, приемов обработки. При этом отмечает, что в настоящее время, широкое распространение получило сплошное опрыскивание, которое осуществляется штанговым и дистанционным способом. При штанговом опрыскивании распылённая жидкость наносится непосредственно на обрабатываемый объект с помощью распылителей, монтируемых на штанге. При дистанционном (вентилятором), она диспергируется распылителями и в виде малых капель переносится на обрабатываемый объект воздушной струей или ветром.

В этой связи отмечается, что для каждого конкретного случая существует свой оптимальный размер капель, зависящий от многих факторов, вида растений, его состояния, применяемого препарата, интенсивности сноса частиц ветром, рассеивания их в приземном слое атмосферы, испаряемости рабочей жидкости, смачиваемост листового поверхности, размеров обрабатываемого участка, его расположения от населенных пунктов.


Эта книга найдет своего читателя и будет настольной книгой всех сельхозпроизводителей, специалистов всех отраслей сельского хозяйства, преподавателей вузов и студентов отрасли.

Р. НАЗАРОВ,

Заслуженный работник сельского хозяйства РУ, д.с.х.н., профессор,

Ж. АБДУЛЛАЕВ,

главный специалист, УЗНПЦСХ.



ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ САМАРАДОРЛИКЛАРИ

Республикамизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш халқимизни сифатли гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа бўлиб, уларнинг ижроси ҳукуватимизнинг доимий эътиборидадир.

Чорва молларни сифатли ва ета-ри даражада озиқлантириш, яъни чорвачилик хўжаликларида мустаҳкам озуқа базасини яратиш, молларнинг зотини яхшилаш, уларнинг генетик имкониятларидан самарали фойдаланиш, молларни сақлашнинг зоогигиена, ветеринария-санитария талабларига қатъий амал қилиш каби чора тадбирлар бу вазифаларни бажаришнинг асосий омиллари ҳисобланади. Аммо, чорвачиликни ривожлантириш, моллар туёқ сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда бир қатор юқумли, паразитар ва юқумсиз касалликлар, шу жумладан гельминтозлар жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёнинг ўзига хос табиий географик-иқлим хусусиятлари — баҳор ва куз ойларида ҳавонинг илқлиги ва намгарчилик етарли бўлиши, қиш мавсуми ҳам ўта совуқ бўлмаслиги, қиш ойларида вақти-вақти билан илқ кунлар кузатилиши кўпгина хавфли гельминтозларнинг кенг тарқалишига қулай шароит яратади.

Республикамиз чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган ва турли даражада иқтисодий зарар етказадиган гельминтозлар ҳамда ҳайвонлардан одамга ва одамдан ҳайвонларга юқадиган гельминтозлар, яъни антропозоогельминтозлар ва уларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларини илм-фан янгилликлари асосида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, чорва моллари ва паррандаларнинг гельминтозлар туфайли маҳсулдорлиги камаяди. Масалан қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг асосий гельминтозларидан бири фасциолёз билан ўртача зарарланган сиғирларнинг сут маҳсулдорлиги 20-30 фоиз, ошқозон-ичак стронгилятозлари билан зарарланган қўй-эчкиларнинг гўшт ва жун маҳсулдорлиги 10-15 фоиз, аскаридоз ва гетеракидоз билан зарарланган парранда (товуқ)ларнинг тухум-

дорлиги 30-50 фоиз камаяди. Айрим ҳолларда касаллик ўлим билан тугайди. Демак, гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларини тақомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

-чорва моллари ва паррандаларнинг асосий, сезиларли иқтисодий зарар етказадиган гельминтозларини аниқлаш;

-гельминтозларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашнинг ноанъанавий, экологик хавфсиз, янги технология ва маҳаллий воситаларга асосланган, ҳайвон организми учун безарар услуб воситалари яратиш;

-турли гельминтозлар гуруҳларига қарши таъсир қиладиган кимёвий препаратларни синтез қилиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва хусусиятларини аниқлаш "тузилиш (структураси) - антгельминт фаоллик" ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

-чорва моллари ва паррандалар организмнинг гельминтозларга қарши табиий чидамлилигини мустаҳкамлаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишни жадаллаштирувчи воситалар яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Шундан келиб чиққан ҳолда республикада чорва моллари ва паррандаларнинг асосий гельминтозларини аниқлаш ва уларга қарши илмий асосланган профилактика чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда янги маҳаллий антгельминтли препаратлар, рағбатлантирувчи воситалар қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишдаги илмий тадқиқотлар республикамиз ва ривожланган давлатларда айнан ветеринария билан биокимё фанини "туташ" ҳолда ривожлантириш, антгельминт препаратларнинг самарадорлиги билан уларнинг кимёвий хусусиятлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш, юқори самарали, маҳаллий даволаш-профилактика воситаларини яратишга олиб келмоқда.

Бунинг натижасида эса, ўз навбатида, республикамизга чет элдан "импорт" қилинадиган кўп сонли

антигельминт препаратларни сонини қисқартириш, бу жараён учун сарф қилинадиган валютани тежаш имконини беради.

Гельминтозлар етказадиган улкан иқтисодий зарарнинг олдини олиш, чорва моллари маҳсулдорлигини оширувчи воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш катта иқтисодий самара беради, чорвачилик соҳасининг юқори рентабеллик соҳага айланишига олиб келади. Мисол тариқасида қайд қилиш мумкинки, Ветеринария илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликлар моддаси кимё институти ходимлари ҳамкорликда яратган "Госсипрен" номли жадаллаштирувчи воситани парранда(товуқ)чилик хўжаликларида қўллаш натижасида 1 бош товуқдан бир йилда олинадиган қўшимча маҳсулот (тухумдорликнинг 30-38% га, ҳар бир тухумнинг ўртача оғирлигининг 4%га ошиши) 45 минг сўмни ташкил қилиши аниқланди ва у бу натижалар бўйича махсус "қўлланма" ишлаб чиқилди ва Давлат ветеринария қўмитаси томонидан 2017 йил июнь ойида тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

Гельминтозлар чорвачиликка жуда катта иқтисодий зарар етказадиган. Масалан, охириги ҳисоб-китобларга кўра қорамолларнинг фасциолёзи етказадиган иқтисодий зарар, ўртача 420 бош қорамол сақланадиган хўжалик мисолида аниқланишича, 217,0 млн сўмни ташкил қилади.

Қўй-эчкилар гельминтозларига қарши ишлаб чиқилган янги антигельминтли-туз аралашмаларни кимёвий профилактика воситаси сифатида қўллаш натижасида ҳар бир бош қўй ҳисобига 9806 сўмдан 17174,4 сўмгача иқтисодий самара бериши аниқланди.

Ушбу тўлиқ бўлмаган қисқа маълумотларни ўзи ҳам гельминтозларга қарши кураш услуб-воситаларни тақомиллаштириш, янги, маҳаллий воситалар ишлаб чиқариш ва улардан чорвачилик, паррандачилик хўжаликларида фойдаланиш долзарб муаммо эканлигидан далолат беради.

Ш.ДЖАББАРОВ,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

ТОМЧИСИ – ОЛТИНГА ТЕНГ

Азал-азалдан халқимиз сувни бебаҳо неъмат сифатида қадрлаб келади. Шу боис, сув танқислиги оғир офат эканлигини, унинг ҳар томчисидан тежамкорлик билан фойдаланиш лозимлиги ҳақида турли ривоят ва хикоятлар тўқилган. Шуни унутмаслик лозимки, ҳозирги кунга келиб жаҳоннинг кўплаб давлатларида сув танқислиги муаммоси юзага келди. Серқуёш ўлкамизда ҳам кейинги пайтларда йилнинг ёз ойларида, аynи экин-тикинлар ҳосилга кириш арафасида сувнинг бироз танқислиги кузатилмоқда. Жорий йилда сув танқислиги таъсирини юмшатиш, экин экилган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 2 февраль куни "2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 9 февралда Фарғона вилояти ҳокимлигининг тегишли қарори қабул қилиниб, вилоят экин майдонларида кутилаётган сув танқислигини олдини олиш ишлари бошлаб юборилди. Аввало, 17 нафар ишчи гуруҳлари тузилиб, сув танқислиги кўп кузатиладиган ҳудудлар белгилаб олинди.

"Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси ҳам юқоридаги қарор асосида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

— Бошқармамиз 362 минг гектар суғориладиган ер майдонларини кафолатли сув билан таъминлайди ва ушбу ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгиланган меъёردа сақлаш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Аъзамжон Раҳматуллаев. — Сувдан оқилона фойдаланиш, уни ортқича ишлатишни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли қувончли натижаларга эришмоқдамиз. Ушбу долзарб тадбирларни амалга оширишда туман ирригация бўлимлари ҳиссаси яққол сезилмоқда.

— 36 йилдан буён Кува тумани ирригация бўлимида фаолият олиб бораман, — дейди Мараимжон Мирзалиев. — Ҳозирги кунда шу бўлимни бошқариб келяпман. Бўлимимизда 102 нафар ишчи-ходим

меҳнат қилади. Туманимизнинг 27 206 гектар суғориладиган экин майдони бўлиб, шундан 7530 гектарида ғалла ва 6570 гектарида пахта етиштирилади. Жанубий ва Катта Фарғона каналлари орқали туманимизда фаолият юритаётган 304 та фермер хўжалиги экин майдонла-



рига сувни керакли миқдорда, йўқотишларсиз етиб боришини таъминлаймиз. Бу ишларни амалга оширишда 6 та сув тақсимлаш бўлими, 11 та СИУ ва 15 та ММТМ ишчи ходимлари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Жорий йилги мавсумда сув танқислигини олдини олиш мақсадида 30 км хўжаликлараро каналлар тозаланди, 330 км ички суғориш тармоқлари таъмирланди ва ҳар бир фермер экин майдонининг сув кириш қисмига жами 243 та сув олиш қулоқлари қуриб, ишга туширилди.

Ушбу кенг кўламли ишларни амалга оширишда туманимиз ҳоки-

ми Ҳалимжон Умаровнинг хизматлари катта бўлмоқда. У киши ҳам ирригатор. Шу боис бизни яхши тушунадилар ва туман ҳудудида сувнинг исроф қилинишига йўл қўймадилар. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан суғориш штаби ташкил қилинган бўлиб, 5 нафар ходим 24 соат шу иш билан машғул бўлади. Бундан ташқари, туманимиз депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, Ёшлар иттифоқи ходимлари "Зарбдор 60 кунлик" тадбири сабаб сув етиб бориши қийин бўлган ҳудудларни назоратга олиб, фермерларнинг оғирини енгил қилишмоқда. Туманимизнинг 55 та фермер хўжалигига қарашли бўлган 1065 гектар экин майдони сув етиб бориши қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида 24 та фермер хўжалиги 24 дона эгилувчан қувурлар харид қилиш учун шартнома имзоладилар. Бир дон эгилувчан қувур 20 гектар экин майдонига тежамкорлик билан сув етказиб беришини инобатга олсак, бу ҳам туманимизда оби-ҳаёт муаммосини ҳал этиш йўлидаги жиддий қадамлардан бири бўлди, деб бемалол айта оламиз. Маълумки, анор Кува туманининг фахри. Жорий йилда ташкил этилган 28 гектар анорзорларга ҳам томчилаб суғориш ускуналари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Ҳа, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда сув таъминоти муҳим ўрин тутadi. Шу боисдан вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимларини яхшилаш мақсадида насос станцияларини модернизация ва реконструкция қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса ирригация ва мелиорация ходимларининг шижоатига-шижоат, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

К.ҲАЙИТОВ,
ўз мухбири.

Суратларда: чандан Туман Ирригация бўлими бошлиғи Мараимжон Мирзалиев, Сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Саидрасул Холматов ва механик Баҳодиржон Охунжонов.

ВЕГЕТАЦИЯ МАВСУМИ МУАММОСИЗ ЎТАДИ

Бахмал, деганда пурвиқор тоғлар, ҳосилини кўтара олмай шохлари эгилган боғлар, булоқлар сувини олиб, водийларга ошиқаётган шарқироқ сойлару, ям-яшилликка бурканган экинзорлар, қир-адирлардаги чорва моллари, ва албатта, ана шу гўзал манзаранинг чинакам яратувчиси бўлган азамат юртдошларимиз кўз олдимизда гавдаланади.

Бугунги кунда туманда бошоқ-ли дон экинлари, узум, мева-саб-завот, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортиб, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик билан шуғулланувчилар сони кўпаймоқда. Худуд аҳли азалдан ҳам соҳибкорлиги билан шуҳрат қозонган. Бахмал олмаларининг донги нафақат юртимизга, балки узоқ-яқин хорижга ҳам ёйилган, десак янглишмаймиз. Туман миришкорлари шунингдек, картошкачиликда ҳам ўзига хос мактаб яратиб олишган...

Бахмалнинг ана шундай обод ва яшилликка бурканган худудга айланишида соҳибкор дала меҳнаткашларга яқин кўмакчи бўлган туман сувчиларининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Айниқса, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида, яъни йилнинг нисбатан қуруқ келиб, ҳаттоки, тоғу-тошлар бағридан отилиб чиқаётган булоқлар суви ҳам сезиларли даражада камайган бир даврда бунга яна бир бор амин бўласан, киши. Ўз сафига 25 нафар ишчи-мутахассисни бирлаштирган туман ирригация бўлими жамоаси жорий йилда ҳам юртдошларимизнинг Бахмалда етиштирилган ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

— Пойтахтимизда май ойининг охирларида Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида жорий йилда мамлакатимизда ёғингарчилик нисбатан кам бўлгани, бунинг оқибатида аксарият худудларда сув танқислиги юзга келгани, бундай ҳолат сувдан оқилона фойдаланишни тақозо этиши алоҳида таъкидланди, — дейди туман ирригация бўлими бош

гидротехниги Бахтиёр Тожиев. — Ана шу машварат талабларидан келиб чиққан ҳолда туманимизда барча тоифадаги экин майдонларида суғориш ишларини сифатли олиб бориш учун мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари ишга солинмоқда.



Маълумки, экин майдонларини ортиқча ташвишларсиз суғориш учун ирригация объектларининг техник ва ишчи ҳолатини сақлаш муҳим ўрин тутди. Туман сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобида бўлган хўжаликлараро суғориш тармоқларининг умумий узунлиги салкам 53 километрни ташкил қилиб, уларда 56 та гидротехник иншоот, 44 дона гидропостлар мавжуд. Кузги-қишқи мавсумда хўжаликлараро каналларнинг механизмлар ёрдамида тозаланиб, мавжуд гидроиншоотларни тўлиқ таъмирлаганимиз бугун ишимизни енгил қилаётир.

Вегетация мавсуми бошлангунга қадар сув истеъмолчилар уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобида бўлган 115 километр узунликдаги ички суғориш тармоғи, улардаги 22 дона сув иншооти, 300 га яқин сув олиш қулоқлари қўл кучи ёрдамида тозалаб чиқилгани-

ни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси бугун — сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлашда қўл келмоқда.

— Бахмал тумани экинзорлари учун зарур бўладиган оби-ҳаётнинг иккита манбааси бор, — дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Абдуқаюм Турсунбоев. — Биринчи ва асосийси, бу Зарафшон дарёсининг суви оқиб келадиган кўҳна Туятортар канали бўлса, иккинчиси булоқлар ва ирмоқлар суви ҳисобланади. Биз ана шу сув ман-

бааларимизни авайлаб, ҳар бир томчи сувдан оқилона фойдаланиш чораларини кўряпмиз.

Бу йил туманда хўжалик ички лоток тармоқларининг яхшиланиши, томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этилиши натижасида 150 гектар майдонда янги боғ ташкил этилди. Махсус ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” асосида ғалладан бўшайдиган 1 минг гектар майдонга экспортбоп ва серҳосил такрорий экинлар экилмоқда. Ушбу экинларга зарур бўладиган 2 миллион 700 минг кубометр сувни етказиб бериш ҳам айнан ирригация бўлими ишчи-мутахассислари зиммасига юкланган.

Бугун тумани худудларида 3 та суғориш штаби, 15 та сувчилар уйи ташкил қилинган. Суғориш ишларида иштирок этаётган 150 нафар сувчига барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Сувдан самарали ва тежамкор фойдаланиш мақсадида амалга оширилаётган бу ишлар Бахмалда вегетация мавсумининг талаб даражасида ўтишини таъминлаши муқаррар.

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: (чандан) Бахмал тумани ирригация бўлими мутахассислари — Бахтиёр Тожиев, Дилмурод Урозов ва Акрам Турсунбоевлар суғорилиши режалаштирилаётган худудлар харитаси ёнида.

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Деҳқончиликда йил йилга ўхшамайди, деган гап бор. Жорий йил ҳам бободехқон учун яна бир синов даври бўлмоқда. Қишбаҳор мавсумидаги қурғоқчилик экинлар ривожига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Албатта, бундай шароитда сувдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш юқори ҳосил олишнинг кафолати саналади. Хўш, бу борада Навоий вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Сув тақчиллигини юмшатиш бўйича қилинаётган ишлар қандай самара бераяпти?



Вилоятда 131 800 гектар суғориладиган ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 33 800 гектарига пахта, 40 600 гектарига галла ва қолган ер майдонларига боғдорчилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик экинлари экилган. Шунингдек, галладан бўшаган ерларнинг 18 000 гектарига такрорий экинлар экиш режалаштирилган. Бу ўз навбатида ҳар бир сувдан фойдаланувчи фермеру деҳқондан жуда катта масъулият талаб этади.

Вилоятнинг Хатирчи, Навбаҳор, Конимех ва Кармана туманлари Зарафшон дарёсидан, Қизилтепа тумани ва Кармана туманининг бир қисми 4 та насос орқали Амударёдан етказиб бериладиган Аму-Бухоро машина каналидан сув ичади. Айни пайтда Зарафшон дарёсининг суви тўпланадиган Каттакўрғон сув омборида 47 фоиз, Оқдарё сув омборида эса атиги 11 фоиз сув жамғарилганлиги сув ресурсларидан ўта тежамкорлик билан фойдаланиш

муҳимлигини кўрсатмоқда. Ҳозир вилоятда 205 млн/м³ сув тақчиллиги юзага келган бўлиб, уни қоплаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бу борада вилоятнинг Навбаҳор туманида сув тақчиллигини юмшатиш, ундан оқилона фойдаланиш бўйича Республика семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Баҳодир Юсупов иштирок этган ушбу тадбирда фермер хўжаликлари раҳбарлари ва сувчиларга сув исрофгарчилигининг олдини олиш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, сув исрофгарчилигига йўл қўйган масъуллар қаттиқ танқид остига олинди.

Ҳозир пахтани суғориш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бунда фермерлар сувни навбатма-навбат, “шарбат” усулида суғориш ва ҳар бир гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариши катта аҳамиятга эга. Дала ўқариқ-

ларидаги сув исрофи 30–35 фоизгача камайишига эришилмоқда.

— Замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш яхши натижаларни бермоқда, — дейди Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Н. Отақулов. — Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан ажратилган 75 комплект эгилувчан қувурлар ўрнига 200 комплектдан зиёд олиб келиб, сув бориши қийин бўлган фермер хўжаликларида етказиб бердик. Бу ишлатиладиган сув сарфини 60–70 фоизгача камайтириш имкониятини бераяпти. Ушбу эгилувчан қувурнинг 1 комплекти 20 гектар майдонни “оби-ҳаёт” билан таъминлашини эътиборга олсак, вилоятимиз бўйича 4 минг гектардан зиёд гўза майдонлари кафолатли сув билан таъминланади.

— Эгилувчан қувурлар ёрдамида гўза майдонларини суғораётганимиз ортиқча сув сарфини камайтириб, экинларни ўз вақтида суғорилишига ёрдам бермоқда, — дейди Қизилтепа туманидаги “Қубаро диёр” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи Х. Раҳмонов. — Ушбу тежамкор технологиялардан келгусида барча экин майдонларида фойдаланишни режалаштиряпмиз. Ушбу мақсадимиз амалга ошса, қатраси қадрли бўлган сувнинг ортиқча исрофгарчилигининг олдини олишга ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, навоийлик миришкорлар сувдан тежаб-тергаб оқилона фойдаланишга жиддий эътибор берган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Зеро кузги барака бугунги омилкорликка боғлиқдир.

Б. ТОШНАЗАРОВ.



ИНТИЛГАНГА – ТОЛЕ ЁР

Юртимизда фермерлик ҳаракати бошлангандан буён ўтган давр мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби, қишлоқ хўжалигида ҳам соҳани тубдан ислоҳ қилишга, билимли ёш кадрларни ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, уста деҳқонлар томонидан ёш фермерларни шогирдликка олиб, уларни заминни эъзозлашга, ер билан тиллашишга ўргатиши аграр соҳа ривожига алоҳида даврни бошлаб берди.



– Болалигим далада ўтган, – дейди Ўзбекистон туманидаги “Хумор қўшқанот юлдузи” фермер хўжалиги раҳбари Азизбек Одилов. – 2002 йили Тошкент молия институтини тамомлаб, “Хумор шарқ” фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб иш бошлаганман. Ер – мўъжиза. Унга қанча ишлов берсангиз, эъзозласангиз, у сиздан ҳеч қачон мурувватини аямайди. Шу мўъжизага, заминга бўлган меҳр мени фермерлик касбини танлашга ундади. 2010 йили 131 гектар экин майдонида фаолиятимизни бошладик.

Албатта, ер билан тиллашишнинг, экинлардан юқори ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Азизбек ўзига ажратилган экин майдонларида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш билан бирга, майдонларнинг четларига алоҳида ишлов берди ва сувнинг ўз вақтида йўқотишларсиз етиб келишини таъминлади. Энг муҳими, амалга оширилган ушбу тадбирлар қисқа вақт оралиғида ўз натижасини бериб, ер эгасининг нияти амалга ошди.

– Хўжалигимиз ташкил этилгандан буён ҳар йили мунтазам равишда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштириб келяпмиз, – дея сўзида давом этди Азизбек Одилов. – Жорий йилда 65 гектар экин майдонида 31 нафар доимий ишчиларимиз билан деҳқончилик қиляпмиз. 31 гектар майдонга пахтанинг “Султон” навини эдик. Давлатга ҳар гектар майдондан 33 центнердан пахта сотиш учун шартнома имзолаган бўлсак-да, мақсадимиз 43–45 центнердан ҳосил олиш. 28 гектардаги “Чиллаки” ва “Гром” навли ғалламиз ҳосилидан ҳам, насиб қилса, юзимиз ёруғ бўлади. Ҳар гектар ердан 32,7 центнер ҳосил учун шартнома имзолаганмиз, лекин мўлжалимиз 60–65 центнерлик хирмон уйиш. Ушбу ниятимиз амалга ошса, хўжалик омбори ҳам, ишчилар хонадони ҳам ғаллага тўлади. Мўл-кўлчилик бор жойда эса барака бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Хўжаликни кўптармоқлилика айлантириш жамоа аъзоларининг ҳам орзу-нияти. Шу ниятда хўжалик иш бошқарувчиси Давлатжон Одилов ишчилар билан маслаҳатлашиб, паррандачилик цехини очди.

– Бундан тўрт йил муқаддам дала шийпонимиз ёнида парранда боқишга ихтисослашган бино қуриб, 500 бош Ломан-Браун зотли жўжаларни парваришлаганга киришган эдик, – дейди Давлатжон ака. – Бинони аста-секин замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаб, жўжалар бош сонини кўпайтириб бордик. Ушбу ишларни амалга оширишимизда туманимизнинг машҳур паррандачиси Муҳаммадали ака Шомуродовнинг ҳиссалари катта бўлди. Фермада айна пайтда 5 нафар қишлоқ хотин-қизлари доимий иш билан банд. Ҳозирги кунда 7000 бош парранда парваришляпмиз. Бу кунига 6000 дона тухум дегани. Етиштирган маҳсулотимизни туманимиздаги мактабга таълим муассасаларига арзонлаштирилган нархларда етказиб берамиз. Келгуси режаларимиз бундан-да улғ. 2018–2019 йиллар оралиғида 10 сотих иссиқхонани тўлиқ ишга тушириб, лимон экиш ҳамда паррандалар бош сонини 10000 бошга етказишни ният қилганмиз. Бундан ташқари, насли чорвачиликни йўлга қўйиш учун ҳам ҳозирдан ҳаракатларимизни бошлаганмиз.

Бундай саъй-ҳаракатлар истикболда хўжалик таркибида янги корхоналарнинг юзага келишини таъминлаш билан бирга, кўплаб қишлоқ ёшларининг доимий иш билан банд бўлишлари учун ҳам хизмат қилади. Ҳа, юртимизда шундай интилувчан, жонкуяр инсонлар бор экан, халқимизнинг дастурхони тўкин бўлиб бораверади.

К.ЭРГАШЕВ,

Суратда: моҳир паррандачи Салтанатхон Қўлдошева ва фермер Азизбек Одилов.

ДЕҲҚОНЛАР СУЛОЛАСИ

Истиқлол тенгдоши Умиджон Тоҳиржонов Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетини тугатиб, АТ "Агробанк"-нинг Жалақудуқ туман бўлимида ишлаш баробарида, отаси, уста деҳқон Нурмуҳаммад Мамасолиевга елкадош бўлиб, 2016 йилдан "Тоҳиржонов Умиджон даласи" фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Унинг шижоати, ғайрати боис жамоа қисқа даврда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланди.

Ҳозирда хўжаликда Польшадан келтирилган 80 дан ортиқ наслии қорамол зооветеринария қоидалари асосида парваришланмоқда. Паррандачилик, асаларичилик, қуёнчиликни кенгайтириб, хўжалик иқтисодини барқарорлаштириш бўйича режали, изчил ишлар амалга оширилаяпти. 1 гектарга узумнинг сара навлари, 5 гектар майдонга олманинг "Семеренко" нави экилган ҳосили тўлиқ экспортга йўналтирилади. 20 сотих майдонга агробиологиясини ўрганиш мақсадида помидор экилган. 2 га ерга тут кўчатчилиги ташкил қилинган. Парник хўжалигида эса турли сабзавотларнинг кўчатлари етиштирилади. Ишчи-хизматчилар учун дам олиш масканига айланган дала шийпонида барча қулайликлар яратилган. Қурилаётган 10 сотихли иссиқхона бу йил фаолиятини бошлайди.

Дастлаб техника – қишлоқ хўжалиги машиналари таъминоти яхшиланиб, хўжаликка қарашли ер майдонларининг тупроқ-сув хоссалари ўрганилди, шунга асосан экиладиган экинлар навларининг агробиологик хусусиятлари асосида экин турлари бўйича юқори, сифатли ҳосил етиштириш технологияси ишлаб чиқилди. Натижалар шунга яраша бўлмоқда.

Ўтган йили 41 гектар майдонга ғалла уруғчилиги учун бугдойнинг "Ҳисорак" навининг супер элита уруғидан экиб, ҳар гектаридан 75 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга сифатли уруғлик дон сотиш режаси 120 % дан ошириб уддаланди. Шунингдек, 34 гектар майдонга ғўзанинг "Андижон-36" навининг элита уруғи қадалиб, режадаги 32 центнер ўрнига гектаридан 41 центнердан ошириб ҳосил яра-

тилди. Давлатга уруғлик пахта тайёрлаш режаси 128 % га бажарилди.

Жорий йилда ҳам 41 гектар майдонга кузги бугдойнинг "Краснодар-99" навининг супер элита уруғидан экиб, белгиланган агротехник тадбирлар асосида парвариш қилинди ва гекта-



ридан 80 центнердан ҳосил олишга эришилди. 34 гектар майдонга ғўзанинг "Андижон-36" нави элита уруғи экилган пайкалнинг ҳолати талаблар даражасида. Заршунослар гектаридан камида 45 центнердан хирмон кўтаришга умид боғлаб туришибди.

Умиджон давр талабларидан келиб чиқиб, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш халқаро инновацион лойиҳаси асосида Франциядан келтирилган 10 хил юқори авлодли картошка навларини синаш ва уруғчилигини йўлга қўйиш борасида 1 гектар майдонда тажриба майдони ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, ёш фермернинг картошкачилик бўйича олиб бораётган ишлари Юртбо-

шимизнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунисидаги нутқида "Халқимизнинг энг кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулот турларидан бири бўлган картошка билан тўла таъминлаш учун йилга ўртача 50 минг тонна сифатли картошка уруғини етиштиришимиз талаб этилади. Бунинг учун Голландия, Польша, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликда замонавий лаборатория ускуналарига эга бўлган маҳаллий уруғчилик маркази ва махсус корхоналар ташкил этишимиз керак", – деган сўзларига амалий жавоби бўлади.

Маълумки, шу кунга қадар аҳолининг картошкага бўлган талабининг асосий қисми томорқаларда етиштирилган ёки чет давлатлардан импорт қилинган ҳосил эвазига қопланган. Бу эса ички бозорда нарх-навоининг ошишига таъсир этган. Ёш фермернинг бу изланишлари албатта эътиборга лойиқ.

Жалақудуқ туманидаги навқирон фермернинг режалари қаторида замонавий чорва мажмуаси, 120 тонналик музлатгич қуриш шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш марказини йўлга қўйишдек эзгу ниятлар бор. Аниқ ҳисоб-китобларга таянган Умиджоннинг қутлуғ ниятлари яқин йилларда ижобати-га ишонгимиз келди.

– 82 ёшни қаршилаётган ўзбек фермерчилигининг илк қалдирғочларидан Тоҳиржон бобомнинг падали бузрукворлари Мамасоли ота ҳассос шоир Абдулҳамид Чўлпон опа-сингилларининг зурриёди бўлади. Умуман, менинг бобокалонларим – Зокиржон бобон, у кишининг оталари Маматмурод бува ҳам ўз даврининг уста деҳқон-соҳибкори бўлишган. Биз ёш авлод бугунги имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланган ҳолда, аждодлар руҳини шод этиб Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида, эл-юрт тўқинчилигига муносиб ҳисса қўшиб яшашимиз лозим, – дейди шукроналик билан Умиджон. – Бу менинг, барча тенгқурларимнинг Ватан, халқимиз олдидаги муқаддас бурчидир.

Ўз мухбиримиз.

АФШОНАЛИК ЛИМОНЧИ

Бухоронинг Афшона қишлоғи буюк табиб Ибн Сино таваллуд топган, эл-юрт ривожига дахлдор кўплаб фидойиларга бешик бўлган гўша. Қаҳрамонимиз Нусрат Сайидов авлодлар анъанасига содиқ қолиб, халқимиз дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.



— Ёшликдан зироатга, соҳибкорликка берган меҳр мени далага етаклади. Тўкинлик остонаси — томорқамда сабзавот-меваларнинг камёб турларининг агробиологиясини ўрганиш баробарида ҳақим бобокалонимиз руҳини шод этиб, инсон саломатлиги учун фойдаси беқиёс лимон етиштириш билан астойдил шуғуллана бошладим, — дейди Нусратжон мамнуният билан. — Ривожланиш йўлида қатор тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келди. Эндиликда, бутун оиламиз, қолаверса, маҳалламиз тажрибали лимончиларга айланди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда деҳқончиликнинг барча жабҳаларига, жумладан, лимончиликка эътибор кучайди. Президентимизнинг мамлакатимизда лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига кўра ташкил этилган Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси таъсис йиғилишида тадқиқотчи олим Нуриддин Фахриддинов уюшма раиси этиб сайланди. Эндиликда ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар шартнома асосида Уюшмага мустақил аъзо бўлишлари мумкин ва унинг таркибидан чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Уюшманинг асосий вазифаларидан бири республикада лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил қилишни комплекс ривожлантириш бўйича дастурларни амалга оширишда иштирок этиш, соҳада ягона илмий-техникавий, технологик, инвестицион ва экспорт сиёсати амалга оширилишига қўмаклашиш ҳисобланади. Истиқболда 2018—2021 йилларда жами 2240 гектар ерда лимонзор ташкил этилиб, ундан 2025 йилга келиб 63300 тоннадан зиёд ҳосил олиш кўзда тутилган..

— Уюшманинг ташкил этилиши мен ва мен каби лимончиларнинг азалий орзуси эди. Ҳеч иккиланмай жамоа таъсисчилари қаторидан жой олдим. Ниятим ўзбек лимончилигини дунёга кўз-кўз қилиш, юртимиз довуғини оламга таратишдан иборат.

Нусрат Сайидовнинг мўл ва сифатли лимон етиштириш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдик.

Нусрат Сайидов ҳисобидаги 1000 туп лимон билан 2017 йилда "Пешку лимончилик равнақи" фермер хўжалигига асос солди. Ҳозирда хўжалик ички бозорда харидоргир бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: лимон, апельсин, мандарин ва помидор етиштиришни йўлга қўйган. Умумий ер майдони 6,1 гектар бўлиб, 12 нафар ишчи ушбу ер майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 5 турини парвариш қилишмоқда.

Фермер хўжалигида ҳар йили ўртача 10 тонна лимон, 4 минг лимон кўчати, 12-15 минг дондан ортиқ помидор кўчати ҳамда қўкатлар етиштирилмоқда ёки 2015-2017 йилларда 91,8 тонна лимон ва 77,6 тонна помидор ҳосили олинган, шунингдек, 16,2 минг туп лимон ва 165 минг туп помидор кўчатини вилоят фермер хўжаликлари ва фуқароларга етказиб берган.

Хўжалик ўз иқтисодини барқарорлаштириш йўлида дадил қадамлар ташламоқда Жумладан, сўнгги уч йилда фермер хўжалигида лимон етиштиришдан 183,4 млн. сўм, помидор етиштиришдан 111,7 млн. сўм шунингдек, лимон дарахтидан етиштиришдан 209,5 млн. сўм, помидор кўчати сотишдан 66,5 млн. сўм соф фойда олган.

Лимончилик маданияти ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳамда лимон етиштиришнинг янги агроиқтисодий омиллари ва бошқа қатор мавзуларда хўжаликда вило-

ят миқёсида қатор семинар кенгашлар ўтказиб келинмоқда. Нусратжоннинг турли жойларда бўлиб, лимончиларга ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

Билимдон лимончининг таъкидлашича, лимон экилган иссиқхонанинг тупроғида озиқ моддалар, макро, микроэлементлари турлича миқдорда бўлгани боис, ҳар 4—5 йилда ўтказиладиган агрохимёвий таҳлил маълумотларига таяниб, ўғитлаш ишларини амалга ошириш лозим. Озиқлантиришда лимоннинг биологик хусусиятлари, ёши ва тупроқ хоссалари, унумдорлик, органик моддалар миқдори, механикавий ва минерал таркиб, намлиқ, ҳарорат, ёруғлик, аэрация, pH, эритма концентрацияси каби омиллардан бирининг етишмаслиги ўсимликнинг нормал озиқланишини бузади ёки бир томонлама озиқлана бошлайди.

Бундан ташқари, лимон ўсимлиги микроэлементларга ҳам эҳтиёж сезади. Буларга бор, магний, рух, темир, марганец ва ҳ.к.лар киради. Юқорида номлари келтирилган озуқаларнинг етишмаслиги лимон ўсимлигида турли хил касалликлар, ҳосилнинг камайиши ва улар сифатининг ёмонлашувига олиб келади.

Давримиз шижоат билан самарали меҳнат қилиб, ҳар бир қишлоқ хўжалик экинидан мўл ва сифатли, жаҳон стандарти андозаларига мос ҳосил олиш учун аввало агро илмдан, хориж ҳамда илғорлар тажрибаларидан кенг қўламда фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

Қадамидан чақмоқ чақнаб турган Нусрат Сайидовнинг салоҳияти юксалиши баробарида эл-юрт тўкинлигида ҳиссаси ортишини тилаб қоламиз.

М.ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ОМИЛКОРЛИК – БАРАКА БУЛОҒИ

Пахтаобод тумани Андижон вилоятидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йирик ҳудудлардан бири. Туманда ер билан тиллашиб, сувнинг қатрасини ҳам исроф қилмай, техникани юксак унум билан ишлатаётган фидойи деҳқонлар талайгина. Ҳалол ва ибратли меҳнатлари билан эл ўртасида обрў-эътибор топаётган кўплаб фермерлар ўз ташаббуслари билан пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиб, вилоят ва республикамизга танилиб улгуришди.



Президентимиз фармонида асосан Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан 2017 йили “Дўстлик” ордени билан тақдирланган “Фуломқодир” фермер хўжалиги раҳбари Фарҳоджон Отахонов ана шундай деҳқонлардан бири.

– Асли касбим ветеринар, – дейди фермер биз билан суҳбатда. – 1994 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ветеринария факультетини тамомлаб, туманимиздаги собиқ “Самарқанд” ширкат хўжалигида ветврач бўлиб иш бошлаганман. 1995–1996 йилларда мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошлангандан сўнг туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилдим. 1996 йили бизга 5 гектар ер ажратиб беришди. Шу ерда пахта ва ғалла етиштириш йўналишида ўз фаолиятимизни бошладик. Ўша пайтларда янги ташкил бўлаётган хўжаликларга ҳосилдорлиги нисбатан паст бўлган экин майдонлари ажратиб берилар эди. Аслида эса, ёмон ер бўлмайди, ёмон деҳқон бўлиши мумкин. Ҳар қанча ҳосилдорлиги паст деб аталган ерга ҳам керакли миқдорда озуқа солиниб, маромида ишлов берилса, йиллар ўтиб, у албатта деҳқонни хурсанд қилади. Биз шу ақидага амал қилиб иш бошладик. Оч ерни маҳаллий, калийли ва фосфорли ўғитлар билан тўйдирдик. Баъзилар, “Ер ҳам тўядими?” – деб кулишади. Тўйган ерга деҳқон кўзи билан қарасангиз, хоҳлаган экиннингни эк, ҳосилинингни ол, деб туришини кўрасиз. 2006 йилга қадар пахтадан 40 центнердан кам ҳосил олмадик. 2016 йилга келиб экин майдонимиз 32,2 гектарга кенгайди. 23 нафар доимий ишчимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, янги қўшилган майдонларга ҳам ишлов беришни бошлаб юбордик. Астойдил меҳнат қилган, албатта,

ниятига етади. Жорий йилда 15,2 гектар экин майдонига ғалланинг “Таня” навини экдик. Ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил топшириш бўйича шартнома имзолаганмиз. Аммо далада ҳосил мўл, мўлжалимиз гектаридан 65 центнердан хирмон кўтариш. 17 гектарга экилган “Андижон-36” навли пахта кўчатимиз ривожига ҳам кўнгилдагидай. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Шартнома бўйича давлатга гектаридан 35 центнердан ҳосил беришимиз керак. Биз эса бу кўрсаткични 45 центнердан оширмоқчимиз. Албатта, ушбу ишларни амалга оширишда Ғолибжон Ибрагимов, Жаҳонгир Мамарасулов каби илғор механизаторларимиз, Маннобжон Хурбоев, Одилжон Холбоев, Иминжон Сотволдиев каби малакали сувчиларимизнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Хўжалигимизнинг барча ишчилари юқори ҳосилдорлик сари интилиб, астойдил меҳнат қилади. Зеро, мўл ҳосил уларнинг ҳам оморларига дон, чўнтақларига даромад кириб боришини таъминлайди.

Хўжаликда бир неча йилдан буён асаричиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозирги кунда 30 та оила асалари парваришланаётган бўлса, хўжалик раҳбари яқин келажакда асалари оилалари сонини 150 тага кўпайтириш ҳаракатини бошлаб юборган. Мақсад ўтган йилда олинган 150 млн. сўм соф фойдани 200 млн. сўмга етказиш. Шу асно қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириб, ишчиларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш.

Ўз мухбиримиз.

Сурамда: сувчи Алимардон Мадумаров (чапда) ва фермер Фарҳоджон Отахонов ғалла ҳосилининг чўғини чамалашмоқда.

ЭНДИ ЁШЛАР ЯНГИЧА ИШЛАЙДИ, дейди меҳнат фахрийси Ҳабиба Ғафурова

Юртимизда Ҳаракатлар стратегияси асосида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экспортбон маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини ошириш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти. Сўнгги бир ярим йилда соҳанинг қонунчилик асослари такомиллаштирилди.



Бу эса қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, деҳқонлар ишини енгиллаштириш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун соҳага инновацияларни кенг жорий қилишни, илм-фан ва селекция ютуқларидан янада унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг парламентга Муaroжаатномасида селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг 51 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан зиёдни ташкил этади.

Мамлакатимизда селекция-уруғчилик соҳасида муайян натижаларга эришилди. Бунда, айниқса, соҳага оид қабул қилинган элликдан ортиқ қонун ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Меҳнат фахрийси Ҳабиба Ғафурова ҳам табиий-иқлим шароитга мослаштирилган эртапишар, серҳосил навлар яратиш, қишлоқ хўжалигини юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш, уруғчиликда жаҳон тажрибаси ютуқларидан фойдаланиш борасида самарали фаолият юртиб келмоқда.

Ҳабиба опа мактабда аъло баҳоларда ўқиши билан бирга, даладан хориб келган онаси Латофатхон аянинг уй-рўзгор ишларида яқин кўмакчиси эди. Айниқса, томорқадаги юмушларни бир зумда ўзи бажариб ташларди. Уста деҳқон бўлган падари бузруквори Абдуғофир ота қизининг бу ҳаракатларини кўриб, ичида қувониб қўярди.

— Ота-онам деҳқончиликда ўз даврининг фидойилари бўлиб, қатор орден-медаллар билан тақдирланишган, — дейди Ҳабиба опа. — Ёшликдан улар меҳнатига бўлган қизиқиш мени Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги ТошДАУ)нинг Агрономия ва тупроқшунослик факультетига етаклади. Ўқишни тутатганимга 42 йил бўлди. Шундан буён уруғчилик соҳасида ишлаб келяпман.

Деҳқончиликда тупроқ-иқлим шароити бирмунча мураккаб бўлган Бекобод туманида жорий йилда 14575 гектар майдонда тажриба ва навларнинг агробиоло-

гик хусусиятларига таяниб экилган кузги буғдойнинг “Замин”, “Яксарт”, “Крошка”, “Таня”, “Гром”, “Грация”, “Юка”, “Бригада”, “Краснодар-99” навлари етиштирилди.

Шунингдек, 11957 гектар майдонга гўзанинг “Султон”, “Жарқўрғон”, “Бухоро-102” навлари экилган.

Ҳабиба опа ишлаётган марказда галла ва дондан ташқари сабзавот, полиз ва картошка уруғчилиги борасида ҳам тажрибалар ўтказиб келинади. Мақсад истеъмол бозорини сархил, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш.

— Эндиликда, томорқа эгалари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларини ҳам сифатли уруғлар билан таъминлаш тизимини шакллантириш вақти етди, — дейди Ҳабиба Ғафурова. — Ҳозир кўпчилик хорижнинг сифатли уруғларини харид қилишни истайди. Аммо амалиётда экилаётган уруғларнинг аксарият қисми норасмий йўллар билан, сохта тадбиркорлар томонидан олиб келинмоқда. Уларнинг на мувофиқлик сертификати бор, на кафолати. Менимча, аҳолини сифатли уруғ маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳар бир туманда, ҳеч бўлмаса биттадан уруғчилик дўкони очиш зарур. Албатта, талабни ўрганган ҳолда, хориждаги уруғ экспорт қилувчи корхоналар билан шартнома тузилса, кафолатланган уруғ таъминоти йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази фаолиятини бошлади. Ушбу марказнинг вазифаси қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, гўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий селекция навлари, биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантиришдан иборат.

Шунингдек, мазкур марказ уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб боришга, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашади. Демак, уруғчиликда Ҳабиба опа орзу қилаётган ишлар амалга ошади.

Ўз мухбиримиз.



ЗАМИН ФИДОЙИСИ

Лолахон Муродова. Бу ном юртимиз деҳқонлари орасида жуда машҳур. Сабаби, ўз меҳнати орқали қадр топиб, эл-юрт орасида йиллар давомида танилиб, таниқли бўлиб борди. Унинг ғайрату шижоати ҳам муносиб тақдирланиб, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” ва “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени билан тақдирланган.

— Лолахон опа, сиз ҳақингизда газета ва журналлар ҳамда телевиденида кўплаб мақолалар ҳамда телеэшиттиришлар тайёрланган. Суҳбатимизни болалик даврингиз ҳақидаги хотираларингиз билан бошласак.

— Мактаб — инсоннинг орзиқиб, ҳаяжон билан эсга оладиган маскани. Шу билан бирга, келгуси ҳаёт йўлини кўрсатувчи маёқ, деган бўлардим. Мен ҳам кўп синфдошларим қатори аъло баҳоларга ўқиганман. Айниқса, жисмоний тарбия дарси жону дилим эди. Узоқ масофага югуриш бўйича бир неча маротаба вилоятда ўтказилган мусобақаларда биринчилардан бўлганман. Устозларим: “Лола, сен жисмоний тарбия ўқитувчиси бўласан”, дейишарди. Ҳовлимизда 50-йилларда яратилган, ўриндиғи лаганга ўхшаган эски трактор бўларди, уни миниб ўзимча ҳузурланардим. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ Олтиариқ туманининг илғор механизаторларидан бири — отам Неъматжон Муродовдан трактор ҳайдаш сир-синаотларини ўргандим. Мактабни тамомлаб, институтга ҳужжат топшириш мақсадида юрган пайтимда маҳалла комитети биносининг деворига осилган “Тракторчилар курсига қабул қиламиз” — деган эълонни ўқидим-у, дарҳол ҳужжатларимни билим юртига топширдим. Ўқишни тамомлаб, уч йил мактаб ўқувчиларига трактор ҳайдаш сирларини ўргатдим. 1980 йилдан отам билан механизаторлик қила бошладим.

— “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар” — дейди халқимиз. Устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Механизаторлик касбини тўлиқ ўзлаштиришда отамнинг хизматлари катта. — Мен ҳам Турсуной Охунова бўламан, — деб трак-

тор кабинасига ўтирганимда, мени қайтармадилар, севиниб ёнларига олдилар. Деҳқончилик сирларини ўзлаштиришимда “Ўзбекистон Қаҳрамони” Юрсинали ака Жўраевнинг ҳиссалари катта бўлди. Умрларининг охиригача даламга келиб экин майдонларимни кўздан кечириб, қимматли маслаҳатларини аямадилар. Эрта тонгда шийпонга келиб велосипедларини чинорга суярдилар-да: “Лола, фалон майдондаги ғалланга қўшимча ўғит бериш керак, фалон майдондаги пахтага касаллик туша бошлади эҳтиёт бўлгин”, деб маслаҳат берардилар. Жойлари жаннатда бўлсин, ажойиб инсон эди.

— Буни икки йил аввал январь ойи ўрталарида йўлим тушиб шийпонингизга киргандим, ёрдамчингиз Манзура опа экин майдонларида экскаватор ва бульдозерчилар билан ишлашяпти деганларида ҳайрон бўлгандим. Ахир, деҳқон қишда дам олмайdimи?

— Кўпгина деҳқонларимиз қишни дам олиш вақти деб ҳисоблашади. Лекин мен бу ойларда муҳим тадбирларни амалга ошираман. Заканлардан чиққан тупроқлар йиллар давомида қуёш тигида куйиб табиий ўғитга айланади. Мана шу тупроқларни экин майдонлари ичига суриб, ўрнига заканларни яна чуқурроқ қилиб қаздириб, тупроқ ташлатаман. Бу билан камида икки йиллик ўғитни тежайман, ернинг шўрини сезиларли даражада камайтириб, ҳосилдорликни оширишга эришаман.

— Лолахон опа, сиз раҳбарлик қилаётган “Мухриддин Нурлиобод” фермер хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб шартномавий режаларни бажариши билан танилган. Жорий йил ҳам мана шу натижаларни қайд этишни режалаштирганмисиз.

— Бизнинг экин майдонларимиз Марказий Фарғона чўли ҳудудида жойлашган. Бу ерлар шўр, захкаш ва қумлоқ майдонлар ҳисобланади. Шундай бўлса-да йиллар давомида қилинган меҳнат самараси ўлароқ ерларимиз ҳозирги кунга келиб ҳосилдор майдонларга айланиб улгурди. Жорий йилда 476 гектар майдонда меҳнат қилияпмиз. Шундан 348 гектар майдонга ғалланинг “Асп” ва “Юка” навларини экиб, ҳар гектар майдондан шартномада белгиланган 26 центнер ўрнига 60 центнердан ҳосил кўтардик. 128 гектар экин майдонида пахтанинг Наманган-77 навини парваришляяпмиз. Давлатимиз билан ҳар гектар майдондан 27 центнердан ҳосил олиш учун шартнома тузганмиз. Мақсадимиз 40 центнердан ҳосил кўтариш.

Президентимиз Фарғона вилоятига амалга оширган сафарлари давомида Олтиариқ туманида ҳам бўлиб, фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашдилар.

Ҳурматли Президентимизнинг туманимизга ташрифлари кўп қатори мени ҳам қувонтирди. Президентимиз: “Ҳурматли фермерлар ютуқлар ҳақида гапирманглар, биз ҳали кўзга кўринарли ютуқларга эришиб улгурмадик, менга муаммолар ҳақида, сизларни қийнаётган масалалар ҳақида сўзланглар,” — деганларида гўё дардимизга малҳам сурилгандай бўлди. Ҳақиқатан ҳам жорий йил ўзгача келди. Ғалла ва пахтанинг нархлари сезиларли даражада оширилди, ёқилғи ва мойлаш материалларининг нархи ҳам йил давомида бир хил сақланадиган бўлди. Бу эса ўз навбатида фермерларнинг ўзгача руҳда меҳнат қилишлари учун замин бўлмоқда.

К.ЭРГАШЕВ,

ўз мухбиримиз.

Суратда: Лолахон Муродова ғалла майдонларини кўздан кечиримоқда.



ЖАЛАҚУДУҚЛИК СОҲИБКОР

Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани аграр соҳага ихтисослашган туманлардан бири. Шу сабабли бу ердаги фермер хўжаликлари галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали юқори ҳосилдорликка эришишга катта эътибор қаратишмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берапти, албатта. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан аграр соҳага қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида фермерларнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Энг асосийси, бугунги фермер ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам деҳқон. Ерга қачон ишлов беришни, экинларни қачон озиклантиришни яхши билади.

"Обод водий соҳибкори" фермер хўжалиги раҳбари Махмуджон ака Тўхтасиновни тумандагилар илғор фермер сифатида яхши билишади, ҳурмат қилишади. Сабаби у 30 йилдан зиёд собиқ "Ғалабанинг 30 йиллиги" ширкат хўжалигида муҳандис, бош муҳандис ловозимида ишлаган бўлсаларда, қишлоқ хўжалик экинлари тилини ўрганишни ҳам уddалаганлар.

— 2006 йилда хўжалигимиз ўз фаолиятини бошлаганда 16 гектар экин майдонимиз бор эди, — дейди фермер биз билан суҳбатда. — 13 нафар доимий ишчимиз билан, аввал экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш устида иш олиб бордик. Ўзим қишлоқ хўжалиги техникалари мутахассиси бўлганим учун ерга ишлов бериш жараёнини муттасил кузатиб юрардим. Ерларни шудгорлашдан аввал 2—3 гектар майдонга 20—30 тоннадан маҳаллий ўғит бердик. Такрорий экин сифатида картошка ва дуккакли ўсимликлар экишга эътибор қаратдик. Йиллар ўтгани сайин ер ўзини ҳолатини тиклаб, ҳосилдорлиги ортиб борди. Жорий йилда 72,3 гектар экин майдонимизда 42 нафар доимий ишчимиз билан

меҳнат қиялпмиз. 37,6 гектар майдонга ғалланинг уруғлик "Краснодар" навини экиб, давлатимизга ҳар гектаридан 40 центнердан сара ҳосил бердик. Ўзимизга эса 23 центнердан ҳосил қолди. Бу хўжалигимиз ишчилари ҳамда қишлоғимизнинг кам таъминланган оилалари омборларига дон кириб борганидан далолат. 32,2 гектар майдонга пахтанинг "Андижон-36" уруғлик навини плёнка остига экдик. Биз кўчатларга биринчи ишлов беришга алоҳида эътибор қаратамиз. Механизаторларимиз Муҳаммаджон Мамадқодиров, Улуғбек Рўзиевлар ўз ишининг устаси. Улар тракторларида кўчатларни қўмиб қолмайдиган даражада ҳаракатланишади. Бунда даланинг ҳолати, яъни тупроқнинг зичлиги, ниҳолларнинг катта-кичиклиги ҳисобга олиниб, четдаги ишчи органлар 5—6 см, ўртадаги ишчи органлар 10—12 см қилиб ўрнатилади. Ҳимоя зонаси 10—12 см дан кўп бўлмаслиги керак. Ниҳоллар паст ва ёш бўлса диск, бегона ўтлар учун пичоқ ўрнатамиз. Уруғлик ҳосил етиштириш фермердан икки баробар масъулият талаб қилади. Чунки, сиз етиштирган ҳосил келгуси йил учун

замин бўлиб хизмат қилади. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истайманки, кўчатларни қондириб суғориш ишларини сувчиларимиз Маматёқуб Жумабоев, Қобилжон Матқосимовлар аъло даражада амалга оширишмоқда.

Хўжалик дала шийпонида ишчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, икки маҳал иссиқ овқат ҳамда дам олиш хоналари ташкил қилинган. Халқимиз бежиз "Бўш қоп тик турмайди" деб айтмаган. Фермердан ишчиларни молиявий ҳолати ҳақида сўраймиз.

— Хўжалигимиз ишчилари бир ой давомида бажарган ишларига қараб ўртача 700—800 минг сўм маош олишади, — дейди фермер. — Бундан ташқари, бир гектарга экилган узумимиздан, бир сотиҳ иссиқхонамиздан ва асаларичилигимиздан келган даромадларга ҳам улар шерик. Жорий йилда 3 тонна уруғлик картошка харид қилдик, 10 бош насли қорамол сотиб олмоқчимиз. Ушбу ҳаридларимиздан орттирган даромадларимизда ҳам ишчиларимизнинг ҳиссалари бўлади, албатта.

Махмуджон ака гарчи фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият юритаётган бўлса-да, техникадан узоқлашиб кетгани йўқ. У айни пайтда "Ёрқинлоқ" ММТП раҳбари сифатида ҳам фаолиятини давом эттирмоқда.

— Бизнинг паркимиз туманимиздаги кўплаб хўжаликларга хизмат кўрсатади, — дея сўзида давом этади у. — 1520 гектар экин майдонига ўз вақтида қишлоқ хўжалик техникаларимиз билан ишлов берамиз. Бу 750 гектар буғдой, 716 гектар пахта ва 54 гектар мева-сабзот ва боғдорчилик экин майдонларидир. Ушбу маъсулиятли ишларни амалга оширишимизда 5 та қатор орасига ишлов берувчи, 3 та юқори унумли шудгорловчи, 7 та йўл транспорти тракторларимиз ҳамда 2 та тез техник ёрдам автомашиналаримиз камарбаста бўлмоқда. Албатта, фермер хўжаликлари ихтиёридаги 10 та юқори унумли тракторлар ҳам ҳудудимиз экин майдонларига ўз вақтида техник ишлов бериш ишларини жадаллаштиришда яқиндан ёрдам бермоқда.

Махмуджон ака ўтган йили Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди. Биз фермер билан хайрлашар эканмиз, хўжалиги ишларига омад ва зафарлар тилладик.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер ғалла ҳосилдорлигини кўздан кечирмоқда.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИМКОНИЯТИ КЕНГ



Республикаимизнинг қайси ҳудудига бориб, паррандабоқарлар билан суҳбатда бўлсангиз, ишни оилавий тадбиркорликдан бошлаганмиз ёки биз оилавий тадбиркорлармиз, деган сўзларни айтишади.

Зеро, бугун 10 бош товук боқиб, эртага унинг хўжаликка фойдасини ўрганган хонадон бекаси товуклари бош сонини кўпайтириши билан аста-секин кичик тадбиркорга айлана олади ва оилада ризқ тўқинлигига эришади. Имкониятлардан кенг ва ўз ўрнида фойдалана олиш эса жамиятимизда соғлом муҳитни шакллантиради.

Болалигимизда уйимизда сигиримиз, жажжи бузоқча, қўй-қўзи ва турли паррандаларимиз бўларди. Онам улар билан ўзгача муомала қилар, оғилхонага кирса сигири билан дугоналардек суҳбатлашарди:

— Миққижон, яхши дам олдингми, ўзим айланай, қани нарироқ тур, менга сут берасанми?

Ёки у қора товук ёнига келса:

— Ҳа, қора санамим, бунча тухумларинг чиройли, нега оёғингни тўғри босмаяпсан, кел-чи?

Онам товукни тутиб олиб оёқларига ёпишган лойларни тозалаб силаб қўяр, тўхтамай завқ билан суҳбатлашарди, раҳматлик. Биз болаларга бу кулгули эди. Ахир, улар инсон тилини қайдан билсин, деб ўйлардик.

Хизмат сафари билан республикаимизнинг турли гўшаларида бўлиб, қорамолчилик, паррандачилик билан шуғулланаётган хўжаликларнинг фаолияти билан танишарканман, болалигим, айниқса, онам ва унинг ҳайвонлару паррандалар билан дўстона, ажабтовур мулоқотлари эсимга тушади.

Урганч туманининг Қорамон қишлоғидаги “Лобар Сервиз Ҳилол” хусусий паррандачилик корхонасида бўлганимизда Ҳавожон Юлдашованинг паррандалар билан муносабатини кўриб ўша дамлар хотирамда яна бир бор гавдаланди.

Аслида бу ишни оиладан бошлаб, бугун хусусий корхонанинг раҳбари бўлган Қадам Очилов ҳам турмуш ўртоғи Ҳавожон каби паррандаларни хуш кўрувчи, соддадил ва меҳнаткаш йигит. У 2010 йилда “Асакабанк” нинг 730 000 АҚШ доллар миқдоридаги инвестицияси эвазига 60 000 бош жўжа ва 58 000 бош она товук боқишга мўлжалланган махсус катаклар линиясини қуриб ишга туширди. Бу аҳил жамоа беш йилда кредитни ёпиб фойда қўришни бошлади.

Ҳозирги пайтда хўжаликда 35 000 бош она товук боқилаётган бўлиб, кунига 20 000 донадан зиёд тухум олинмоқда. Олинаётган маҳсулот деҳқон бозори ва савдо дўконларига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Ўтган йили оилавий корхонанинг умумий даромади 800 млн. сўмни ташкил этиб, шундан 250 млн. сўм соф фойда олинди. Бунда оила фарзандлари — Моҳира, Ойбек, Аббосларнинг ота-онасига ҳамқадам ва ҳамкор бўлиб меҳнат қилаётгани асқотди. Парранда боқиш, озиқлантириш, ҳатто, уларни даволаш сир-асрорларини пухта ўзлаштирган бу ёшлар бугун Ватанимизнинг ҳақиқий жонкуяр ва меҳнаткаш фарзандлари қаторида унинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшяптилар, десак асло муболаға бўлмайди.

Зотан, Қадамбой Очилов юртимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда келгусида корхонасини янада кенгайтириш, янги технологияларни жорий қилиб, тухум ва гўшт экспортини йўлга қўйиш каби эзгу мақсадларни дилига туккан ҳолда астойдил меҳнат қилмоқда.

Шу қишлоқлик Бекпўлат Оллаберганов раҳбарлик қилаётган “Шеробод Чорва” масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда ташкил қилинган.

— Халқимиз бежиз паррандачиликни етти хазинанинг бири деб айтмаган, — дейди Б.Оллаберганов. — Товук гўшти ва тухуми парҳез маҳсулот ҳисобланиб, инсон организми учун фойдали ва тўйимлилиги билан ажралиб туради. Бугун ишга янгича ёндашув вақти келди. Президентимиз раҳнамолигида кенг имкониятлар яратилаётган даврда яшаётганимизнинг ўзи бир бахтдир. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга озгина бўлса-да ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан мамнунмиз. Қолаверса, оиламиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги ҳам ўз қўлимизда. Нимаики иш қилсак, ўзимиз учун қиламиз.

Хўжалик, асосан, гўшт етиштириш йўналишида иш олиб бормоқда. 10 000 бош зотдор товуклар боқилаётган корхона аъзолари ўз ишига пухта, ҳаммаёқ саранжом-саришта.

Ҳа, қорамонлик паррандабоқарлар омилкорлик ва ишбилармонлик асосида иш юритишга одатланганлар. Муҳими улар оиласига қут-барака кириб, дастурхон тўқинлиги таъминланган, Ватанимиз озиқ-овқат саноати ривожига ҳисса қўшаётганларидан эса уларнинг ҳар бири мамнун. Албатта, бу ишлар ҳавас қилишга, ўрнат олишга аризуликдир.

Ш.ЖАББАРОВА,

ўз мухбиримиз.

Сурагиди: “Лобар Сервиз Ҳилол” хусусий оилавий паррандачилик фирмаси аъзоси Ҳавожон Юлдашова товукларни кўздан кечирмоқда.

ОМАДНИНГ КАЛИТИ МЕҲНАТДАДИР

Болалигидан чорвачилик ва деҳқончилик таъбишларининг бевосита гувоҳи, иштирокчиси бўлиб ўтган амударёлик Ражаббой Султонов улғайгач ҳам ўз фаолиятини шу соҳага боғлади. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, қорамол, қўй-эчки ва паррандаларни боқишдаги сир-асрорларни пухта ўрганди. Ўқишни тамомлагач, қишлоғига қайтиб, хўжаликда фаолиятини бошлади. Қийинчиликлардан чўчимасди, астойдил ишлаб, элга танилди.

Р. Султонов болаликдаги орзулари рўёби сифатида 2002 йилда “Уста Аллаёр” фермер хўжалигини ташкил этди. Жамоа ҳар йили меҳнатда юқори ютуқларга эришиб келмоқда.

2017 йилда 37 гектар ерга пахта экиб, ҳосилдорликни 42,4 центнерга етказди. 11,5 гектар экин майдонига экилган галла ҳосилдорлиги 65 центнерни ташкил этди ва такрорий экин сифатида 1,5 гектарга мош, 1,5 гектарга картошка, 1 гектарга карам, 1,5 гектарга сабзи экинлари экиб, юқори ҳосил олди.

Ҳозирги кунда хўжаликда 120 бош парранда боқилмоқда. 10 со-тих сунъий ҳавзада балиқчилик ҳам йўлга қўйилган.

7 нафар фарзанд ва 15 нафар не-варалар бахти саодати йўлида ти-ниб-тинчимай меҳнат қилаётган фермер шундай дейди:

— Қадрли Президентимиз Шав-кат Мирзиёевнинг “Бундан кейин кўп тармоқли бўлмаган фермер фер-мер эмас”, деган сўзлари қулоғим остида доимо жаранглаб туради. Мен ҳам шунга амал қилиб, хўжалиги-мизда ҳар йили янгидан янги тар-моқларни йўлга қўйишга интиляп-ман.

Дарвоқе, “Уста Аллаёр” фермер хўжалиги эришяётган ютуқлар дав-латимиз раҳбарияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 декабрдаги “Қишлоқ



хўжалиги ходимлари кун муноса-бати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғри-сида”ги фармонида мувофиқ Ра-жаббой Султонов кўп йиллик фи-докорона меҳнатлари учун “Меҳ-нат шухрати” ордени билан тақдир-ланди.

Ҳа, эл-юрт равнақи йўлида қилаётган меҳнатларинг давлат раҳ-барияти томонидан эътироф эти-лиши ҳам катта омаддир. Фермер Ражаббой Султонов ана шу омадга ўзининг меҳнати эвазига эришди, десак асло муболаға бўлмайди.

Суратда: фермер Ражаббой Султонов.

ИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда республикаимизда қишлоқ хўжалигининг ҳар бир соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётган-лиги сабабли фермерлар, тадбиркорлар, деҳқонлар мавжуд ер майдонлари, кўллар ва қумликлар, чўл ҳудудларидан ҳам унумли фойдаланишга интилмоқдалар. Қаровсиз ётган жой-лар ҳам ҳисобга олиниб, халққа фойдаси тегадиган турли шо-хобчаларга асос солинмоқда.

Богот туманидаги “Суюнбек Сан-жарбек” фермер хўжалиги 2010 йил-да 10 гектар ер майдонида балиқчи-лик йўналиши бўйича иш бошлаган эди. Зиёли ва ҳар бир ишда келажак-ни кўра оладиган Шокиржон Абдул-лаев раҳбарлик қилган бу хўжалик йилига 14–15 тонна балиқ маҳсуло-ти ишлаб чиқара бошлади.

Отаси олиб бораётган ишларни пухта ўрганган, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича билимга эга Тоҳир Абдуллаев 2016 йилдан бошлаб хўжа-лик бошқарувини қўлга оларкан, ишга жадал киришди.

Ўша йили хўжаликнинг мавжуд 85,1 гектар умумий ер майдонининг 13,1 гектарига озуқа экинлари экил-ди. 70,1 гектар кўллар остидаги, 0,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар йўллар остидаги, 0,6 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай-диган ерларини қайта ўрганиб ишга

янгича ёндашилди. Кўл ва сунъий ҳавзалар таъмирлангач, балиқ етиш-тириш режаси янада ошди. Дўнгпе-шона, сазан, оқ амур, илонбалиқ каби халқимиз севиб истеъмол қила-



диган балиқ турларидан 35–40 тон-на арзон ва сифатли балиқ маҳсуло-ти етиштирилиб, халқ истеъмоли учун етказиб берилди. Инкубация жа-раёнини ташкил қилиш учун Хитой-лик ишбилармонлар билан қилина-

ётган шартнома амалга ошса, ишда яна силжиш бўлиши муқаррар.

— Ўтган йилги умумий даромади-миз 320 миллион сўмни, соф фой-дамиз 140 миллион сўмни ташкил қилди, — дейди Т. Абдуллаев. — Бу маблағ ҳисобига экотуризмни ри-вожлантириш учун янги иншоотлар қуришни режалаштиряпмиз.

Ёш фермернинг айтишича, яқин-йироқдан келувчи сайёҳлар учун 50–60 ўринга мўлжалланган оромгоҳлар, замонавий қора ўтов-лар, балиқ таомлари пиширилади-ган шинам ошхона қурилади. Шун-да хўжалик яна ривожланиб, янги иш ўринлари очилади. Бугун у мана шу эзгу мақсадлар сари қадам таш-ламоқда.

Ҳар йили 15–20 миллион сўм маблағни хайрия мақсадларига йўналтираётган фермернинг 2018 йилги режалари янада улғувор. Хўжа-ликда ишлаб чиқаришни янги тех-нологиялар билан бойитиб, олина-ётган даромад салмоғини янада оши-риш, қишлоқдошлари учун янги иш ўринлари яратиш... Зеро, ҳар бир қутлуг ва хайрли ишда Яратганнинг ўзи доимо мадакордир.

Ш. СОДИКОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: ўнгдан чапга Шерали Аминов, Нурбек Авезов ва Тоҳир Абдуллаевлар иш устида.

КЛАСТЕР АФЗАЛЛИГИ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори агросаноат тизимида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Хўжалик юртишнинг энг самарали, хориж тажрибасида синовдан ўтган усуллари тармоқда кенг жорий этиляпти.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кун муносабати билан ўтказилган маросимда таъкидлаганидек, "... ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш, хотиржамликка берилиш бизга ярашмайди.



Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини қутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам жуда кўплигини барчамиз яхши биламиз".

Эндиликда, республикамиз аграр тармоғида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, бозорга олиб чиқиш сотишга бўлган барча жараёнларни ўзида мужассамлаштирган, жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожланишида алоҳида ўрин тутган, хусусан, мамлакатимизнинг Навоий вилояти Қизилтепа туманида яхши натижа берган кластер усулини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳар борада пешқадамлар сафида бўлган андижонликлар Қўрғонтепа туманида "Хан текс" маъсулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, замонавий кластер асосида пахта етиштирмоқдалар. Жорий йилда жамоага уюшган 329 та фермер хўжалиги аъзолари 9225 гектар майдонга барака уруғи қададилар. 45 та фермер хўжалиги ҳисобидаги 1400 гектар ерга истиқболли АН-36 нави экилди.

- Ўзбекистон олий сифатли пахта толаси экспорти бўйича дунё бозорида юқори мавқега эга бўлса-да, уни етиштириш ва қайта ишлаш тизимида ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд. Сир эмас, тизимда ер ва сувдан, шунингдек, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштириш, сарф-харажатларни камайтириш ҳамда маҳсулот сифатини янада яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича амала оширилаётган ишларни ҳали қониқарли деб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳосилдор ва бозор талабига мос маҳсулот етиштириш имконини берувчи ғўза навларини танлаш, маҳсулотларни қайта ишлашни ташкил этиш, илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш каби ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам ўз ечимини қутмоқда, - дейди кластер бошқарувчиси Муроджон Сатторов. - Изланишлар, қўйилган дастлабки қадамлар шундан далолат бераптики, мазкур муаммолар кластер усулида тўлиқ бартараф этилади.

Тан олиш керакки, ечимини топиш керак бўлган юқоридаги масалаларни ҳал этиш фермер ва деҳқон хўжаликлари учун қийин кечмоқда.

Яъни, пахта етиштиришдаги муаммоларни фермернинг ўзи еча олмапти. Якуний даромаддан бебаҳра қолаётгани, хўжаликнинг молиявий ҳолати ва моддий-техника базасининг ёмонлиги, маҳсулот таннархининг ошиб бораётганлиги ҳамда рақобатбардошлиги пастлиги сақланиб қолмоқда. Асосийси, тармоқни илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш, соҳани илмий асосда бошқариш ва молиялаштириш механизмлари тўла йўлга қўйилмаган.

- Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлаш, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил

олишнинг бош омилидир. Бу борада АҚШнинг "Жондир" қишлоқ хўжалиги компанияси билан ўрнатган алоқаларимиз қўл келмоқда. Экиш мавсуми ҳамкорларимиз томонидан вақтида етказиб берилган 6 та трактор ҳамда сеялкалар ёрдамида ўтказилди. Айни пайтда шунча культиваторлар билан қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. Етиштирилган пахтани машиналарда теришни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун компания томонидан август ойида 6 ва 4 қаторли замонавий пахта териш машинаси олиб келиш қўзга тутилган, - дейди кластер таъсисчиси Зокиржон ака Набижонов. - Бундан ташқари 74 та 155 от кучига эга бўлган қатор орасига ишлов берадиган трактор, шунча сеялка ва яна шунча культиватор жамламаси, 10 та 270 от кучига эга бўлган ҳайдов техникаси, 2 та 36 метрли ўзи юрар, 30 та тиркама пуркагичлар олиб келиш режалаштирилган. Пахтани қайта ишлашда АҚШнинг "Люминс" кампаниясида ишлаб чиқарилган ускуналар ўрнатилади. Тўқимачилик комбинати қуриш, жиҳозлаш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти.

- Қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун, аввало, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш зарур. Йиллар давомида эътиборсизлик, ўзибўларчилик билан фойдаланиш туфайли ерларимизнинг табиий унумдорлиги қашшоқлашиб, мелиоратив жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлиб қолди. Кўпчилик майдонларнинг рельефи бузилган, бу пахтани машинада теришга жиддий ҳалақит беради, - дейди кластер бош ҳосилоти Абдуфаттоҳ Умаров. - Биз жорий йилнинг ўзидаёқ мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиққанмиз. Шу асосда унумдорлиги жуда паст бўлган 1700 гектар майдонда алоҳида фермер хўжалиги ташкил этилиб, бу ерларда юқори ҳосил олиш бўйича кучайтирилган агротехник тадбирлар жорий этилмоқда.

Аҳил жамоа агросаноат тизимида хизмат турларини кўпайтириш, сервис хизмати сифат даражасини халқаро андозаларга мослаштириш, ишчи-хизматчиларнинг касбий салоҳиятини ошириш ҳисобига иқтидорли кадрларни танлаб, уларнинг моддий ҳамда маънавий манфаатдорлигини кучайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, "Агротаъминотхизмат" маркази фаолиятини йўлга қўйиш орқали ишчилар қўнимсизлигига барҳам беришни режалаштирган.

Ишончимиз комилки, кластер усулини жорий қилган қўрғонтепалик деҳқонлар, албатта, ўзларининг эзгу мақсадаларига етадилар.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан ўннга) кластер директори Муроджон Сатторов, таъсисчи Зокиржон Набижонов ва ҳисобчи Меҳридилло Қурбонов.

ТОМОРҚА — ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИ

Дунё бўйлаб аҳоли сони юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг истеъмол товарларига, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг ҳам ўсишига олиб келмоқда. Бу муаммо дунёнинг барча мамлакатлари олдига аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида қўлга киритилаётган бугунги залворли ютуқлар

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар маҳсулидир.



— Маҳаллаимиз хонадонлари асосан узумчилик билан шуғулланишади. Эндиликда аксарият томорқа эгалари етиштирган маҳсулотларни, хусусан узумни хорижга экспорт қилмоқдалар. Мен давр талабидан келиб чиқиб узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун турли хил ҳажмдаги яшиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Мавжуд 7 сотихли узумзордан ўтган йили 57 миллион сўм даромад қилдим. Жорий йилда даромад салмоғи анча ортиши кутиляпти, — дейди Қўнғиротлик хонадон соҳиби Иброҳимжон Бекматов. — Томорқадан юқори даромад олиш учун аввало, октябрь, ноябрь ва декабрь ойининг биринчи ярмида ерга ишлов бериш, шудгор қилиш лозим. Чунки, айнан шу даврда барча турдаги ўсимликларда ўсиш ва ривожланиш жараёни яқунланиб, барглари ҳамда бошқа вегетатив массалари тупроқ юзасида тўпланади. Шу боис бу пайтда ер ағдарилиб, ишлов берилса, юқорида айтилган органик қолдиқлар тупроққа араллашиб, тупроқ структураси ва унумдорлигини оширади. Бундай ерларда деҳқончилик қилинганда ҳосил мўл, маҳсулот сифатли бўлади.

Томорқалар ва ер участкалари кичик майдонлардан иборат бўлгани сабабли барча агротехник тадбирлар асосан қўл кучи билан бажарилади. Бунинг яхши томони — экинларга сифатли ишлов бериш имкони юзага келади ва шунга яраша олинadиган ҳосил ҳам юқори бўлади.

Томорқадан яхши даромад кўриш ҳақида гап кетар экан, аввало, сифатли уруғ танлаш ва тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Бу — қийин иш эмас.

Биринчи навбатда, уруғлик учун олинган экин меъёрида пишиб етилган бўлиши керак. Шунингдек, уруғлик маълум вақт мобайнида сақланиб, тиним даврини ўтказиши зарурлиги ҳам илмий ва амалий жиҳатдан тўла асосланган. Бу жараён уруғ сифатини оширади.



— Қўнғирот қишлоғи азал-азалдан ўзининг навдор узумлари билан донг таратган. Оталаримиз анъаналарини давом эттириб, узумни ёшартириш, бир танада 4–5 хил узум етиштириш, турли хил пайвандлаш усуллари билан шуғулланаман, қолаверса, ёшларга, қўшнилarga ўргатаман. 7 сотих узум боғидан оладиган даромадимиз йилдан-йилга ортиб, жорий йилда 52 миллиондан ортиши кутиляпти. Шукрим, томорқа орқасидан маҳалла аҳли тўқ, фаровон яшамоқда, — дейди уста боғбон Набижон Жабборов мамнуният билан. — Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортига кенг йўл очиб берилиши даромадимиз ошишининг бош омили бўлмоқда.

— Томорқадан самарали фойдаланиш хонадонга файз киритиш баробарида яхшигина даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Мавжуд 5 сотихли томорқамизга мева ва токнинг сара навлари экилган. Шунингдек, хонадон чорвачилигини йўлга қўйганмиз. Етти хазинанинг бири — паррандачилик рўзгорда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш чораларини кўрамиз. Зеро, томорқа дастурхонимиз тўкинлигининг манбаидир, — дейди Қобилжон ака Каримов. — Ҳовлимизнинг кўча қисмида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устанонасини очганмиз. Эндиликда хонадон хўжалигини очиш ниятидамиз. Шу йўл билан тўлиқ меҳнат стажига эга бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг нормал овқатланиши учун ҳар бир кишига ўртача йиллик 113 килограмм сабзавот, 50,4 килограмм картошка, 19,3 килограмм полиз, 21,3 килограмм мева ва узум, 40 килограмм гўшт, 140 литр сут, 121 дона тухум, 0,8 килограмм асал ва бошқалар талаб қилингани боис, томорқа соғлом турмуш тарзининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир оила хонадонни олдидаги томорқадан унумли фойдаланса, аввало, ўша оиланинг дастурхони тўкин, унда ўсаётган авлод жисмонан соғлом бўлади, оиланинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб, турмуши фаровон бўлади. Қолаверса, томорқада меҳнат қилиш оила аъзоларининг ўзаро аҳилигига, меҳр-оқибатли бўлишига, шу орқали оилалар мустақамлигига замин яратади.

Ф.МИРЗО.



— Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Узумчилик қишлоқ одамларига қўшимча даромад келтирадиган соҳа. Яхши парваришланса, ҳар туп токдан 20–30 килограммдан ҳосил етиштириб олиш мумкин. Шунингдек, бу маҳсулотни қимматбаҳо товарга айлантиришнинг усуллари кўп. Масалан, узумдан шарбат, компот, мураббо тайёрлаш ёки бўлмаса уни қуришиб ширин-шакар майизга айлантириш мумкин. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик билан шуғулланган хонадон нафақат даромадини ошириши, балки оила аъзолари рационал овқатланишига эришиб, уларнинг саломатлиги мустақамланади, — дейди наъмунали хонадон соҳибаси Тожибархон Исақова. — 7 сотихли томорқамиздаги 107 туп токдан, 10 бош қорамолдан ўтган йили 53 миллион сўм даромад олдик.



ПИЛЛАЧИЛИК РАВНАҚИ

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида уюшма томонидан мамлакатимизда, жумладан, Фарғонда ҳам пилла ипакчилигини ривожлантириш, аҳолининг табиий матоларга бўлган эҳтиёжини қондириш, бундай маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш, унинг экспортини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналари, ҳудудларга бириктирилганлиги ўз самараларини бермоқда.

Жорий йилда вилоят бўйича 18900 қути хориж ипак қурти уруғи, 11300 қути маҳаллий ипак қурти уруғи жами 30200 қути ипак қуртлари парваришланиб, 1650 тонна пилла хомашёси етиштириш учун 5485 та фермер хўжаликлари билан 1621 тоннага, 329 та касаначилар ўртасида 29 тонна жами 1650 тонна контрактация ҳамда 25134 та қурт боқувчи звенолар билан ички меҳнат шартномалари тузилган эди.

Вилоятдаги 2783 гектар тутзор ҳамда 6173 минг дона якка қатор тут дарахтлари белгиланган агротехник тадбирлар асосида парваришланди. Бу йил 1040 минг дона тут қўчатлари экилиши режалаштирилиб, амалда 1458 мингдан ортиқ тут қўчатлари экилд, 173 гектардан ортиқ янги тутзорлар барпо қилинди.

Пахтасаноат ҳудудий корхоналарига қарашли 14 та қуртхона ҳамда 70 га тутзорлар вилоят “Агро-Пилла” МЧЖ тасарруфига ўтказилди. 15 та инновацион қуртхоналарда қурилиш ишлари белгиланган муддатларда ниҳоясига етказилади.

Меҳнат бандлиги идоралари томонидан 25314 нафар қурт боқувчиларга 250 минг сўмдан, мавсумий ишчиларга 6068 млн сўмдан ортиқ иш ҳақи нақд пул қўринишида тўланди.

Пилла етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш корхоналарининг самардорлигини ошириш, тайёр маҳсу-

лотлар тайёрлаб экспорт ҳажминини кўпайтириш мақсадида жорий йилда такрорий пилла етиштириш қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда, тажрибаларга таяниб вилоят пиллачилари 2000 қути ипак қурти парваришлайди.

2018 қишлоқ хўжалик йилида 1105.1 тонна пилла хомашёси етиштирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 475,1 тонна кўпдир. Бу маррага эришишда Бешариқ, Тошлоқ Фарғона, Сўх туманлари пиллачилари алоҳида



Суратда: (чапдан ўнгга) Тошлоқ туман “Агро-пилла” корхонаси бошлиғи Фаррух Абдуҷабборов, “Давлатжон” фермер хўжалиғи пиллачиси Абдусалим Юлдашев.

ўрناк кўрсатиб фидокорона меҳнат қилдилар.

Тошлоқда қишлоқ хўжалигининг қатор соҳалари каби пиллачиликда ҳам алоҳида тажриба тўпланган. Бу йил баҳорги мавсумда 2200 қути ипак қурти парваришланиб, 120 тонна пилла хомашёси етиштирилиши учун 449 та фермер хўжаликлари билан контрактация, 1954 нафар қурт боқувчилар билан ички меҳнат шартномалари тузилди. Мавсумга тайёргарлик ҳаракатлари намунали ўтказилиб қиймати 286 млн сўмлик ипак қурти уруғи, 20,9 млн сўмлик ўрама қоғоз, 11 млн. сўмлик термометр, 6,6 млн. сўмлик плёнка ҳамда 16,5 млн сўмлик қўмир,

жами 341 млн сўмлик моддий-техник ресурслар пиллачиларга тарқатиб берилди.

Ипак қурти озуқа-тут захирасини яратишга маъсулият билан қаралиб, дала четларига 70,5 минг ҳамда тутзорларга 55 минг дона жами 125,5 минг дона тут қўчатлари экилд.

Туман “Кумуш тола” ижодкорлари анъанани сақлаган ҳолда бу йил ҳам пилла тайёрлаш режасини ортиғи билан уддаладилар. Тайёрлов корхоналарига 120,2 тоннадан ортиқ сифатли пилла етказиб берилди. Эришилган муваффақиятда ўнлаб илғор фермер ва пиллачиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳамма соҳада пешқадам “Каримбой” фермер хўжалиғи 4 қути ипак қуртини парваришлаб, 220 кг ўрнига 409,5 кг пилла топшириб, режани 186,2% га адо этгани ҳолда ҳар бир қутидан ўртача 102,4 кг хирмон кўтарди.

“Ақбарали Асқарали ўғли” фермер хўжалиғи 4 қути ипак қуртларини парваришлаб, ҳар бир қутидан ўртача 78,2 кг.дан жами 706,2 кг пилла топшириб, режани 142,4% бажарди. Хўжаликнинг пилла боқувчилари Сапураҳон Тешабоева 1 қутидан 82,2 кг ёки режага нисбатан 149,5%, Қаҳрамон Наримов 1 қутидан 81,2 кг ёки режага нисбатан 147,6% га бажариб, ўзларига юкланган мажбуриятни ортиғи билан адо этишди.

Айни пайтда Фарғонада, хусусан, Тошлоқда такрорий пилла етиштириш борасидаги ишлар авжига чиққан. Ўйлаймизки, вилоят заршунослари мазкур мавсумни ҳам илғорлар қаторида яқунлаб, эл-юрт тўкинлигига ҳисса қўшишдек шарафли ишга муносиб хирмон кўтариш билан жавоб берадилар.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: (чапдан ўнгга) Тошлоқ туман “Агропилла” корхонаси агрономи Нилуфар Ортиқова, “Одилжон Фарруҳбек саховати” фермер хўжалиғи илғор пиллачиси Хадича Ўрмонова.



Суратда: (чапдан ўнгга) “Давлатжон” фермер хўжалиғи пиллачилари Гулнора Нишонова, Холида Мусаева.

УЗУН ТОЛАЛИ КЛЕЙСТОГАМ ГУЛ ТИПИГА ЭГА БЎЛГАН ТИЗМАЛАР ИШТИРОКИДА ОЛИНГАН F_2-F_3 ЎСИМЛИКЛАРИДА БИТТА КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИ БЕЛГИСИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Битта кўсакдаги пахта вазни ҳосилдорликни яратувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади ва селекцион ишларда мазкур белгини ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Дурагай – ҳар хил авлодга мансуб бўлган, белги ва хусусиятлари-га кўра бир-бирига яқин, шунингдек, генетик ашёларни – хромосома ва ота-она шакллари насл-насабларини қайта шакллантириш натижасида ҳосил этилган янги белгиларга эга бўлган икки ва бир неча ота-она шакллари чатиштиришдан бунёд этилган тирик организмдир. Бу жараёнда белгиларнинг янги-ча шаклланиши билан бирга янги боғланиш гуруҳлари, бинобарин, белгилари ўзаро мос равишда намоён бўладиган шакллар дунёга келади. Дурагай авлодларида ота-она шаклларидаги айрим белгилардан устуни турадиган ўзгаришлар (трансгрессив ўзгарувчанлик)нинг пайдо бўлиши низолатда қимматли омил ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз ўз тажрибамизда олинган дурагайларнинг қишлоқ хўжалик учун қимматли бўлган баъзи белгиларини ўргандик. Ўтказилган тажрибада биз 20 та тўғри ва реципрок усулида ча-тиштириб олинган F_2-F_3 дурагай ком-бинацияларини ўргандик. Комбина-цияларни 4 та гуруҳга, яъни клей-стогам гул типига эга бўлган тизма-лар “Сурхон-16” ва клейстогам тиз-малар “Сурхон-101” навлари билан

этди ва тизмаларга нисбатан 0,2–0,3 г, F_2 ўсимликларига нисбатан эса 0,3–0,4 г юқори бўлганлиги аниқланди. Нав ўсимликларининг аксариятида битта кўсакдаги пахта вазни бўйича тузил-ган вариацион қатори 3,1–3,6 г синф-ларида жойлашди (жадвал).

Изданишларимизда битта кўсак-даги пахта вазни белгиси бўйича ўрганилган клейстогам гул типига эга бўлган тизмалар ва F_2 дурагай ком-бинациялар орасида деярли фарқ

тегишли ўсимликларнинг пайдо бўлиши ва натижада F_3 ўсимликла-ридан белги бўйича юқори ўзгарув-чанлик коэффиценти қайд этилди (тегишли равишда $V=14,1$; $V=16,1\%$). Аксарият ўсимликлар вариацион қатори 2,5–2,7 ва 3,4–3,6 бўлгани аниқланди.

Юқоридагилар асосида қуйидаги-ча хулоса қилиш мумкин: 2009–2010 йиллардаги тадқиқотлар давомида реципрок усулда ча-тиштириб олин-ган F_2-F_3 ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазнининг вариаци-он қатор кўрсаткичи 2,2–4,2 г синф-лар оралиғида бўлиб, ўсимликлар-нинг аксариятида битта кўсакдаги пахтанинг вазни 2,8–3,6 г бўлгани синфлардаги ўсимликлар сони шу синфлардаги ўсимликларнинг ум-мий сонидан 11,6–31,7% бўлганли-ги кузатилди. Белгининг ўзгарувчан-лик коэффиценти $V=12,1$; $V=16,1$ фоизни ташкил этди. Худди шундай ҳолат тизма ва навларда ҳам кузати-

Клейстогам гул типига эга бўлган тизмалар, навлар ва F_2-F_3 ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг шаклланиши

Тизмалар, навлар, комбинациялар	N	Битта кўсакдаги пахта вазни, г							$\bar{X} \pm S_x$	δ	V%
		2,2–2,4	2,5–2,7	2,8–3,0	3,1–3,3	3,4–3,6	3,7–3,9	4,0–4,2			
Кл-тизмалар	45	4,4	22,2	42,2	26,7	4,4			$3,0 \pm 0,10$	0,28	9,6
Сурхон-101	10				30,0	60,0	10		$3,4 \pm 0,12$	0,19	5,54
Сурхон-16	13		23,1	15,4	38,5	23,0			$3,3 \pm 0,11$	0,34	10,9
F_2 Кл-тизмалар×Сурхон-101	208	9,6	15,4	26,4	23,6	8,2	9,6	7,2	$3,1 \pm 0,102$	0,49	16,1
F_2 Сурхон-101×Кл-тизмалар	203	11,8	14,8	20,2	23,6	15,8	8,4	5,4	$3,0 \pm 0,106$	0,51	16,0
F_2 Кл-тизмалар×Сурхон-16	232	12,1	21,1	23,7	23,7	11,6	5,6	2,2	$3,0 \pm 0,071$	0,44	14,8
F_2 Сурхон-16×Кл-тизмалар	300	10,3	23,3	22,0	26,3	13,0	3,3	1,7	$3,0 \pm 0,065$	0,41	14,1
2010											
Кл-тизмалар	150	2,0	17,3	28,0	18,0	8,0	9,3	17,3	$3,1 \pm 0,072$	0,53	16,6
Сурхон-101	23			21,7	26,1	30,4	4,3	17,4	$3,3 \pm 0,077$	0,41	12,0
Сурхон-16	33			30,3	24,2	15,2	9,1	21,2	$3,2 \pm 0,054$	0,46	13,7
F_3 Кл-тизмалар×Сурхон-101	287	0,3	9,1	20,9	31,7	22,0	8,7	7,3	$3,3 \pm 0,074$	0,40	12,3
F_3 Сурхон-101×Кл-тизмалар	257	1,6	7,8	13,2	28,0	25,3	15,6	8,6	$3,4 \pm 0,060$	0,42	12,7
F_3 Кл-тизмалар×Сурхон-16	375	1,1	8,5	24,5	29,9	22,4	8,5	5,1	$3,3 \pm 0,071$	0,39	12,1
F_3 Сурхон-16×Кл-тизмалар	540	2,6	9,8	27,2	25,7	17,8	8,7	8,2	$3,5 \pm 0,047$	0,44	13,7

тўғри ва реципрок шаклларида аж-ратиб олдик.

2009–2010 йилларда изланишлар-га жалб қилинган F_2-F_3 дурагай ав-лодларида бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича кузатувлар навлар тиз-маларга нисбатан таққослаб ўрганил-ди. 2009 йил шароитида олиб борил-ган изланишлар давомида бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича кузатув-лар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, навлар тизмаларда мазкур белгининг иккала андоза на-влар оралиғида шаклланиш куза-тилди. Жумладан, белги бўйича юқори кўрсаткич “Сурхон-16” ва “Сурхон-101” навларида 3,3–3,4 г. ни ташкил

бўлмаганлиги намоён бўлди. Тизма-лар битта кўсакдаги пахта вазни ўрта-ча 3,1 г ва бу кўрсаткич F_2 дурагай комбинацияларида ўртача кўрсатки-чи 3,0 г. ни ташкил этди. Тизмалар-даги аксарият ўсимликларнинг бит-та кўсакдаги пахта вазнининг вари-ацион қатори 2,8–3,3 г, F_2 дурагай комбинацияларида эса бу кўрсаткич 2,5–3,6 г синфлар оралиғида бўл-гани аниқланди. Ота-оналик шаклида иштирок этган навлар ва тизмалар-да, ўзгарувчанлик коэффиценти $V=5,54$ ва $V=10,9$ фоизни ташкил этди. F_2 ўсимликларида битта кўсак-даги пахта вазни бўйича тузилган ва-риацион қаторда барча синфларга

либ, клейстогам гул типига эга бўлган тизмаларда ўзгарувчанлик ко-эффиценти $V=9,55$; $V=16,3$ фоиз-ни, навларда эса $V=5,5$; $V=13,7$ фо-изни ташкил этди. Тизмалардаги ак-сарият ўсимликларнинг битта кўса-гидаги пахтанинг вазни ўртача 2,8–3,0 г, навларда эса 3,1–3,6 г орали-ғида бўлганлиги аниқланди.

С.УСМАНОВ,
қ.х.ф.н.,

Б.МАДАРТОВ,
қ.х.ф.д., (ПСУЕИТИ),

К.ХУДАРГАНОВ, Ф.АБДИЕВ,
қ.х.ф.номзодлари,

Х.МАШРАПОВ,
мустақил тадқиқотчи, (ТошДАУ).

ТУРЛИ ШЎРЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА ПАХТА ҲОСИЛИ

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш экинлардан юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда маъданли ўғитлардан ўз ўрнида тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ўсимлик маҳсулотларининг ярмидан кўпроқ қисми маъданли ўғитлар ҳиссасига тўғри келади.

Маъданли ўғитлардан илмий асосда фойдаланиб, юқори самарадорликка эришишда уларни тупроқ шароитлари ва ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, маъданли ўғитлар орасида азотли ўғитлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўсимликнинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир этади, ўсиш давомида кечадиган физиологик жараёнларнинг жадал суръатларда ўтишига хизмат қилади, физиологик бошқарувни меъёрида ушлаб туради.

Кейинги йилларда маъданли ўғитларни (айниқса, фосфорли ва калийли) ишлаб чиқаришда етишмовчиликлар вужудга келмоқда. Маъданли ўғитлар камчил бўлган бир вақтда тупроқни мақбул озиқланиш тартибларини сақловчи, ғўзадан юқори ҳосил олишни таъминловчи бошқа омилларни излашни тақозо этади. Шу боис, Қарши даштининг тупроқ-иқлим шароитларида турли даражада (шўрланмаган, кучсиз ва ўртача) шўрланган ерларда ғўзани маъданли ўғитлар гектарига $N_{160}P_{100}K_{70}$; $N_{190}P_{130}K_{90}$ ва $N_{220}P_{160}K_{110}$ кг меъёрларда қўллаш борасидаги илмий изланишларимиз Касби туманидаги “Амрулла Чориев” фермер хўжалиги даласида “Бухоро-102” навида олиб борилди.

Амал даври бошида шўрланмаган далада умумий зарarli тузларнинг миқдори аниқланганда 0–70 см қатламда қуруқ қолдиқ миқдори 0,227, хлор иони 0,015, сульфат эса 0,105 фоизни, 0–100 см. ли қатламда мос равишда 0,248; 0,016; 0,125 фоизни, 0–200 см. ли қатламда эса 0,242; 0,017 ва 0,123 фоизни ташкил қилди.

Кучсиз шўрланган далада зарarli тузларнинг миқдори 0–70 см. да қуруқ қолдиқ миқдори 0,270, хлор иони 0,015, сульфат эса 0,123%, 0–100 см. ли қатламда мос равишда 0,224; 0,016; 0,144%, 0–200 см. ли

қатламда эса 0,258; 0,021 ва 0,141 фоизни ташкил қилди.

Ўртача шўрланган далада тузларнинг миқдори 0–70 см. да қуруқ қолдиқ миқдори 0,228, хлор иони 0,017, сульфат эса 0,192 фоизга, 0–100 см. да мутаносиб ҳолда 0,273; 0,019; 0,203 фоизга, 0–200 см. ли қатламда эса 0,281; 0,020 ва 0,230 фоизга тенг бўлди.

Шўрланмаган вариантда қуруқ қолдиқнинг кўпайиши 30 фоиз 30–50 см чуқурликда бошланса, кучсиз шўрланганда мазкур чуқурликда 34 фоизни, бу ҳолат ўртача шўрланган вариантда 42 фоизни ташкил қилди. Бу ҳолат шундан дарах берадики, мелиоратив ишлар амалга оширилмаса, суғориладиган майдонлар тезда шўрланиб кетади, бироқ сизот сувлар минерализацияси 1–2 грамм/литр бўлса, ерости сизот сувлари сатҳи 1–1,5 метр бўлганлиги туфайли пастга туширишнинг ҳолати бўлмайди, бу ерости сувларидан ўсимликка фойда етишга имконият яратаяди.

Ўғитнинг ўсиб-ривожланиш ҳолатлари таҳлил қилинганда, шўрланмаган далада ўсув даври давомида гектарига 160 кг азот, 100 кг фосфор, 70 кг калий берилганда I.VII да ўсимлик бўйи 67,6 см, I.VIII да 99,0 см, I.IX да 99,7 см. ни, ҳосил шохлари мос ҳолда 6,6; 12,8; 14,7 донани, кўсақлар сони 8,9; 14, шундан очилган кўсақлар сони 3,8 донани ташкил қилди. Шу далада ўсув даврида гектарига 190 кг азот, 130 кг фосфор, 90 кг калий берилганда мувофиқ ҳолда ғўзанинг бўйи 73,1; 100,3; 102,1 см. га, ҳосил шохлари 6,9; 14,6; 15,3 донага, кўсақлар сони 9,7; 14,9, шу жумладан, очилган кўсақлар сони 3 донага ва гектарига 220 кг азот, 160 кг фосфор, 110 кг калий берилганда ўсимлик бўйи 78,4; 102,7; 103,9 см. га, ҳосил шохлари сони 7,3; 15,2; 16,0 донага, кўсақлар сони тегишлича 10,1; 15,3 ва очилгани 2,5 донага тенг бўлди.

Кучсиз шўрланган далада энг кам ўғит меъёри берилганда (160 кг азот, 100 кг фосфор, 70 кг калий) ўсимлик бўйи 65,9; 95; 95,9 см. га, ҳосил шохлари 5,7; 12,4; 14,1 донага, кўсақлар сони 8,2; 13,6, шундан очилган кўсақлар сони 4 донага тенг бўлди. Юқори ўғит меъёри (220 кг азот, 160 кг фосфор, 110 кг калий) билан озиқлантирилганда ўсимлик бўйи 68,7, 100,2; 101,8 см. ни, ҳосил шохлари 6,9; 15; 15,6 донани, кўсақлар сони 9,5; 14,9 ва очилган кўсақлар сони 3 донани ташкил қилди. Гектарига 190 кг азот, 130 кг фосфор 90 кг калий берилган вариантдаги ҳолат оралиқ ўринни эгаллади.

Энг юқори ҳосилдорлик биринчи теримда шўрланмаган даладан 24,2 ц/га, кучсиз шўрланган даладан 19,6 ц/га, ўртача шўрланган даладан 15,9 ц/га олинган бўлса, энг кам миқдордаги ҳосил салмоғи мувофиқ ҳолда 8,6; 5,9 ва 2,2 ц. га сўнгги теримдан олинди ва ниҳоят учинчи терим оралиқ ўринни эгаллади. Натижада теримлардаги умумий ҳосил гектаридан шўрланиш даражаларига мувофиқ ҳолда 42,7; 38,1 ва 35,6 ц/га. га тенг бўлди.

Шўрланиш даражалари ўзаро бир-бири билан солиштирилганда, озиқлантириш меъёрларидан қатъий назар энг юқори ҳосил гектаридан ўртача шўрланмаган даладан 43,9, кучсиз шўрланган даладан 36,8 ва ўртача шўрланган даладан 31,3 ц/га пахта ҳосили териб олинди.

Тажибадан кўриниб турибдики, бу хилдаги тупроқларда уч хил меъёрда ўғитни сарфлаш ҳисобидан энг яхши натижа 1- ва 2-вариантларда кузатилди.

Шўрланган майдонларда тупроқ концентрацияси юқорилигини эътиборга олмасдан, яна юқори миқдордаги ўғитни қўллаб, унинг концентрациясини янада ошириш, ўсимлик сув ва у билан берилган ўғитни ўзлаштиришини қийин аҳволга солиб қўймоқда. Шўр ерларда ўғитларни, айнқса, азот ва калий таъсирини кўпайтириш, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун уларни табақалаб, оз-оздан бериш талаб этилади.

Т.РАЖАБОВ,

ҚарМIIИ мустақил изланувчиси.

ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ РЕЖИМИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ

In this article has given high-yielding and quality rice sorts including climatic soil in different layers as a result of cultivation in the regions of Uzbekistan.



Маълумки, шולי доимий сувда ўстириладиган экин ҳисобланса-да, мамлакатимиз минтақаларида экилаётган навларнинг суғориш режими, тупроқ-иқлим шароити ва донининг сифати каби масалалар ўз ечимини етарли даражада топмаган. Шуларни инобатга олган ҳолда Тошкент, Хоразм ва Андижон вилоятлари тупроқ-иқлим шароитларида шолининг “Гулжаҳон”, “Илғор”, “Искандар”, “Лазурный”, “Мустақиллик”, “Уз-РОС-7/13” каби серҳосил ва донининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларни ҳар хил қалинликдаги сув қатламида ўстириш ҳамда сув сарфини аниқлаш юзасидан 2014–2017 йиллар мобайнида дала тажрибалари олиб бордик.

Тажрибалар 4 қайтариқ, 6 вариантда 4 погонали шаклда жойлаштирилди. Ҳар бир майдончанинг сатҳи 56 м² ни ташкил этди. Минтақа тупроқлари қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра ўртача қумоқ ҳисобланади. Уларнинг таркибидаги озиқ моддалар янги тупроқ ҳайдалма қатламида гумус И.В.Тюрен, ялпи азот фосфор ва калий И.М. Майцев ва Л.Н.Гросянко, нитрат азоти гранд

Воль-Ляжу, аммоний азоти Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачиген ва алмашинувчи калий П.В.Протасов услублари асосида аниқланди. Тажрибада шולי навлари уруғлари экиш учун ер тайёрлаш, уларнинг ўсиши ва ривожланиш жиҳатлари Ўзбекистон шолчилигида сувдан тежаб фойдаланиш бўйича тавсиялар (2009) асосида амалга оширилди.

Шунга кўра, экин майдони экиш олдиан 30–32 см чуқурликда омон билан ҳайдалиб сўнгра борона тортилди. Сув қочмаслиги учун полчаларга бўлиниб, сўнгра 5–10–15 см қатламда сув қуйилиб, тупроққа сингдирилди ва уруғлар апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида эрта, ўрта ва кечпишар навларга қараб қўл билан сочма усулда (180 кг/га ҳисобида) экилди. Шолининг ўсиб-ривожланиш даврида кузатувлар, биометрик ўлчашлар ва намуна ўсимликлари, тупроқ намуналари лаборатория шароитида қуритгич шкафида доимий 105°Сда қуритилиб, сўнгра умум қабул қилинган услублар асосида текширувдан ўтказилди.

Ҳар бир фазанинг бошланиши 10% ва тўлиқ ўтиши 70% деб қабул қилинди. Тажриба Б.А.Доспехов дала тажрибаси асосида ҳосилдорлик бўйича маълумотлар дисперс математик усулда, шולי ўстириш самарадорлиги эса Ўзбекистонда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилди. Сув миқдори Томпсон сув ўлчагичи ёрдамида олиб борилди.

Кузатувларимиз шунинг кўрсатдики, шолининг ўсиб-ривожланиш фазалари ҳар хил сув қатламига қараб турлича бўлади. Найчалаш давридан бошлаб сув қатламли 5–10–15 см вариантларда 20 кундан 30 кунгача, 15 см. лида эса 15–25 кунда сув берилганда Томсон сув ўлчагичи орқали секундига 0,17 л/сек (3,2 см) 10 см 0,34 л/сек (3,8 см) ва 15 см қатламда 0,51 л/сек (4,3 см) сув оқиб ўтиши кузатилди. Шунингдек, навлар бўйича пишиш даври 5 см. ли сув қатламида 105–132 кун, 10 см.ли қатламда 108–134 кун ва 15 см.ли қатламда 110–136 кунни ташкил этгани ҳолда, ҳосилдорлик биринчи вариантда 55,7–69,0, иккинчи вариантда 61,1–77,2 ва учинчи вариантда 62,8–78,5 ц/га.ни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бунда сув сарфи ҳам 5 см қатламда навларнинг биологик хусусиятига мос равишда гектарига 8–10 минг/м³ атрофида сув сарфланди, 10 см қатламда эса 16–20 минг/м³, 15 см қатламда 25–30,4 минг/м³ бўлиши кузатилди. Тажриба натижаларига кўра, ўртапишар “Искандар” шולי навининг умумий сув қатламли кун 95 кун бўлиб, шундан 50 кундан ортиғи 5 см 18–20 кун давомида 10 см ва қолган 15–17 кун давомида 15 см. ли сув қатлами ҳосил қилинди ва 50 кунда гектарига 6000 м³; ва 20 кунда 5000 м³; қолган 15 кунда 5000 м³; жами 16000 м³ сув сарфланди ва бошқа вариантларга нисбатан сув тежалишига эришилди. Шундай қилиб, юқоридаги олинган маълумотлар асосида шунинг таъкидлаш керакки, мамлакатимиз минтақалари тупроқ-иқлим шароитларига қараб шולי навларини тўғри ва мутаносиб ҳолда жойлаштириш учун сарфланадиган сув қалинлиги ҳамда суғориш меъёрларини тўғри белгилаш ўта муҳим ҳисобланади.

Ю.ХОЖАМКУЛОВА,
ТШДЭИТС мустақил-изланувчиси,

Т.ХОДЖАКУЛОВ,
қ.х.ф.д.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шолчиликда сувдан тежаб фойдаланиш бўйича тавсиялар. – Тошкент, 2009.
2. Эгамназаров А.П. Шולי сувни хуш кўради // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журн. – Тошкент, 2006. – №6.
3. Доспехов Б.А. Дала тажрибаси услуби. – Москва, 1985.
4. Суғориладиган ерларда ғўза ва бошқа экинлардан дала тажрибалари услублари. – Тошкент, ЎзПИТИ, 1981.
5. Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш услуби. – Тошкент, 1981.
6. Тупроқ ва ўсимликларни агрохимиквий таҳлил қилиш услублари. – Тошкент, 1971.

ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

In this article it is shown a number of stalks on the influence of former crops chancel in 1 m² from 387 to 452. In this state a number of stalks have been more supported am crops inch as pear, beam and green manure crops. The productvity of harvest makes up 62,3–65,1 cent. Soar leach hectare land.

Республикаимизда дон етиштиришни кўпайтиришда бошоқли дон экинлари, жумладан, кузги буғдой навларининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ҳосилдорлигини ва дон сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада уни алмашлаб экиш даласида ўтмишдошлардан кейин жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ди. Бунда маҳсулдор поялар сони мош ва рапс экинлари экилган вариантларда юқори бўлиши таъминланди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, тулланиш даврида ўсимликнинг бўйи қулай ўтмишдош экинлар таъсирида энг баланд, кузги буғдой, маккажўхори ўтмишдош бўлган вариантларда эса аксинча, паст бўлгани кузатилди.

бўлиб, оқсил миқдори ҳам 14,1; 14,2%, назорат вариантыга нисбатан 2,0:2,1% юқори бўлиб, клейковина миқдори ҳам 27,4–27,5% бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 1,1–1,2% юқорилиги аниқланди, 1000 донна дон массаси ҳам юқоридагиларга мос ҳолда 38,5–39,2 г. ни ташкил этган бўлса, назорат вариантыга нисбатан 2,9–3,6 грамм юқори бўлганлиги кузатилди (жадвал).

Ўтмишдош экинларнинг кузги буғдойнинг технологик сифат кўрсаткичларига боғлиқлиги

№	Вариантлар	Натура оғирлиги, г/л	Шишасимонлиги, %	Оқсил, %	Клейковина, %	1000 донна дон массаси, г
1	Кузги буғдой (наз.)	762	58	12,1	26,3	35,6
2	Ғўза	770	59	13,4	26,9	36,5
3	Маккажўхори	765	58	12,7	26,5	36,1
4	Нўхат	772	60	13,9	27,1	38,0
5	Мош	780	60	14,1	27,4	38,5
6	Рапс	795	60	14,2	27,5	39,2

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида кенг ўрганилаётган бўлса-да, бироқ Қашқадарё вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида етарлича ўрганилмаганлигини инобатга олиб, дала тажрибалари 6 вариант, 4 такрорликда олиб борилди. Тажрибада пайкал узунлиги 60 м, эни эса 7,2 м қилиб олиниб, ҳар бир пайкалнинг сатҳи 432 м², шундан ҳисобга олингани 360 м² ни ташкил этди. Тажриба вариантлари систематик равишда бир ярусда жойлаштирилди.

Маҳсулдор поялар сони 1 м² да 387 дондан 452 донгача ўзгариб, ўтмишдош экинларнинг ижобий самараси, нафақат кузги буғдойнинг тулланишида, балки 1 м² даги маҳсулдор поялар сонида ҳам ўз аксини топ-

Кузги буғдой ҳосилдорлиги, аввало, ўтмишдош экинларга боғлиқ равишда ўзгариб боради, яъни қулай ўтмишдош экинлар таъсирида кузги буғдой учун тупроқда қолдирган озуқа моддалари ҳисобига унинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларини юқори бўлишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда тупроқ унумдорлигини ошириш ва кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида қулай ўтмишдош экинларни танлаш зарур ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда ўтмишдош экинлар сифатида экилган мош, рапсдан сўнг кузги буғдой экилганда доннинг натура оғирлиги 780,795 г/л. ни ташкил этди. Бу эса назорат вариантыга нисбатан 18,33 г/л юқори бўлиб, шишасимонлиги эса, 60%, назорат вариантыга нисбатан 2,0% юқори

Қашқадарё вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда ўтмишдош экин сифатида мош, рапсдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ўтмишдош экинлардан фойдаланилганда ўсимликнинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлиб, ўсимликнинг қулай ўсиб ривожланишини таъминлайди ва ҳосилдорлик ҳар бир гектар майдондан вариантлар бўйича ўртача 62,3–65,1 центнерни ташкил этди, бу кўрсаткич назорат кузги буғдой экилган вариантга нисбатан 12,6–15,4 ц/га қўшимча ҳосил демакдир.

Р.ОРИПОВ,
профессор,
А.БЎРИЕВ,
к.и.х.

АДАБИЁТЛАР:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Т., 2007. - Б. 146.
2. Азимов Б., Тошўлатов Ч. ва бошқалар. Ўтмишдош экинларнинг дон ҳосилдорлиги ва технологик сифат кўрсаткичларига таъсири // Ж. "АгроБизнесИнформ". - Тошкент, 2017. - №10. 37-38-бетлар.
3. Орипов Р., Халилов Н. Ўсимликишунослик. - Тошкент, 2006. - Б. 395.

АРПА НАВИ НАМУНАЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

The purpose of the present researches was to optimise conditions of growth and development of plants of winter barley, to define the best providing high productivity and corresponding to the standard of the industry quality of grain.

Арпа мамлакатимизда суғориладиган ва лалми ерларда етиштириладиган асосий ем-хашак экини ҳисобланади. Шунингдек, арпа озиқ-овқат саноатида ҳам кенг қўланади. Географик тарқалиши жиҳатдан арпа космополик экин ҳисобланиб, у ҳар хил тупроқ ва ўзгаришчан об-ҳаво шароитига ҳам энгил мослашади. Арпа қурғоқчиликка чидамли, айрим экотиплари чекланган иссиқлик шароитида ҳам ҳосил бериш имкониятига эга. Арпанинг потенциал ҳосилдорлигини ошириш ва озуқалик сифатини яхшилаш юзасидан турли мамлакатларда илмий ишлар олиб борилаётган.

Бу борадаги тадқиқотимизнинг мақсади арпанинг нав намуналари-

минтақаларда юқори ҳосил бера оладиган, қорақуя, ун шудринг, гелминтоспориоз, илдизчириш, пакана занг сингари касалликлар ва ётиб қолишга чидамлилиги ҳисобланади.

Ўсимлик бўйининг баландлиги арпанинг нави, биологияси ва тупроқ-иқлим шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Ўрганилган нав намуналарида ўсимлик бўйининг баландлиги 81,2 см. дан 110,1 см. гача етди. Баланд пояли намуналар ётиб қолишга мойил бўлиб, кучсиз шамол таъсирида ҳам пояси ётиб қолади ва ҳосилдорлик пасаяди.

Маҳсулдорлик ҳосилдорликни белгилашда энг муҳим белги хусусият-

“Қизилқўрғон” навиға нисбатан 1,2–1,4 донаға фарқ қилди. Маҳсулдор туплаш арпа экинининг ҳосилдорлигини белгилловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Тажрибада бошоқдаги дон сони ҳосилнинг бошқа элементларига нисбатан ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирида ўзгариши аниқланди. Бошоқдаги дон сони тажрибаларда 31,6 донадан 47,5 донагача бўлиб, назоратдаги “Қизилқўрғон” навиға нисбатан қуйидаги нав намуналари: “Хонақоҳ” (Ўзбекистон), К-46397 (Чили), “Нозиктаъм” (Ўзбекистон), К-48302 (Эрон) бошоқдаги дон сони бўйича танлаб олинди.

Арпа нав намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари (Самарқанд 2016–2017 йиллар.)

Нав намуналари номи	Келиб чиқиши	Ўсимлик бўйи, см	Маҳсулдор тупланиш, дон	Бошоқдаги дон сони, дон	1000 дондон вазни, г
Қизилқўрғон(наз.)	Ўзбекистон	104,0	3,3	37,3	38,5
Мавлоно	Ўзбекистон	106,2	4,1	40,5	39,7
Зафар	Ўзбекистон	103,5	4,5	44,5	40,1
К-48302	Эрон	97,8	3,5	43,8	37,4
Хонақоҳ	Ўзбекистон	93,2	4,5	43,6	42,2
Нозиктаъм	Ўзбекистон	101	4,3	42,3	40,0
К-75092	Мексика	94,0	3,8	42,2	41,1
Пара-118	Югославия	88,4	3,7	38,1	34,2
К-49381	Ҳиндистон	95,7	4,1	41,1	42,0
Мезон	Ўзбекистон	89,0	4,4	42,1	40,4
К 55241	Канада	108,1	4,4	40,3	39,1
К-42981	Ҳиндистон	85,0	3,3	36,4	38,1
К-46397	Чили	99,0	4,5	42,0	39,0
К-05107	Канада	81,2	4,7	40,8	37,9

нинг қимматли хўжалик, биологик хусусиятларини ўрганиш, жаҳон коллекция нав намуналаридан фойдаланиш, улар орасидан турли касалликларга, қурғоқчиликка чидамли ва ҳосилдор намуналарни танлаш ва селекция учун бошланғич манба сифатида фойдаланишини тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотларимиз арпа генофонди орасидан қимматли хўжалик белгиларига эга, эртапишар, серҳосил, юқори сифатли, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари ва касалликларга чидамли бўлган намуналарни танлашга қаратилди.

Арпа селекциясининг асосий йўналиши пластиклик, яъни турли

ларни ўзида мужассам қилган ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Бошоқли дон экинлари маҳсулдорлиги маҳсулдор поялар сони, бошоқдаги дон сони, 1000 дондон вазни каби кўрсаткичлар билан белгиланади.

Маҳсулдор тупланиш бир ўсимликдан олинадиган дон сонига ижобий таъсир кўрсатади ва суғориладиган ерларда сезиларли равишда ҳосилнинг ошишига таъсир этади. Маҳсулдор туп сони нав намуналарида 3,3 донадан 4,7 донагача бўлиб, К-05107 (Канада), “Зафар” (Ўзбекистон), “Хонақоҳ” (Ўзбекистон), К-46397 (Чили), “Нозиктаъм” (Ўзбекистон) нав намуналаридан назоратдаги

Арпа намуналарида бошоқдаги дон сонига май ойининг охири-июнь ойи бошларида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши жуда катта салбий таъсир этади. Бунда юқори ҳарорат таъсирида дон бошоқчаларда дон ҳосили бўлмайди. Бошоқдаги дон сони арпадан юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бошоқдаги дон сонига етиштириш шароити ва навнинг ирсий хусусияти катта таъсир кўрсатади. Тажриба натижаларига кўра, Ўзбекистон, Чили ва Эрондан олинган нав намуналари селекция учун қимматли бошланғич материал ҳисобланади.

Ҳ.ҚАРИШЕВА, к.х.ф.н.,

Ж.РАЗЗОҚОВ,

О.ТУРАҚУЛОВ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қурбонов Г.К. Арпа. - Тошкент: Фан, 1986.
2. Коданев И.М. Ячмен. - Москва: Колос, 1985.

НҲХАТ НАВЛАРИДАГИ ГЕНЕРАТИВ ОРГАНЛАР ШАКЛЛАНИШИГА ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

Grain cultivation was the main branch of agriculture, and its development contributed to the food supply of our people. Among these crops, peas occupy a special place. Taking into account that pea is a drought-resistant plant, it is also resistant to colds and diseases, and for many years we studied the problems of growing peas on irrigated lands.

Донли экинлар етиштириш қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланиб, унинг ривожланиши халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашига имкон туғдирди. Ана шундай экинлар орасида нўхат алоҳида ўринни эгаллайди.

Нўхат экини курғоқчиликка чидамли ўсимлик бўлиши билан бир қаторда, совуққа, касалликларга ҳам чидамли эканлигини инобатга олиб, биз қатор йиллардан буён нўхатни асосий экин сифатида суғориладиган ерларда етиштириш муаммолари устида илмий изла-нишлар олиб бормоқдамиз.

Маълумки, ҳосилдорлик кўрсаткичларидан бири гўнча, гўл ва дук-какларнинг шаклланишидир (По-ликарова Е.И. 2008). Бундай кўрсаткичларни ўрганилган навлар-да гўнчалаш, гўллаш, дуккаклаш ва ҳосил йиғимгача сақланган дуккак-лар сонини ўрганишда 5 мартда экилган муддатда экиш схемалари бўйича гўнчалашни 13-14-15-май-да, гўллаш фазасини 26-27-28-май-да, дуккакларининг пишиб етили-шини 23-25-27 июнда олиб бордик.

Генератив органларнинг шакл-ланишини экиш схемалари бўйи-ча бир ўсимлик тупидаги энг кўп гўнчалар, гўллар, дуккаклар ва сақланган дуккаклар сони 60х9 экиш схемасида кузатилди. Бу экиш схемасида “Умид” нав наму-насида ўртача уч йилда 76,8 та гўнча, 73,2 гўллар, 68,1 та дуккак-лар ва сақланиб қолган дуккаклар сони 63,9 тага тенг бўлди. Ана шу генератив органларнинг шакл-ланишини ўсимликни асосий ва ён ҳамда устки, остки яруслар бўйи-

ча кузатганимизда асосий новдада гўнчалар 32,6 дона, ён новдада 44,2 донага, гўллар 31,3; 71,7, дуккак-лар 29,9; 38,2 донага тенг бўлди. Сақланиб қолган дуккаклар сони эса 26,6; 37,3 донани ташкил этди. Демак, гўлларга нисбатан сақла-ниб қолган дуккаклар асосий нов-дада 6,0 ва ён новдада 6,9 дона жами 12,9 дона кам бўлганлиги қайд этилди. Остки ва устки ярус-ларнинг таҳлилига келганимизда бунда энг кўп гўнчалар, гўллар, дуккаклар сони кўпроқ остки ярус-да шаклланилиги қайд этилди. Масалан, гўнчалар сони остки ярусда 47,6 устки ярусда 44,2 до-нага, гўллар 46,2 ва 27,0 донага, дуккаклар 44,1 ва 24,0 донага сақ-



ланиб қолган дуккаклар сони эса 42,6 ва 21,3 донага тенг бўлди. Бош-қача қилиб айтганда, остки ярус-даги гўнчалар сони устки ярусда-ги гўнчалар сонига нисбатан 18,4 дона, гўллар 19,2 дона дуккаклар 20,1 дона ва сақланиб қолган дук-каклар сони эса 21,3 дона кўп бўлганлиги қайд этилди. Қаторда-ги ўсимликлар оралигининг қис-қариб бориши билан ўсимликдаги гўнчалар, гўллар, дуккаклар ва сақланган дуккаклар сони камай-

иши кузатилди. Чунончи, 60х9 экиш схемасида битта ўсимликда шаклланиб жами гўнчалар 76,8, гўллар 73,2, дуккаклар 68,1 ва сақ-ланган дуккаклар 63,9 донага тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич мута-носиб равишда 60х6 экиш схема-сида эса 73,1; 68,7; 64,2 ва 60,0 донага тенг бўлди. Ёки 60х9 экиш схемасидаги ҳосил бўлган гўнча-лар сони 60х6 экиш схемасидаги гўнчалар сонидан 3,7 дона, гўллар сонидан 4,5, дуккаклар сонидан 4,5 дона ва сақланиб қолган дуккак-лар сони 7,2 дона кўп бўлганлиги кузатилди. Худди шундай қонуни-ят “Юлдуз” ва “Ўзбекистанский-32” навларида ҳам кузатилди. Ге-нератив органларнинг шакллани-шини навлар бўйича таҳлил қил-ганда бунда энг юқори кўрсаткич-лар “Умид” нав намунасида куза-тилди. Масалан, бу нав намунасида 60х6 экиш схемасида ҳосил бўлган гўнчалар сони 73,1, гўллар 68,7, дуккаклар 64,2 ва сақланиб қолган дуккаклар 60,0 донага тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар мос равиш-да “Ўзбекистанский-32” навида 70,5; 65,4; 61,4 ва 58,5 донани таш-кил этди, ёки “Умид” нав намуна-сида шаклланиб гўнчалар сони “Ўз-бекистанский-32” навидаги нис-батан 2,6 дона, гўллар сони 3,3 дона, дуккаклар сони 2,8 дона ва сақлан-ган дуккаклар сони 1,5 дона, “Юл-дуз” навида нисбатан эса 9,2; 9,6; 10,0 ва 8,6 дона кўп бўлганлиги ку-затилди.

И.ХАМДАМОВ,
б.ф.д., профессор,
С.МУСТАНОВ,
доцент,

Г.СУВОНОВА, М.ДЖУМАЕВ,
ассистентлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х.Н. Ўсимлиқшўнослик. - Т.: “Меҳнат”. 2000.
2. Мустанов С.Б. Элементы технологии возделывания нута на поливе // Автореф. дисс. ... на соиск. уч. степ. к.с/х.н. - Самарканд. СамСХИ. 1993. - 22 с.
3. Хамдамов И.Х., Шўкуруллаев П.Ш., Мустанов С.Б. Суғориладиган ерларда нўхат етиштириш технологиясига оид амалий қўлланма. - Самарқанд, 1991. 14 б.
4. Шўкуруллаев П.Ш. Развитие клубеньковых бактерий на корнях нута // Инф. листок. - Ташкент. 1969.
5. Шўкуруллаев П.Ш. Нўхат. - Тошкент, Ўзбекистон. 1982. - 47 б.
6. Эшмирзаев К.Э. Биология и селекция зернобобовых культур в Узбекистане (на примере нута и каянуса). - Т. НПО “Зерно” УЗАСХН, 1996. - 129 с.

СОЯНИНГ МАҲАЛЛИЙ, ЭРТАПИШАР "ТҶМАРИС МАН-60" НАВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июл-даги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон "2017–2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида яқин истиқболда соя экин майдонларини камида 30 минг гектарга етказиш, етарли миқдорда соя уруғларини етиштириш, соянинг янги навларини яратиш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимиз соя селекциясига мансуб қатор маҳаллий, суғориладиган ерларда ғалладан кейин такрорий ўстиришга мос ("Олти-тож", "Тўмарис МАН-60", "Орзу", "Генетик-1" каби ўта эртапишар, "Ойжамол", "Устоз", "Сочилмас", "Нафис" каби ўртапишар ва асосий экин сифатида баҳорги қилиб экишга мос, серҳосил "Барака", "Парвоз", "Ўзбекская-6", "Ўзбекская-2" каби ўртаки кечпишар) навлари мавжуд бўлиб, уларнинг бирламчи уруғчилик тизими билан шуғулланилса, юртимизда соячиликни ташкил этиш, соядан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга имконият яратилади. Шунда катта маблағ эвазига хориждан соя навларини олиб келиш, уларни юртимиз тупроқ-иқлим шароитига мослаштиришга ҳожат қолмайди.

Маҳаллий соя навларининг ҳар бири учун алоҳида бирламчи уруғчилик тизimini ташкил этиш зарурки, бусиз соя навларини уруғлик сифатида тавсия этиб бўлмайди. Боиси, соя ўсимлиги ўзининг хусусиятига кўра, шароитларга ўта бериловчан (пластик)лиги билан ажралиб туради. Уруғликка ишлатиладиган навларнинг хусусияти ҳамда орасида жуда кам миқдордаги аралашма навларнинг мавжудлиги, ушбу уруғликни экиш сифатида салбий таъсирини, албатта, кўрсатади. Шу боис соячиликда наводорликка алоҳида аҳамият билан қаратилиши шарт. Керак бўлса соянинг ҳар бир навининг бирламчи уруғчилик тизimini алоҳида бир шароитда бошқа навларга қўшмаган ҳамда ташкил этиш мақсадга мувофиқ ва бу соя навлари наводорлигининг узоқ вақт сақланишини таъминлайди.

Ана шундай маҳаллий селекцияга оид соя навларидан бири, ўртапишар, серҳосил, донининг мойлиги энг юқори бўлган (ўртача 27,6%) "Тўмарис МАН-60" навидир. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган бу нав ҳозирда Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида кенг етиштирилмоқда.

Навнинг келиб чиқиши АҚШнинг BRONSON навидан 2 марта



якка ва кўп марта ёппасига танлаш йўли билан яратилган.

Нав эртапишар бўлиб, ўсув даври баҳорда экилганда 104–112 кунни ташкил этади. Такрорий етиштирилганда эса 80–86 кунда тўла пишиб етилади. Серҳосил, унинг потенциал имконият даражаси 44–48 ц/га, ўртача ҳосилдорлиги 39,2–41,1 ц/га.ни, такрорий экилганда эса ўртача 27,8–28,5 ц/га.ни ташкил этади.

Пояси тик ўсувчи, деярли шохламайди, асосий поясининг баландлиги ўртача 85–115 см.гача бўлган детерминант типга мансуб, қалин-тук қоплаган. Поясининг уруғбаростки тирсагида тўқ бинафша рангли антоцион доғи бор бўлиб, бу уни бошқа навлардан ажратиб туради. Барглари ўртача катталиқда,

мураккаб — 3 барглик бўлиб, барг бандининг узунлиги 9,6–10,5 см, баргчаларининг ранги тўқ-яшил, учи ўткир, чўзиқ тухумсимон шаклда. Барглилиги ўртача 40–42 фоизгача, барглари қалин тукли. Дуккаклари пишганда 95–100 барглари табиий тўқади. Тўпгули 1,5–2,2 см.лик, кўпчилик (8–22 тагача) шингил, бўлиб, гуллари майда, гултожиси тўқ бинафша рангда мевалари нисбатан майда, юмалоққа мойил кўп уруғлик, дуккакнинг пергамент қатлами қаттиқ, чатнаб кетмайди, қалин тукли, дуккакнинг учи тўмтоқ, тумшуқчаси деярли йўқ. Ҳар тупда ўртача 48–62 донагача дуккак шаклланади, ҳар бир дуккакда ўртача 3–4 донагача уруғ шаклланади. Дони кўпинча юмалоқ шакли, тўқ сариқ рангли, ялтироқ пўстли, уруғ паллаларининг ранги сариқ бўлиб, доннинг уруғ қопчиғи аниқ кўринган оч қизғиш рангли, йирик, унинг ўртасида оқ рангли қопчиқ изи мавжуд.

Доннинг мойлиги ўртача 24,8–25,5%, айрим ҳолларда такрорий ўстирилганда 27,4 фоизгачани ташкил этади, оқсил миқдори эса 42,3 фоизга тенг.

Нав ҳосилини механизмлар билан ўриб олишга жуда мос, дуккаклари бир вақтда пишиб етилади ва пояси чекланган детерминант типга мансуб.

Нав баҳорда асосий экин сифатида ҳам такрорий ўстиришга мос. Касалликларга чидамли, зараркуналалардан ўргимчаккана, кўсак қурти, барғхўр, тунлам, парвоналар зарарлайди, уларга қарши вақтида курашиш талаб этилади.

Соянинг бу навини асосий экин сифатида апрелнинг 2-декадасида экилиб, яхши парваришланса, августнинг биринчи ярмида, такрорий экин сифатида экилганда эса сентябрь охири — октябрнинг биринчи ярмида тўла пишиб етилади.

М.МАННОПОВА,
қ.х.ф.н.,

М.АБДУЛАЗИЗОВ,
кичик илмий ходим,

Д.МЎМИНОВ, О.ҚОДИРОВА,
лаборантлар (ДДЭИТИ).

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Республикамизнинг лалмикор деҳқончилигида алмашлаб экиш муҳим аҳамиятга эга. Лалми ерларда алмашлаб экишни кенг жорий этиш учун зарур бўлган беда ва бошқа бир йиллик ем-хашак (кунгабоқар) экинларининг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига мос, абиотик ва биотик омилларига чидамли, ҳосилдорлиги ва озуқа бирлиги юқори бўлган навларини яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Лалмикор ерлар учун ем-хашак экинларининг касаллик ва зараркунандаларга, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли, меҳнат ва бошқа моддий воситаларни кам сарфлаган ҳолда ҳар гектар ердан юқори ем-хашак экинларидан тўйимли озуқа олиш имкони берадиган озуқабоп экинларни танлаш ва яратиш асосий мақсад

қарнинг 20 та нав ва нав намуналари ўрганилди. Андоза нав сифатида “Чкалов гигант” нави олинди. Уруғлик 70x20 схемада экилиб, ҳисобга олиш майдони 5 м² ни ташкил этади.

Кунгабоқарни етиштиришда унинг экиш вақти, ўсув даври катта аҳамиятга эга бўлиб, ўсув даврида намуналар кўчатзорида униб

малар кўп саватчалилиги билан ажралди. Келгусида селекция ишларида фойдаланиш учун баланд бўйли, сербарг, сершоҳ, сават ҳосили юқори бўлган навлар танлаб олинди.

Уч йиллик тажрибаларга асосланган ҳолда лалмикор майдонлар учун рақобат нав синовида ўрганилган нав ва тизмалардан танлаб олинган Нур-5, Зол-Р, №2563 тизмаларидан лалми майдонларда чорвачилик учун юқори сифатли, ҳосилдор ширали озуқабоп экин сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кунгабоқар навларининг биологик, қимматбаҳо белги ва хусусиятлари ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Нур-5, Зол-Р, №2563 тизмалари

Кунгабоқар навларининг қимматбаҳо хўжалик белги ва биологик хусусиятлари ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2015–2017 йиллар)

Нав ва пизмалар	Кўк масса, %												Ўсув даври, кун				Кўк масса ҳосили, ц/га			
	Барг				Сават				Поя											
	2015	2016	2017	Ўртача	2015	2016	2017	Ўртача	2015	2016	2017	Ўртача	2015	2016	2017	Ўртача	2015	2016	2017	Ўртача
Чкалов гигант	27,7	28,7	26,3	27,5	30,0	29,4	32,6	30,6	42,3	43,4	41,1	42,2	65	68	64	66,6	207,2	205,1	103,2	171,8
Нур-5	28,5	29,5	24,2	27,4	27,9	29,1	34,4	30,6	43,6	41,4	41,5	42,2	63	64	59	65,3	257,2	221,4	127,2	195,3
Зол-Р	30,7	31,7	25,3	29,2	29,5	30,4	33,3	31,1	39,8	45,3	41,4	42,2	64	67	63	65,6	263,5	264,3	129,1	195,6
№2563	31,1	32,3	25,6	29,6	33,4	34,1	34,1	33,9	37,5	42,4	40,3	40,1	58	62	58	59,3	267,1	244,0	125,6	195,5

ҳисобланади.

Кунгабоқар халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга. Ундан озиқ-овқат учун ёғ олишдан ташқари, лалмикор майдонларда ўсимликда оқсил миқдорининг кўплигини инобатга олиб, чорвачилик учун кўк ўт ва силос етиштириш мумкин [2].

И.Мамарахимовнинг маълумотига кўра, лалмикор майдонларда кунгабоқардан кейин экилган ғалла анғизга экилган ғаллага нисбатан 3–5 центнер юқори ҳосил беради [1].

ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТСда яратилган кунгабоқарнинг янги тизма ва навларининг қимматбаҳо хўжалик белги ва хусусиятларини аниқлаш бўйича лалмикор майдонларда тадқиқотлар ўтказилди.

Лалмикор майдонларда кунгабо-

қишдан ёппасига гуллаш давригача ўртача 58–64 кунни ташкил қилди.

Эртапишарлиги билан (униб чиқишдан тўлиқ гуллашгача) қуйидаги нав намуналар ажратилди: №92/01, Зол-Р, №05/05. Бу намуналарда ўсув даври 58–62 кунни ташкил қилди. Андоза навида ўсув даври 65 кунга тўғри келди. Кунгабоқарнинг кўк масса ҳосилдорлиги юқори бўлишида ўсимликдаги саватчалар сонининг аҳамияти катта.

2015–2017 йиллар бўйича тажрибада ўрганилаётган нав ва тизмаларнинг баргланлиши ўртача 24,1–26,3, саватлар 30,6–33,9, поялар 40,3–42,2 фоизни ташкил этди. Шу кўрсаткичлар билан №63/25, №69/06, №89/06, Нур-5, Зол-Р, №2563 каби тиз-

андозага нисбатан юқори кўрсаткичларга эга экан.

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Кунгабоқарнинг №92/01, Зол-Р, №05/05 каби тизмаларидан лалмикор майдонда эртапишарлик бўйича бошланғич манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Кунгабоқарнинг Нур-5, Зол-Р, №2563 нав ва тизмалари юқори маҳсулдорлиги, тўйимлилиги, ширалиги юқорилиги учун уларни тўғридан-тўғри озуқа экини сифатида экиш мумкин.

3. Кунгабоқарнинг Нур-5 навининг бошланғич уруғчилиги илмий асосда олиб борилмоқда.

Ф.АМАНОВ, К.ИСАКОВ,
ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси илмий ходимлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мамарахимов И. Кормовые качества зеленой массы подсолнечника при различных сроках сева и густоте стояния растений. Труды УзНИИ Зерна. - Ташкент, 1981. - Выпуск 18. - 104 с.
2. Олейник П.П., Карпова А.В. Селекция силосного подсолнечника в Узбекистане. Труды УзНИИ Зерна, - Ташкент, 1979. - Выпуск 16. - 113 с.

АНЖИРНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ, БИОЛОГИЯСИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Figs bushy tree of the mulberry family, the fruits are medicinal. Some varieties of figs profitable. Propagated by cuttings. Figs nezametny, so in winter hiding.

Анжир жуда қадимий мева. У ҳақда эраמידан аввалги 2700 йилда битилган Миср йилномаларида қайд этилган. Қадим Юнонистонда эса анжир ҳосилдорлик рамзи саналган. Этиборлиси шундаки, қулай шароитда анжир дарахти 200 йилгача яшаб, мева бериши мумкин. У ўзининг ана шундай умрбоқийлик хусусиятини инсонларга ҳам ҳада этади.

Анжир ёввойи ҳолда Кавказ ва Марказий Осиёда (Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятининг Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Туркменистонда Копетдоғ тоғининг дараларида, Чендир ва Сумбар дарёларининг ҳавзасида, Катта ва Кичик Балхан тоғларининг қояларида) ўсади. Турли навлари Кавказ, Молдавия, Украина жанубида, Қозоғистон жанубида ва Ўрта Осиё республикаларида кўплаб ўстирилади.

Анжир меваси ҳўллигида ҳам, қуритилганда ҳам севиб истеъмол қилинади. Унда кишига осон ҳазм бўладиган моносакхарлар бор. Анжир кўп касалликларга даво бўлади. Абу Али ибн Сино анжир мевасини балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи восита сифатида қўллаган. Балғам кўчирувчи дори сифатида анжир мевасини ейиш, йўтал қолдириш учун мевани сутда қайнатиб, истеъмол қилишни буюрган.

Анжирнинг ҳўли ва қуруғи томоқ қирилишига фойда қилади ҳамда кўкрак ва ўпка йўлларида мос келади. Ундан тутқаноқ, асаб ва ичак касалликларини даволашда ҳам кенг фойдаланилган. Анжирнинг ўзига хос табиати бор. Шиннисининг таъсири асал таъсирига ўхшайди. Ундаги озиқликнинг тигизлиги гарчи, дон ва гўшт сингари бўлмаса ҳам бошқа ҳамма меваларнинг озуқасидан тўйимли.

Анжирдан озиқ-овқат саноатида қиём, жем, компот, пастила (чалпак) қилинади, қоқи, вино тайёр-

ланади. Анжир мевасидан яна конфет, мармелад, торт, пряник ва бошқа кондитер маҳсулотлари тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Анжирдан манзарали экин сифатида ҳамда қумларнинг кўчишини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Ҳўл меваси таркибида 23–30% қанд, 0,12–0,21% кислоталар, қоқиси таркибида 57–77% қанд, 0,50–0,95% кислоталар, 0,5–4,2 мг/% пектин моддаси 3,4–7,4% клетчатка А, С, В₁, В₂, каротин, оксил мавжуд. Қуруқ моддаси 50–77,5% шакар, 161 мг/% калий, 227 мг/% кальций, 117 мг/% магний, 263 мг/% фосфор, 46 мг/% темир ва 100 мг/% шавел кислотасидан иборат.

Анжир барги май ойида 59–183 мг/%, июлда 333 мг/%, октябрь ойида эса 123 мг/% С витамини сақлаши аниқланган.

Анжир тутдошлар оиласига мансуб бир уйли (баъзан икки уйли), бўйи 15 метргача етадиган бутасимон дарахтдир. Барглари йирик, юмалоқ-тухумсимон, бутун пластинкали ёки 3–7 панжасимон бўлаккли, дағал



“Кадота” навининг умумий кўриниши





Сариқ анжир нави

тукли бўлиб, узун банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, бир жинсли гуллари этли, шишган, ноксимон гул тўпламининг ичига жойлашган. Меваси — ноксимон ёки ясси шакли, сариқ ёки тўқ қизил-кўнғир рангли, сершира, сохта тўп мева. Унинг ичида кўп миқдорда ҳақиқий мева — майда ёнғоқчалар бўлади. Апрельда гуллайди, меваси июль-август ойларида пишади.

Анжир асосан бир йиллик пишган новда қаламчаларидан кўпайтирилади. 2—3 ёшдан мева тугиб, 7—10 ёшда тўлиқ ҳосилга киради. 50—80 йил мева беради. 150—200 йилгача яшайди. Бир тупи 50 кг. гача мева беради. Анжир бир мавсумда икки марта ҳосил беради. Биринчи ҳосил анча кам бўлиб, июнь-июль ойларида, иккинчиси (асосий) ҳосил сентябрь ойида пишади.

Анжир туплари совуққа чидамсиз бўлганидан Ўзбекистон шароитида қишда кўмилиб, баҳорда очилади. Анжир намга анча талабчан, енгил ва серунум тупроқда яхши ўсади. Шўрланган ёки шағалли тупроқларда деярли ўсмайди. Анжир тупига 3—4 та асосий танали бута кўринишида шакл берилади. Ёзда бир-икки марта шу йил чиққан қалинлаштирувчи новдалар, ғовлаган новдалар, қуриган шохлар кесиб ташланади. Анжирзор боғлар вегетация даврида 9—10 марта сўғорилади. Республикамизда анжирнинг “Кадота”, “Сариқ анжир”, “Қора анжир”, “Чапла” ва бошқа навлари кўп экилади.

Республикамиз ёруғлик ва иссиқликнинг мўллиги ҳамда сунъий сўғориш ва тупроқ шароитлари анжир етиштириш учун қулай ҳисобланади. Анжирни ўстириш агротехникасида уни турли зарарли организмлардан ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки бу дарахтсимон бутанинг ҳам ўзига хос бир қатор зараркунанда ва касалликлари мавжудки, буларнинг ҳар бири кутилаётган ҳосилнинг кўп қисмини зарарлаши мумкин.

Фузариоз анжир учун хавfli касалликлардан бири ҳисобланади. Бу касалликни фузариум замбуруғи келтириб чиқаради. Ҳар бир замбуруғ қалин қобиқли спора ҳолатида тупроқда узоқ йиллар ҳаётийлигини сақлайди. Анжирга фузариоз касаллиги тупроқ орқали ўтади. Замбуруғ споралари илдиз орқали ўтиб, ўсимликнинг ўтказувчи най тизими орқали бутун ўсимлик органлари бўйлаб тарқалади. Бу даврда анжирнинг ёш меваларининг кўплари қуриб қолади. Қисқа вақт ичида анжир дарахти фузариоз билан касалланади. Фузариоз фақат қулай шароитда ривожланиб, асосан, ёш анжир кўчатларини зарарлайди. Анжир



Анжирнинг Чапла нави

дарахтида фузариоз билан дастлаб анжир гули зарарланишига қарамай, касаллик белгилари мева пишиб етилган даврида кузатилади. Мева ичкарасига тушган замбуруғ гул тугунчасига ўтиб, анжир меваси ички тўқимасининг чиришига олиб келади.

Анжир антракнози асосий касалликларидан бири ҳисобланади. Антракноз барг ва мевани зарарлайди. Июнь ойи ўрталарида меваларда тўқ жигарранг доғлар пайдо бўлади. Зарарланган мевалар чириб, буруша бошлайди. Замбуруғ ўзи тушган барг ва меваларда қишлайди. Анжир дарахтининг барг ва новдаларида майда-майда доғлар пайдо бўлиб, бу доғлар секин-аста катталашиб боради. Натижада бутун барг ва мевани қоплаб олади. Зарарланган барг тўқ жигарранг тусга киради. Натижада барг япроқчаларининг катта қисми тешилиб, сўлиб қолади ва тўкилиб кетади. Барглардаги доғлар аслида жуда кўп сонли касаллик тарқатувчи асосий манба ҳисобланади. Уларда спора берувчи кўплаб халтачалар мавжуд. Айни спора етилган даврда барглардаги доғлар тўқ жигарранг тусга киради.

Зарарланган анжир меваларида рангсиз споралар ривожлана бориб, бутун мева юзасини қоплаб олади. Мева ичида антракноз замбуруғининг кулранг спорасини кўриш мумкин. Булар спора ҳосил қилувчи формалардир. Зарарланган анжир меваси чириб, тўкилиб кетади ёки бужмайиб қурийд.

Анжир парвонаси — Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, шу жумладан, Фарғона вилоятида кенг тарқалган ва анжирга сезиларли даражада катта зарар етказадиган ашаддий зараркунанда ҳисобланади.

Гумбакланиш олдидан қурт анчагина зич ромб шаклидаги оқ ипак тўқийди. Анжир парвонаси капалак шаклида қишлайди. Ўрганишлар натижасида қора анжир парвонаси бир мавсумда 5 авлод, ҳашарот учун қулай келган йилда 5—6 авлод бериши аниқланган.

Н. ДЖАЛАЛОВА,

Академик М.Мирзаев номи боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кочкин М.А., Кормилицын А.М. и другие. Сорта Инжир. - Ялта. 1972.
2. Кульков О.П., Аминов Х., Животинская С.М. Гранат, инжир и хурма. -Ташкент. 1960.

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БИОЛОГИК УСУЛНИНГ АҲАМИЯТИ

For reception of a high and qualitative crop it is necessary to provide carrying out of plant protection of crops from wreckers. Now wide application was found by a biological method of pest control which is characterized by absence of harmful influence on surrounding, high efficiency and smaller expenses for reception of a high-grade crop.

Кейинги йилларда боғдорчилик майдонларининг кенгайиб бориши, хусусан, интенсив боғлар барпо қилинаётганлиги сабабли, республикамизда қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашиш структурасида рўй бераётган ўзгаришлар йиллар мобайнида озиқланиш занжири асосида вужудга келган организмлар тур таркибининг ўзгариши, энтомофаглари-нинг янги турлари кириб келиши, боғдорчиликда мева ҳосилини зараркунандалардан сақлаб қолишда уларга қарши кураш тадбирларининг аҳамиятини ошириб, унга илмий асосда ёндашишни тақозо қилади.

Бунинг учун юқори сифатли, зараркунанда ва касалликларга қарши чидамли навларни экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ва зарарли организмларга қарши кураш чораларини қўриш зарур. Бунда зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик кураш чораларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда ташкил этилган биологическая ва биофабрикалар кўплаб биомасхулоти ишлаб чиқармоқда. Асосан зараркунандаларнинг паразитлари трихограмма, олтинкўз, бракон фойдали ҳашаротлари биологическая шароитида кўпайтирилиб, ҳосилдорликни сақлаб қолиш мақсадида кушандалар экин майдонларига чиқарилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоя қилишда энтомофаглари-дан тухумхўр трихограммаларни қўллаш алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда трихограмманинг 15 тури қайд қилинган. Трихограммани қўллаш борасидаги кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, узоқ давом этган эволюция жараёнида маҳаллий шароитга мослашган тухумхўрнинг маҳаллий турларидан фойдаланилган тақдирдагина биологик курашда юқори самарага эришиш мумкин.

Ҳиндистонда трихограмманинг 26 тури учраши аниқланган. Хитой про-

фессори Ли маълумотида кўра, трихограмма дунёнинг 30 та мамла-катида қишлоқ хўжалик экинлари ва ўрмон зараркунандаларига қарши 32,0 млн. гектар майдонда қўлланиб келинмоқда. Т. pintoi egele дунё бўйи-ча кенг тарқалган экологик жиҳат-дан пластик тур ҳисобланади. Бу три-хограммани маккажўхори парвонаси гўза, қанд лавлаги, сабзавот ва по-лиз экинларини кемирувчи тунлам тухумларига қарши қўллаш мақсадга мувофиқдир. Tevanescens Westw Ўзбе-кистонда кўплаб тарқалган тур ҳисобланади. Бу трихограмма турла-ри баҳор ва куз ойларида табиатда кўплаб учрайди. Сабзавот-поли-з экинларига тушадиган тунлам тухум-ларида текинхўрлик қилиб ҳаёт ке-чиради, лекин боғларда олма қурти ва барг ўровчи зараркунандаларнинг тухумларида ҳам текинхўрлик қилув-чи махсус тураро ирқлари ҳам мав-жуддир. Trichogramma chilonis янги тури ТошДАУ "Биомарказ"да кўпай-тирилиб, интенсив боғларда олма қурти тухумларига қарши қўллаш-нинг самарали метёри ва схемалари ишлаб чиқилмоқда. Трихограммани бу схемаларда қўллаш натижасида, юқори самарага эришилмоқда. Боғда олма мевахўрининг энтомофаг тур-ларидан лиотрофон, скамбус, қизи-лоёқ микродус каби турлари учраши қайд этилган. Албатта, бу ишларнинг самараси юқори сифатли жаҳон ан-дозаларига мос мева махсусотлари етиштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Мевали дарахтлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда уларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш бу дарахтлар ва уларнинг мевасини турли зарарли организмлардан ҳимоя қилиш зарур. Мутахассисларга яхши маълумки, мевали боғ экинларига асосан қуйидаги ҳашаротлар зарар келтиради: шира (Aphididae), мева ўргимчакканаси (Tetranychus viennensis Zacher), барг битлари (Aphidodea), кокцидалар (Coccidae), олма қандаласи (Stephanitis oshanini

Vas), бузоқбоши қўнғизлар (Melolonthinae), бронза қўнғизлар (Cetoniini), куртак парвонаси (Tmetocera ocellana F), барг парвона-си (Recarvaria nanella Schiff), филофи куя (Coleophora hemerobiola Fil), гир-дак куя (Cemiostoma scitella Zell), ба-ҳорги кўк капалак (Cyaniris argiolus L), ток ипак қурти (Laspeyrisia molesta Busk) ва бошқалар.

Ўсимликларнинг биологик ҳимо-яси кенг маънода зараркунандалар келтирадиган зарарни камайтириш мақсадида, уларнинг популяция миқдорини камайтиришда тирик организмлар ва уларнинг фаолияти туфайли ҳосил бўлган моддалар ёки синтетик аналоглардан фойдаланиш деб тушунилади. Тор маънода эса биологик усул зараркунандаларига қарши курашда тирик организмлар: паразитлар, йиртқишлар ва патоген микроорганизмлардан фойдаланиш демакдир. Биологик ҳимоя усулининг моҳияти табиатда қишлоқ, хўжалик экинлари зараркунандалари ва пара-зит, йиртқишлари (энтомофаглар ва акарифаглар), айниқса, ҳашаротлар ва каналар, зараркунандалар бакте-риал, замбуруғли, вирусли ва ара-лашма касалликлари ўртасида вужуд-га келган ўзаро антогонистик муно-сабатдан аниқ мақсадда фойдала-нишидир.

Республикада энтомо-акарифаг-лар тур таркибини, уларнинг биоло-гик-экологик хусусиятлари, муҳофа-заси, қишлоқ хўжалик зараркунан-даларига қарши курашдаги самара-дорлигини ошириш каби илмий та-дқиқот ишларига катта эътибор бе-рилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мум-кинки, зараркунандаларга қарши ку-рашда заҳарли моддаларни қўллаш-ни камайтириб, экологик тоза, за-рарсиз биологик усулда фойдаланиш натижасида юқори самарадорликка эришилмоқда.

М.РАХМОНОВА, У.РАСУЛОВ,
докторантлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Alrubeai H. F., AL - Tai S. H. Mass rearing of the parasitoids, Trichogramma evanescens & T. oleae (Hym: Trichogrammatidae) // Egg Parasitoid News, 2004. - №16. - P. 22.
2. Agamir Karimi. Survey of capability of parasitic wasp Trichogramma embryophagum to control Ostrinia nubilalis, in Iran area at 1999-2001 // Egg Parasitoid News, 2004. - №16. - P. 24.
3. Bastos C. S., Suinaga F. A. Potential use of Trichogramma as a tool in cotton IPM in Mato Grosso, Brazil // Egg Parasitoid News, 2004. - №16. - P. 24.
4. Babi A.B. et al. Etude de Trichogramma Deudrolimi (Hymenoptera, Trichogrammatidae) Description d'une Nouvelle Sous Espece // Entomophage. 1984. Vol. 29. - №4. - P. 369-378.

ЛАНДШАФТ КОМПОЗИЦИЯСИДА ПЕЙЗАЖ ВА РЕГУЛЯР УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

The article provides detailed information about the landscape method show to creat landscape compositions, in which the landscape elements are located symmetrically, and about the regular way in which plants in the landscape are located directly geometrically, as well as flowers are arranged harmoniously with a background color as well as enhance the aesthetic properties of the landscape composition.

Бугунги кунда аҳоли яшаш масканларини ўзига хос тарзда кўкаламзорлаштириш, ландшафтли муҳит яратиш, ёдгорликларни қайта илмий асосланган услублар асосида реставрация қилиш, ландшафт объектларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга манзарали ўсимликлар асосида ушбу объектлар ва парк хиббонлар олдидан ландшафтли композициялар яратилмоқда.

Пейзаж услубида майдонда жойлаштирилаётган ҳар бир элемент та-

тасига боғлиқ ҳолда ўзига хос ўлчамларга эга бўлади. Шунга кўра, композиция таркибидаги дарахт, бута ва гулларнинг баландлиги ҳамда шох-шаббасининг кенглиги кузатув нуқтасидан қаралганда қандай ўлчамларда намоён бўлиши ҳамда пейзажнинг кенглик радиуси градусларда белгилаб олинади.

Пейзаж услуби қўлланганда албатта композиция тамойилларига, жумладан, дарахт-бута, гул ва бошқа ўсимлик турларини жойлаштиришда уларнинг пропорцияси, ранглар гармонияси, ҳовузлар ҳамда истироҳат қурилмалари ўзаро уйғунлашган ҳолда жойлаштирилади.

Регуляр услубида барча кўкаламзорлаштириш элементлари ва объектлари мунтазам ёки тўғри геометрик шаклга эга бўлиши лозим. Гулзорлар айлана, тўғри тўртбурчак, ромбсимон, учбурчак ва ҳ.к. кўринишда барпо этилган майдонда йўлақлар тўғри чизиқли ёки ярим

Барпо этилган майдондаги композицияда агар гулларнинг ранги бири иккинчисини тўлдириб ёки орттириб кўрсатса, у ҳолда яхши ижобий қабул қилинади (масалан, яшил-қизил, ҳаворанг-тўқ сариқ). Ландшафт композициясида қизил, тўқ сариқ ва сариқ ранглар жойлаштирилса, инсонларни ўзига жалб этувчи, майдоннинг катта ва кичиклигига кўра (узоқдан ҳам яхши кўринади) ёрқинлик хусусиятига эга бўлади. Яшил, ҳаворанг ва бинафшаранглар: совуқ ранглар ҳолида қабул қилинади, чунки бир оз масофада мавҳум бўлиб қолади, атрофдаги табиий фонда ютилиб кетади, оқ ранг эса бошқа ҳамма ранглар билан мос келади.

Композицияларда кумушранг ва кулранг ўсимликлар ҳолис (нейтрал) ранг ҳисобланади. Шунга кўра ранглар жамланмасини қуйидаги услубда жойлаштириш лозим:

Контраст услубда ранглар қарама-қарши ҳолатда жойлаштирилади: қизил-яшил, ҳаворанг-тўқсариқ, сариқ-бинафшаранг.

Гармоник услубда ранглар биринчиси иккинчисидан кейингиси билан жойлаштирилади: қизил-сариқ, тўқ сариқ-яшил, сариқ-кўк, яшил-ҳаворанг.

Дисгармоник услубда ранглар бири кейинги (ёнидаги)си билан жойлаштирилади: қизил-тўқ сариқ-сариқ-яшил-кўк-ҳаворанг-бинафшаранг.

Маълумки, ҳар ким иш жараёнидан бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришининг асосий маскани, турли тарихий объектлар, боғ-парк ва хиббонлар ҳамда ташкилот муассасалар ҳудудларининг ер майдонлари ҳисобланади. Ушбу ҳудудлар майдонларининг географик жойлашувига ва ранглар фони кетма-кетлигига кўра, ландшафтли композицияларни яратишда асосан пейзаж, регуляр услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ландшафтли муҳит яратиш, республикамызда барпо этилган ландшафт микроқўлимидан баҳраманд бўлиш иштиёқида бўлган, ташриф буюрувчилар сонининг ортишига туризмнинг ривожланишида туртки бўлувчи омиллардан ҳисобланади.

С.ТУРДИЕВ,
(ТошДАУ).



1-расм. Пейзаж услубидаги композиция.

бийликни ўзида акс эттириши лозим бўлади. Шу билан бирга пейзаж услубида ҳудуднинг нотўғри шаклдаги бўлақларга ажратилиши билан фарқланади, элементлари носимметрик тарзда жойлаштирилади, гуллар, буталар ва дарахтлар эркин гуруҳлаштирилган ҳолда, ҳовузлар шаклан нотўғри тарзда, йўлақчалар тўқинсимон ёки эгри ҳолда шакллантирилади.

Манзарали ўсимликлар турли гуруҳлар, бир ёки бир неча кузатув нуқтасига нисбатан белгилаб олинади ва жойлаштириб борилади. Майдонда йўлақларни ҳам шунга мос равишда йўналтирилади. Ҳар бир кузатув нуқтасининг иккала ён томонидан атроф кўринмаслиги учун ёки пейзаж манзарасини яққол кўрсатиш мақсадида дарахт ва буталар билан тўсилади.

Бунда маълум ўлчамдаги сунъий манзара, яъни композиция ҳосил бўлади. Композициялар кузатув нуқ-



2-расм. Регуляр услубидаги композиция.

айланасимон аниқ шаклга эга бўлади.

Ландшафт композициясида дарахт, бута ва гулларнинг экилиш схемалари қатъий белгилаб олинган ҳолда жойлаштирилади.

Манзарали кўчатларни экилиш схемасига мувофиқ бир хил турдаги ва бир хил ўлчамдаги дарахт-бута ва гул ўсимликлари танлаб экилади. Шунга кўра, ўсимликларни жойлаштиришда рангларнинг жамланма кетма-кетлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қайимов А., Бердиев Э.Т. Ландшафт қурилиши (Дарслик). - Т. 2014.
2. Қайимов А. Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш. - Т. 2011.
3. Боговая И.О., Фурсова Л.М. Ландшафтное искусство. - Москва, "Агропромиздат", 1988.

БЕЗВЫСАДОЧНОЕ ВЫРАЩИВАНИЕ СВЁКЛЫ В УЗБЕКИСТАНЕ



In conclusion in the article the result of researching fodder and food beet are being taken by the method of graving without stopping in the ettentive areas of Zarafshan valley. We express gratitude to the author who has achived ligh and qulity harvest and seeds besides complatly comfortable and suitable for economical attitude of market.

Известно, что семеноводство свёклы и других двулетников традиционным высадочным способом требует довольно больших денежно-трудовых затрат и занимает орошаемое поле в два вегетационных периода (А.В. Добротворцева, 1975; Е.П. Горелов, Х.Ф. Батиров, 1979). Между тем исследованиями, проведенными в 90-ые годы прошлого столетия В.Н. Баланом, И.С. Оголенко, Х.Ф. Батировым (1981) доказано большое преимущество безвысадочного способа выращивания семян сахарной свёклы не только на орошаемых землях Самаркандской и Джизакской областей Узбекистана, но и на юге Украины, благодаря чему Узбекистан и Украина, обеспечивая себя высококачественными семенами одновременно поставляли их в сопредельные республики бывшего Союза,

Однако несмотря на благоприятные почвенно-климатические условия Узбекистана, если не считать исследования, проведенные И.В. Массино и другими (1979) в 90-ые годы прошлого столетия в условиях Ташкентской области, до сих пор не были изучены технологии и не обоснованы биологические особенности выращивания семян кормовой полусахарной, листовой, столовой свёклы и других двулетников, что наш взгляд имеет большое природоохранное значение в условиях рыночных отношений.

В связи с этим нами в течение 2015–2017 годов изучались различные сроки посева и нормы высева семян кормовой и столовой свёклы сортов Узбекистанская-83 и Бордо-237 на орошаемых землях Самаркандской области. Опыты ставились в четырёхкратной повторности с расположением делянок в один ярус и общей площадью 100 м², а учётная из них 50 м².

Семена высевались при междурядьях 70 см по срокам 1–15–30 сентября с нормой их расхода десять, двадцать и тридцать штук на один п/м. рядка. При проведении полевых опытов руководствовались методиками полевого опыта Б.А. Доспехова (1985), госсортоиспытания с/х. культур (1983) и другими. Изучение растительных образцов проводили путем высушивания их до постоянного веса в термостате при температуре 105°C, а в почвенных образцах определяли гумус по И.Тюнину, общий азот по Грандвалю Ляжу, фосфор по Б.Мачигину, обменный калий на пламенном фотометре. Учёт урожая семян проводился методом сплошной уборки и взвешиванием с каждой делянки отдельно с пересчётом в центнерах с 1 га площади.

Учеты и наблюдения в опытах показали, что семена кормовой и столовой свёклы при посеве в сентябре дают всходы через 7–9 дней, затем появляются по очередности настоящие листья, которые образуются в виде прикорневых листьев. После образования всходов, т.е. как обозначились рядки, проводили первое рыхление междурядий на глубину 6–8 см, а последующие на глубину 10–12 см с уничтожением сорняков, а затем провели два полива при норме 600–650 м³/га каждый.

Заметим, что корнеплоды формируют подземные органы и увеличивая одновременно количество листьев до 12–14 штук на одном растении. В годы исследований растения уходили в зиму в начале

декабря и в это время в корнеплодах накапливается достаточное количество сухих веществ и сахара, а сохранность растений составили в пределах 92–95 % у кормовой и 89–92% у столовой свёклы.

При этом по нашим наблюдениям семенники свёклы начали отрастать в начале марта, которые усваивая почвенную влагу и положительную температуру воздуха довольно интенсивно проходят фазы роста и развития, благодаря чему семена бывают готовыми в конце июня. Заметим, что стебли семенников в это время удлиняются в росте, достигая до 1,5–2,0 метра, т.е. разрастаясь в 5–7 раз в своей массе и увеличивая количество листьев до 10–23-штук на одном растении. Содержание сахара и сухих веществ достигает соответственно 9–11 % и 14–16 %.

В наших опытах в зависимости от сроков посева и нормы высева семян их урожайность составила 24,0–27,3 ц/га т.е. при сроке 1 сентября, 27,9–31,0 ц/га, при сроке 15 сентября в среднем 22,8–25,0 ц/га, и при последнем сроке посева. Следует особо подчеркнуть, что посевные качества семян тоже бывают высокими и, если при посеве 1 сентября масса 1000 штук семян была в пределах 20,1–20,5 грамма, 15 сентября 20,5–21,2 г и 30-сентября 18,2–19,0 грамма, а их всхожесть была в пределах 90–94 %. Таким образом, наши исследования показывают, что безвысадочное выращивание семян кормовой и столовой свёклы на орошаемых землях Узбекистана вполне возможно, с экономической точки зрения выгодно.

Г. РАХИМОВ,
СамГУ,

Х. БАТЫРОВ,
д.с/х.н.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Добротворцева А.В., Выращивание сахарной свёклы на семена. - Москва, 1976.
2. Горелов Е.П., Ботиров Х.Ф. Выращивание семян сахарной свёклы безвысадочным способом.
3. Балан В.Н., Оголенко И.С., Батиров Х.Ф. Безвысадочное выращивание семян сахарной свёклы. Вестник с.х.науки .1981, №11.
4. Массино И.В., Ахмедова С.А. Селекция и агротехника сорго и кормовой свёклы в орошаемом кормопроизводстве. - Ташкент, 1985.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 1985.

ТУРЛИ ЛИНИЯГА МАНСУБ ЯССИ ТИПДАГИ СУР ҚОРАҚҮЛ ҚҰЙЛАРИНИНГ ИРСИЙ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

The expression of the sur colour in sur karakul sheep and fur pigmented soas the relation of uncolorizet pieces are explored according to different systems in this article.

Чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қорақўлчиликнинг асосини турли ранг ва ранг-барангликларнинг гул типига боғлиқ ҳолда сифат кўрсаткичларининг хилма-хиллиги билан тавсифланади. Ясси гул типига мансуб сур қорақўл қўйларининг юқори маҳсулдор “Лира” ва “Сарибел” завод линияларига мансуб қўйларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ясси типдаги сур қорақўл қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш ва уларнинг ирсий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тармоқ самарадорлигини оширишда долзарб вазифа ҳисобланади.

Қорақўлчиликда биринчи бор яратилган яссигул типли “Сарибел” завод типидagi сур қорақўл қўйларининг маҳсулот хусусиятларини линиялар бўйича баҳолаш, уларни соҳада азалдан урчитиб кўпайтириладиган ярим доира қаламгул типли қўйлар хусусиятлари билан қиёслаш, завод

Таъкидлаш жоизки, сур ранги жун толасининг узунлиги бўйича турли даражада пигментланиши натижасида ҳосил бўлиши ушбу хусусиятнинг авлодларида мақсадга мувофиқ ҳолда намоён бўлишини бошқариш жараёнини қийинлаштиради.

Этиборсизлик туфайли жун толаси пигментланган қисмлари нисбатининг ўзгариши ранг-барангликларнинг ҳосил бўлиши, ифодаланиши ва кескинлик кўрсаткичларининг сусайиши ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Қўйларнинг ва маҳсулотнинг қимматлилиги кўп жиҳатдан ранг-барангликларнинг турига, унинг ифодаланиш, ўтиш кескинлиги, текислиги, тола узунлигида пигментланган ва пигментланмаган қисмларининг нисбати билан белгиланади. Ушбу белгиларнинг асосий оптимал, баъзан максимал ривожланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда турли гуруҳ қўйлардан олинган авлодларда ранг-барангликларнинг намоён бўлиши даражалари ўрганилди (жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ранг-барангликларнинг намоён бўлиши кўп жиҳатдан сурувларда олиб бориладиган селекция-наслчилик ишларининг даражасига боғлиқ. Тажриба гуруҳи “Сарибел” авлод линиясига мансуб қўйлардан иборат бўлганлиги, унинг таркибидаги икки линиянинг шаклланишида “Лира” линияси бўйича бироз оқшироқ “Сарибел” линияси бўйича тўқроқ пигментланишига эга авлодлар олиш йўналишининг танланиши авлодларда турли ранг-барангликларнинг шаклланишида ўзларининг таъсирини кўрсатганлиги маълумотлардан кўринди. Шу жиҳатдан “Лира” линиясининг авлодлари бироз устун кўрсаткичларга эга. Уларнинг 79,6 фоизини кумушсимон 4,5 фоизини тилласимон 11,3 фоизини олмос ва 4,6 фоизини бошқа (қорасур, бинафша) ранг-барангликлардаги қўзилар ташкил этди. “Сарибел” линиясида эса бу кўрсаткичлар бўйича бироз пастроқ. Таъкидлаш жоизки, тажриба гуруҳининг ранг-барангликлар бўйича ўртача кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори. Кумушсимон ранг-барангликдаги авлодлар салмоғи бўйича назорат гуруҳидан “Лира” линиясининг юқори статистик (P0,001) ўртача кўрсаткичнинг эса етарли статистик (P0,005) ишончлилик даражасида устунлик қилиши қайд этилди. Бошқа ранг-барангликлар бўйича эса аксинча ҳолатни кузатиш мумкин, яъни бундай авлодлар салмоғи “Лира” линиясига нисбатан “Сарибел” линиясида 6,4% (P0,001) назорат гуруҳида эса 10% (P0,001) кўп бўлиши аниқланди.

Хулоса қилиш мумкинки, кумушсимон ранг-барангликдаги авлодлар олиш бўйича завод линиясининг ирсий салоҳияти жуда юқори, улардан фойдаланиш қимматли ранг-барангликдаги қўзилар олишни таъминлайди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб мавжуд линияли насли кўчқорлар салоҳиятидан селекция жараёнида унумли фойдаланиш лозим деган таклифни илгари суриш мумкин.

У.КУКИНОВ, А.ГАЗИЕВ,

У.РАҲИМОВ,
(СамВМИ).


Авлодларда ранг-барангликларнинг намоён бўлиши даражалари

Гуруҳлар	Линиялар	n	Ранг-барангликлар, % ($\bar{X} \pm S_x$)			
			Кумушсимон	Тилласимон	Олмос	Бошқалар
Тажриба	“Лира”	75	77,34 $\pm$ 2,48	6,67 $\pm$ 1,35	10,67 $\pm$ 1,97	5,34 $\pm$ 1,18
	“Сарибел”	75	73,34 $\pm$ 2,66	6,67 $\pm$ 1,22	12 $\pm$ 1,82	8 $\pm$ 1,89
Ўртача	-	150	75,34 $\pm$ 1,78	6,67 $\pm$ 0,82	11,335 $\pm$ 1,29	6,67 $\pm$ 1,12
Назорат	Қаламгул	50	70 $\pm$ 2,68	6 $\pm$ 1,14	10 $\pm$ 1,67	14 $\pm$ 2,01

X-P0,001X-P0,005

типи салоҳиятидан соҳада самарали фойдаланиш ва ясси гуруҳидаги сифатли ассортиментдаги қорақўл маҳсулоти салмоғини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш та-

Ирсий хусусият билан боғлиқ бўлган ушбу белгининг наслга берилиши миқдор белгиларнинг наслга берилиши қонуниятига бўйсунади. Бухоро сурида олмос, кумуш-



дқиқотимизнинг асосий мақсади сифатида белгиланиб олинди.

Тадқиқотларимиз Конимехтуманидаги “Сарибел” қорақўлчилик наслчилик ширкат ҳўжалигида ясси гул типидagi сур рангли қорақўл қўйларида ўтказилди.

симон, тилласимон ва бинафша ранг-барангликлар мавжуд бўлиб, улар бўйича гомоген жуфтлаш шу белгининг авлодларига юқори даражада намоён бўлишини таъминлайди.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШДА ИСРОИЛ ТАЖРИБАСИ

Кейинги йилларда Исроил чорвачилиги интенсив автоматлашган технологияларни соҳага жорий этиш бўйича барча босқичларни босиб ўтди. Бунинг натижасида ушбу мамлакатнинг сут ишлаб чиқариш жараёни дунёда энг маҳсулдор ва юқори технологик бўлиб келмоқда.

Исроил ер-сув ресурслари масаласида чекланган мамлакат бўлиб, иссиқ ва қуруқ иқлимга эга. Мамлакатда яйловлар деярли йўқ бўлиб, поданинг асосий озуқа рацони бойитилган емишлардан иборат. Озуқаларнинг асосий турлари — будой ва макка силоси, сомон, пичан, кунжара, турли концентратлар ва микроқўшимчалар. Озуқа дони чет эллардан харид қилинади. Комбикормлар мобил комбикорм заводларида ишлаб чиқарилади.

ҲАЙВОНЛАР РАЦИОННИ АВТОМАТИК БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР


Озуқа рационни компьютер тизими ёрдамида тузилиб, ем-хашакнинг балансланганлигини ва унинг озуқавий қийматини таҳлил этиш имконини беради. Шу билан бирга, озиқлантиришнинг иқтисодий самараси ҳисобланиб келади. Ушбу ҳисоб-китобда харажатларга нисбатан маҳсулдорлик даражаси аниқланиб келади. Рационнинг оптимизациялаш тизими озуқа аралашмаларида компонентларнинг ҳажми ва таркибини коррекция этиш имконини беради. Бу озуқаларнинг ҳазм бўлишини оширади ва лактация миқдорини кўпайтиради.

Озуқаларни тайёрлаш ва тарқатиш жараёни ем-хашакларни аралаштиргич-тарқатгич ўзиюлар ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Сут-товар фермаси подасини бошқарадиган компьютер тизими рацион бўйича барча зарур маълумотларни аралаштиргич-тарқатгич ускунасининг бортидаги компьютерга юклайди.

СУТЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ

Исроилда иссиқ иқлимга чидамлилиги оширилган голштин-фриз турдаги сизирлар кўпайтирилади. Ҳар бир ҳайвоннинг оёғига махсус электрон датчиклар бириктирилиб, уларнинг физиологик кўрсаткичларини назорат қилиш ва шу билан бирга индивидуал тарзда бойитилган емишларни бериш имконини беради. Сут подасининг маҳсулдорлиги ҳайвонларнинг парвариш этиш шароитлари ва тўла қийматли баланслашган рационга тўғридан-тўғри боғлиқ. Замоनावий сутчилик фермалари чорвачилик хўжаликларида қўйиладиган барча талаб ва нормаларга мос. Подани бошқарадиган компьютер тизимлари молхоналарда оптимал ёритиш, ҳаво ҳарорати ва намлик даражасини сақлаб туради.

Соғин залида яратилган оптимал шароитлар юқори маҳсулдорликнинг асосий талабларидан бири. Сут соғиш жараёни суткасида уч марта амалга оширилади ва бунда “карусел” деб аталмиш ускуна қўлланилади. Парвариш этиш, озиқлантириш ва соғиш технологиялари ўртача ҳар бир сизирдан йилига 12,5 тонна сут олиш имкониятини беради. Бундай рекорд сут миқдорларини олишда генетик тадқиқотлар ҳам улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Исроил олимлари йирик елинга эга юқори маҳсулдор сизир зотини яратдилар.



ЭЧКИЧИЛИК

Чорвачилик соҳасида технологияларнинг ривожланиши мамлакатда эчкичиликнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Ҳайвонларни парвариш, озиқлантириш, соғиш ва соғлигини назорат қилишда компьютер тизимларини жорий этиш эчкичилик соҳасини ва эчки сутидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни саноатлашган даражага кўтарди. Илғор технологияларни қўллаш натижасида инсон ресурслари харажатлари сезиларли даражада камайди ва маҳсулот сифати ошди.



Сутчилик эчки фермасини яратиш тизимлашган ва комплекс ёндашувни талаб этади. Бунда ёпиқ ишлаб чиқариш ва хомашёни қайта ишлаш цикли қўлланилиши лозим. Бунинг учун талаб этиладиган ва умуман бошқача бўлган махсус асбоб-ускуналар мамлакат шароитида исроиллик ишлаб чиқарувчи фирмалар орқали узоқ давр мобайнида яратилган.

СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДЛАРИ

Инновацион технологияларни қўллаш, юқори маҳсулдор поданинг мавжудлиги ва сутчилик соҳасининг интенсификациялашганлигидан ташқари исроиллик ишлаб чиқарувчилар сут хомашёсини қайта ишлаш соҳасида ҳам юқори натижаларга эришдилар. Мамлакатдаги саккизта йирик ва 150 га яқин ўрта ва майда сут заводлари фаолият олиб бормоқда. Улар йилига 100 минг тоннадан ортиқ сут хом ашёсини қайта ишлаш имкониятига эга.

ИСРОИЛ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА ҚўЛЛАШ

Албатта, сутчилик йўналиши бўйича ихтисослашган фермер хўжаликларида Голштейн-Фриз зотли сизирларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ, чунки ушбу зот энг юқори сут соғини кўрсаткичларига эга. Айнан шунақа амалиётлар учун Исроилнинг иссиқ иқлим шароитида бундай зотни иқлимга мослаштириш ва оптимал микроклим яратиш тажрибаси жуда самарали. Шу каби дунёнинг илғор сутчилик соҳасидаги тажрибаларини жорий этиш Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан амалга оширилаётган Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг “Ўзбекистонда сутчилик соҳасида қўшимча қиймат занжирини ривожлантириш” лойиҳасининг асосий вазифаси. Лойиҳа Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилмоқда.

Ф.ХУДОЁРОВА, Х.ХАМДАМОВ.

АДАБИЁТЛАР:

1. www.alecon.co.il/article/korovy.../peredoye-izraelskie-texnologii-v-zhivotnovodstve.html
2. www.agroinvestor.ru/technologies/article/15177-molochnye-berega-izraeliya
3. www.ejwiki.org/wiki/Сельское_хозяйство_Израиля

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири оптикча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгилаш ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистон тараққиётида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, аҳолини замонавий илм-фан, инновацион техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мамлакат тақдирини маънавий етук, техникавий билимлар ва мураккаб технологияларни мукамал эгаллаган, иродаси мустаҳкам, замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятли ёш кадрлар ҳал қилади. Демак, келажак тақдиримизда ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган асосий омил фан-техника, маданият-маърифат, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасидаги янгиликлар ва ютуқлар ҳамда жаҳон мамлакатлари тажрибаларини кенг қўламда ўрганишни ривожлантириш ва ҳаётга жорий этиш саналади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол услублар ташкил этмоқда.

Бу каби услублар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни яна-

да бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол услубларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, манتيкий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги манتيкий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Интерфаол ўқитиш усуллари жуда тез суръатлар билан ривожланиб, ижобий натижалар бермоқда. У ўқувчиларни бошқаларнинг фикрини эшитиш, тушуниш, ҳурмат қилиш, ўзгалар манфаатлари билан ҳисоблашиш, улардан ўрганиш, уларга ўргатиш, таъсир қила олиш, ўзининг ва бошқаларнинг “мен”ини сезиш, ҳис қилиш, ўзини бошқариш, фикрини лўнда ва аниқ баён қила олишга ўргатади.

Интерфаол услубда дарс олиб борилганда:

- талабаларга дарсдан кутилаётган натижа эълон қилинади;
- талабалар бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганади;
- саволларга жавоб топиш ва жавоб учун етарли вақт берилади;
- талабаларнинг кўпчилиги дарсга фаол қатнашади;
- талаба таҳлил қилиш, қиёслашга ўрганади;

- талабалар муаммоларни ҳал этиш учун ўз устида биргаликда ишлашади;

- талабалар жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлаш тажрибасига эга бўлади;

- мустақил ишлаш ва фикрлашга ўрганади.

Қишлоқ хўжалик фанлари дарсларида таълимнинг интерфаол услубларидан фойдаланишда талаба қуйидагиларни ўрганади:

1. Қишлоқ хўжалигига оид билимларини тартибга солишни.

2. Билмаганини сўраб ўрганишни.

3. Хотирасини ишга туширишни.

4. Фаоллигини оширишни.

5. Касбига қизиқишни кучайтиришни.

6. Ўз тушунчаларини назорат қилишни.

7. Мотивни қўя билишни.

8. Ўз соҳаси бўйича мустақил ўрганишни ва мустақиллиқни.

9. Қишлоқ хўжалигига доир манбалар билан ишлашни.

10. Ахборот алмашилишни.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик дарслари интерфаол услублар ёрдамида ташкил этилса, талабанинг ўз касбига қизиқиши ортиб, келажакда ўз ихтисослигининг мукамал устаси бўлишига ундайди. Бунда талабанинг фикрлаш қобилияти ривожланиб, ўз соҳаси бўйича янги-янги ғояларни ва инновацияларни яратиш имкони пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш ўқитувчи билан талабанинг фаол муносабати жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожланиб, уларда эркин фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, ҳиссиётларини бошқара олиш ва ижодий фикр юритиш ривожланади.

**З.БОБОҚУЛОВ,
Б.МАВЛОНОВ,
(СамВМИ).**

АДАБИЁТЛАР:

1. Азизхўжаева Н. Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. - Тошкент, 2000.
2. Саидрахмонов Н. С. Янги педагогик технологиялар: назария ва амалиёт. - Тошкент, “Молия”, 2003.
3. Саидрахмонов Н.С., Индиамин Н. Н. Педагогик маҳорат. Педагогик технология. Тошкент. “Фан ва технология” 2014.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ИЛМИ ТОЛИБЛАР!

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган ислохотлар аграр соҳа олий таълим тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Бунда асосий эътибор, бугунги замон талабидан келиб чиқиб, зарур ихтисос ва мутахассисликларга қаратилаётир. Мазкур мақоламизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари учун олий маълумотли, етук кадрлар тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасалари хусусида тўхталамиз.

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида республикамизга қишлоқ хўжалиги соҳаси учун инновацион ресурстечамкор техника ва технологияларни, интенсив агротехнологияларни қўллай оладиган, қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги, ўсимликлар ҳимоясини ташкил этадиган, қишлоқ хўжалиги маҳсу-

ташқари 6 та факультет, 29 та кафедр, 1 та академик лицей, илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, халқаро ва давлат грантлари доирасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, талабалар амалиётларини ташкил этиш учун "Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази" мавжуд.



лотларни сақлаш, қайта ишлаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, ўрмончилик, балиқчилик бўйича янги ва замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрлар тайёрланади.

Мазкур илм даргоҳида мамлакатимизнинг барча минтақаларида аграр соҳадаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, шимолий минтақада Нукус филиали, воҳа минтақаси учун Термиз филиали, водий учун Андижон филиали фаолият юритади. Бундан

Университетда 547 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боради. Шундан, фан доктори, профессорлар 64 нафар, фан номзоди, доцентлар 206 нафарни ташкил этади. Университет ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларида республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳаси учун марказлашган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2018/2019 ўқув йилидан кадрлар талабгорларининг таклифлари асосида замон талабидан келиб чиқиб янгидан 10 та бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 6 та магистратура мутахассис-

ликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Жумладан, агробиотехнология, ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини, сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш, агрологистика, агробизнес ва инвестицион фаолият, агросаноатда бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик, балиқчилик бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини, аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн, манзарали боғдорчилик, ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги, тутчилик, балиқчилик бўйича магистратура мутахассисликлари янгидан ташкил этилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида аграр соҳада замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаси, машина ва механизмлари, сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш ва жорий этиш бўйича стратегик вазифаларни самарали ечишга қодир, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали, талаб юқори бўлган, рақобатбардош муҳандистехник кадрларни тайёрлайди.

Республикамиздаги мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларни сув ресурслари билан таъминлаш мақсадида 180 минг км узунликдаги суғориш тармоқлари, 800 дан ортиқ йирик гидротехник иншоотлар, 20 мингтага яқин гидрост ва сув тақсимлаш иншоотлари, умумий ҳажми 19,2 млрд.м³ бўлган 55 та сув омборлари, йиллик электр энергиясининг умумий сарфи 8,2 млрд.кВт соат бўлган 1614 та насос станциялари, 4124 та тик суғориш қудуқлари хизмат қилмоқда. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 102 минг 800

км узунликдаги очиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 38 минг км ёпиқ-дренаж тармоқлари, 3451 та тик дренаж қудуқлари, 153 та мелиоратив насос станциялари ва 24 минг 839 та кузатув қудуқлари ишлатилиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасига бундай кадрларни тайёрлаб беришда асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиали фаолият кўрсатаётган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига алоҳида ҳисса қўшаётган олий ўқув юртидир.



Ҳозирги кунда институтда жами 7 та факультет мавжуд бўлиб, талабалар 25 та таълим йўналишида таълим олмақдалар.

Факультетлар қошида жами 36 та кафедра бўлиб, 385 нафар профессор-ўқитувчилардан 51 нафари фан доктори ва профессорлар, 158 нафари фан номзоди ва доцентлар, 176 нафари эса катта ўқитувчи ва ассистентлардир.

Шу билан бирга, институтнинг Ахборот-ресурс марказида турли хил форматдаги электрон ресурслар жам қилинган. У ерда бадий адабиётлар, диссертациялар ҳамда институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган барча фанлар бўйича ўқув материалларининг алоҳида электрон базаси шакллантирилган. Шу жумладан, АРМда умумий фонди 625000 дан ортиқ нусхадаги адабиётлар ичида дарслик ва

ўқув қўлланмалар сони 252.344 нусхани ташкил этади.

Институтда 1105 та компьютер мавжуд бўлиб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар фойдаланиши учун 18 та компьютер синфлари мавжуд. Компьютерлар интернет ва локал тармоқларга уланган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифаларининг тобора кенгайиб бораётган қўламларини, шунингдек, айрим минтақалардаги, жумладан, Бухоро воҳасида қишлоқ ҳўжалиги ерларининг тупроқ-иқлим шароити, минераллашиши ва шўрланганлик ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда мамлакат иқтисодининг ушбу энг муҳим

Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги қарорига асосан ветеринария соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини мақбуллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти негизида ташкил этилди.

Янги ташкилий тузилмага кўра 4 та факультет бўлиб (шулардан 2 та факультет ўтиш даврида фаолият кўрсатади): Ветеринария профилактикаси ва даволаш факультети, диагностика ва озик-овқат хавфсизлиги факультети, зооинженерия факультети, биотехнология факультети бўлиб, уларда 23 та кафедра, 543 нафар профессор-ўқитувчилар 5744 нафар бакалавр ва 89 нафар магистрларга дарс беради. Ўқув даргоҳидаги 820 та компьютер жамламаси талабалар ихтиёрида бўлиб, улардан 520 тасида интернет тармоғи мавжуд.

Институт қабул жараёнида 21 та бакалавр, 13 та магистратура мутахассисликларига ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Бакалавриатурага 750 нафар, шундан 225 нафари давлат гранти бўйича (вилоятлар кесимида мақсадли ажратилган), магистратурага 50 нафар (барчаси давлат грантлари асосида) қабул қилинади. Шуниси эътиборлики, бакалаврият йўналиши бўйича ветеринария фармацевтикаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари каби 11 та янги йўналиш очилди. Магистратура йўналиши бўйича 13 та мутахассисликнинг барчаси янги йўналишлардир.

Қабул жараёнида абитуриентлар ва ота-оналарнинг мурожаатларига жавоб бериш учун "Call center" ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилган.

Қалби юксак орзу-умидларга тўлиб, олий ўқув юртлари остонасига қадам ранжида қилаётган илми толиб ёшларимизга оқ йўл тилаб қоламиз.

Тоҳир МУҲАММАД.

ИРРИГАТОР ВА МЕЛИОРАТОРЛАР УСТОЗИ

Рахимжон Икромов ўрта мактабни тамомлагач, ҳужжатларини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Гидротехника иншоотлари ва уларнинг қурилиши факультетига топширди.

Талабалик йилларида у ўзининг тиришқоқлиги, ташаббускорлиги билан устозларининг эътиборини қозонди. Ўқишни муваффақиятли битиргач, устозлари уни илм йўлидан боришга ундади. Болалигидан илм ўрганишга ташна бўлган Рахимжон Икромов шу тариқа ёрқин келажакни илм билан боғлади. Институт йўлланмаси билан 1971 йилда Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтига (ҳозирги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти) ишга қабул қилинди. Бу ерда 2004 йилгача астойдил ишлаб, кичик илмий ходимликдан, бош директорликкача бўлган машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди.

Кўп йиллик ўтказилган амалий ва назарий тадқиқотлари натижасида 2002 йилда “Сугориладиган ерлар сув-туз режимини сув тақчиллиги шароитларида бошқаришнинг мелиоратив-технологик тамойиллари (Ўрта Осиёнинг йирик массивлари мисолида)” мавзусида техника фанлари бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Кейинги йилларда Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси илмий-ахборот маркази директорининг биринчи ўринбосари, Тупроқ мелиоратив ҳолатини бошқариш лабораторияси мудир, Сугориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш технологиялари бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб, илмий изланишлар олиб борди. Узоқ йиллар мобайнида орттирган билимини ёшларга ўргатиш мақсадида 2007 йили педагогик фаолиятни ҳам йўлга қўйди: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси профессори лавозимида ишлаб, магистр ва талабаларга сув ресурсларини бошқариш бўйича маърузалар ўқиб келмоқда.

Олимнинг илмий изланишлари мамлакатимиз сугориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, умумий ва хусусий сув-туз балансларининг шаклланиши ва ўзгаришларининг миқдорий қонуниятларини ўрганишга бағишлаган. У республикамизнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда ва ерларнинг агро-

экологик ҳолатини сақлаб қолишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга муаммолардан бўлган сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати (СЕМХ), сув билан таъминланиши, дренажланиши ва гидромелиорация тизимининг (ГМТ) бир-бирига боғланганини яхлит ҳисобга олиш асосида сугориладиган ерларнинг сув-туз режимининг технологик тамойилларини ишлаб чиққан.

Унинг раҳбарлигида дискрет ва дифференциал сув ва туз балансини математик моделлари асосида сугориладиган майдонларда сув-туз режимларини, сугориладиган ерлардан чиқадиган қайтарма сувларнинг ҳажми ва сифатини башорат қилиш, дренажларга тушадиган оғирликни аниқлаш бўйича назарий ва амалий услублар такомиллаштирилган ҳамда сугориладиган ерларни мураккаблиги бўйича типизация қилиб ажратишга ҳиссасини қўшган.

Бугунги кунда устозимиз раҳбарлигида СЕМХ мезони, кўрсаткичлари ва ГМТ фаолиятини баҳолаш, уларни техник ҳолати кадастрини олиб бориш услублари такомиллаштирилмоқда. Кузги бугдой, такрорий ва оралиқ экинларни, тупроқ структураси бузилмаган лизиметрларда экспериментал тадқиқотларни ҳисобга олиб янги мелиоратив режимлар ишлаб чиқилмоқда.

Устозимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган ирригация ва мелиорация фани соҳасида ўз мактабини яратган. Унинг раҳбарлигида Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ҳамда бошқа олий ўқув юртларида бир қатор ёшлар докторлик диссертацияси мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Рахимжон Каримович талабаларга фан соҳасида янги илмий ишларнинг ечимларини етказмоқда ва фаннинг долзарб муаммоларини ечишга қаратилган мавзулар бўйича ҳар йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг талабаларига бакалаврлик битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шунингдек, унинг раҳбарлигида 18 та магистрлик диссертацияси, 1 та



фан номзоди диссертацияси ва битта техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимоя қилинган.

Олим 2007 йилдан буён турли йилларда ТИҚХММИ аттестация комиссияси раиси ва аъзоси, шунингдек, ТИҚХММИ қошидаги илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш ва семинарнинг ҳамда ПСУ-ЕАИТИ қошидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ва семинарнинг аъзоси этиб сайланган. Бундан ташқари узоқ йиллар илмий-тадқиқот ишлари экспертдан ўтказиш комиссиясига раис ва аъзо бўлиб фаолият олиб борган.

Р. Икромов томонидан 120 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан 1 та монография, 41 та меъёрий-услубий ҳужжатлар, жумладан, 39 та республика миқёсида, соҳага оид ихтирога Патент ва Патент идорасида рўйхатга олинган компьютер дастури гувоҳномаларига эга.

Рахимжон Каримович кўплаб фахрий ёрлиқлар, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мукофоти, сув хўжалиги аълочилиги кўкрак нишони каби фахрий унвонлар билан тақдирланган.

Р.Икромов 5 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси ва 8 нафар неваранинг севимли бобосидир.

Ирригатор ва мелиораторлар устози бўлган Рахимжон Каримовични 70 йиллик қутлуг ёши билан табриклаймиз ва илмий изланишларида ҳамда малакали кадрлар тайёрлашда унга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, эл-юрт хизматида ўтаётган умрларига умр қўшилишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Шогирдлар номидан:

Б.АМАНОВ, З.ДЖУМАЕВ,

С.ГАППАРОВ, А.УТАЕВ,

А.САИДОВ,

ИСМИТИ илмий ходимлари.

13 ТА ҒАРОЙИБ ГИБРИД МАҲСУЛОТ

XXI аср селекционерларининг иши кишини ҳайратга солади. Улар нафақат антиқа мева ва сабзавот турларини, балки ҳақиқий санъат асарларини яратишади десак хато қилмаймиз. Ўтган сонларимизда ҳикоя қилган помидоркартошканинг ўзи бир олам таассурот қолдиради кишида. Яқинда АҚШ олимлари бугунги кун селекция оламида озми-кўпми кашфиёт бўлишга арзийдиган 13 та чатишма мева ва сабзавотлар борлигини аниқлаб, улар ҳақида маълумотлар беришди.

ПОМИДОР ДАРАХТИ

Бу ўсимлик шохларининг тарвақайлаб кетгани саккизоёқнинг пайпаслагичларига ўхшаб кетади. Ўсимликнинг номи ҳам шундан келиб чиққан:

"Саккизоёқ F₁" помидор дарахти. Дарахт ўсишдан тўхтамайди. Кесиб туришга улгурсангиз бас.

Антиқа помидорнинг баландлиги 4 метрга етади. Ҳосили ҳам шунга яраша: 14 минг дона ёки 1,5 тонна. "Саккизоёқ F₁" помидор дарахтининг кўриниши ҳам ҳайратда қолдирадиган даражада баҳайбат.



УЛКАН БОДРИНГЛАР


Бодрингнинг ушбу тури Хитойда яратилган бўлиб, унинг иккита: "Хитой илонлари" ва "Хитой мўъжизаси" каби тури мавжуд.

Тасаввур қилиб кўринг: 50-90 сантиметрли бодринглар. Бу бодринглар нафақат улканлиги билан ажралиб туради, балки бир нечта ўзига хос фойдали хусусиятларга эга. Улар исталган шарт-шаротида ўсишади ва жуда мазали таъмга эга.



ОЙ ТАРВУЗ

Ушбу тўқ сариқ рангли тарвуз одатий биз ўрганган қизил тарвузга қараганда у қадар мазали эмас, аммо данаги жуда озлиги билан ажралиб туради. Бу тур ёввойи ва маҳаллий тарвузнинг чатиштирилишидан ҳосил бўлган. Мазаси бир вақтнинг ўзида лимон, манго ва қовоқни эслатади.



САЛМОҚДОР БУЛҒОР ҚАЛАМПИРИ

Бу қалампирлар Италияда ўсади. Мевасининг узунлиги 20 см, қалинлиги эса 3 - 4 мм. га етади.

БИНАФШАРАНГ КАРТОШКА

АҚШнинг Колорадо университети олимлари кўплаб тажрибалар ўтказишиб, ниҳоят космик рангли картошка яратишга муваффақ бўлишди. Бу ранг картошка пишгандан сўнг ҳам сақланиб қолади. "Бинафшаранг ҳазрати олийлари" деб ном олган мазкур картошка айни вақтда Шотландияда етиштирилмоқда.



МАҲОБАТЛИ ҚОВОҚ

Унинг таъми жуда мазали бўлиб, ҳажми ҳаммасидан ошиб тушади. Ушбу улкан қовоқ Жанубий Африкада экилмоқда. Оддий қовоқлардан бандининг юмшоқлиги билан ажралиб туради.



ОЛТИН ЛАВЛАГИ

Мазкур лавлаги ҳамма ёқни қизил қилиб сизни безовта қилмайди. Рангда оддий лавлагидан фарқ қилса-да, таъмида умуман фарқ сезмайсиз. Тасаввур қилинг — олтинранг таом.



ҚУЛУПНАЙ ДАРАХТИ

Қулупнай ўстиришнинг ўзига хос техникаси - узунасига ўстириш яхшигина ҳосил бера олади. Қулупнай тупларига кўпроқ қуёш нури етиб боради.



ГОЛЛАНД ПИЁЗИ

"Эксибишен"ни узоқ сақлаб бўлмайди. Аммо мазаси оддий пиёзникидан анча тотли.

"ТОМТАТО"

Картошка ва помидор кўчатларини чатиштириш орқали олинган гибрид сабзавот тури.



НЭШИ – ОЛМА ВА НОК-НИНГ ЧАТИШМАСИ

Уни яна япон ноки ҳам дейишади. У оддий нокка қараганда қаттикроқ бўлиб, сақлаш ва транспортда ташишга анча қулай.



КИВАНО, ШОҲЛИ ҚОВУН ...

Бу мевани нималар деб аташмайди. Кивано, шоҳли қовун, Африка бодринги. Бу бодринг ва қовун чатишмаси.

Кивано таъми билан баъзиларга бодрингга эслатса, баъзиларга қовунга эслатади. Кўринишини жуда иштаҳа очар деб бўлмайди, албатта. Аммо бу ҳам селекция соҳасининг ўзига хос ажойиб маҳсули ҳисобланади.



ГРЕЙПЛ

Грейпл - узум ва олма чатишмаси. Таъми узумга, кўриниши эса олмага ўхшайди.



ХАШАК ЎРНИГА БАНАН



Ҳиндистонлик фермерлар олиб сотувчиларнинг ўзбошимчаликларига кўникмоқчи эмаслар.

Пиёз, помидор, саримсоқпиёз ва карам етиштирувчилар каби энди мадхью-прадешлик банан етиштирувчи фермерлар ҳам ўз маҳсулотларини нарх тушиб кетиши натижасида ахлатга чиқариб ташламоқдалар.

Йирик банан етиштирувчи туман Бадванида фермерлар ўз ҳосилларини моллар учун озуқага ташлашди. "Бир тонна банан етиштириш учун ўртача 8000 рупий (100 евро) ҳаражат қилинади. Воситачилар эса тоннаси учун 500 рупий таклиф қилмоқда. Шу боис олиб сотарларга сотгандан кўра, сигирларга берган афзал деб билдик", - дейди фермерлардан бири.

ҲИНДИСТОНДА СУПЕРМУСТАҲКАМ КЎПРИК "ЎСТИРИШМОҚДА"

Ҳиндистонда Мегхалая номли штат бор. У сайёрамиздаги энг сернам ва серёмғир жойлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳудудидан аҳоли яшайдиган ҳудудлар ўртасидаги ҳаракатни қийинлаштирадиган кўплаб қўл ва сойлар оқиб ўтади. Маҳаллий аҳоли - кхасилар кўприклар қурилишига, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, кўприкларни "ўстиришда" она табиатни ёрдамга чақирди.



Илдиз кўприклар - бу табиат ва инсон ҳамжиҳатлигидан бунёд бўлган ишдир. Улар фикус илдизларидан ташкил топган бўлиб, маҳаллий аҳоли тўрли йўналишда ўсишига қўмаклашишади. Бу каби тирик кўприк қурилиши учун кхасилар ўрмон ёнғоғи хивчинлари поясини қўлдан иргитиб олиб ўтишади. Новдалар йўналиши бўйлаб фикус илдизларини тахлаб чиқишади. Фикус ўсимлиги илдизлари аста-секин ўрмон ёнғоғи новдаларини чирмаб ўсиб бошқа қирғоқча етиб боради.

Бу каби табиий кўприкни қуриш учун ўртача 10 йилдан 15 йилгача кетади. Бу мослама жуда мустаҳкам бўлиб, 50 нафаргача одамни бирданига бемалол кўтара олади. Айтганча, вақт ўтиши билан кўприк мустаҳкамланиб бораверади. Ҳозир Ҳиндистонда қурилганига 500 йилдан ортиқ вақт бўлган илдизли кўприкларни учратиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОЎЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва Сув хўжалиги
вазирликлари

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Қишлоқ
хўжалиги ва озиқ-овқат
таъминоти илмий-ишлаб чиқариш
маркази

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Аброл ВАХАБОВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Қамар СЕРКАЕВ
Мурод АШУРОВ

**2018 йил,
№7. Июль**

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Саратон саховати	1
Б.ЭГАМКҮЛОВ. Фермер ҳисобдон бўлсин	2
Ш.АБДУАЛИМОВ, Б.НИЁЗАЛИЕВ, Ф.ҲАСАНОВА. Ўза парваришида зарбдор палла	3
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА. Боғни боқсанг бол берар	5
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, Д.ТУРСУНОВ. Сабзавот ва картошкачиликда чилла юмушлари	6
С.ВАЛИЕВ, Б.НАСИРИЛЛАЕВ. Ёз ва кузда ипак курти боқиш	8
Р. НАЗАРОВ, Ж. АБДУЛЛАЕВ. Захита растений в системе	9
Ш.ДЖАББАРОВ. Чорва молларининг гельминтозларига қарши курашнинг самарадорликлари	10
К.ҲАЙИТОВ. Томчиси – олтинга тенг	11
Х.КАРИМОВ. Вегетация мавсуми муаммосиз ўтади	12
Б.ТОШНАЗАРОВ. Сувдан оқилана фойдаланиш – мўл ҳосил гарови	13
К.ЭРГАШЕВ. Интилганга – толе ёр	14
Деҳқонлар сулоласи	15
М.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Афсоналик лимончи	16
Омилкорлик – барака булоғи	17
Энди ёшлар янгича ишлайди	18
К.ЭРГАШЕВ. Замин фидойиси	19
Жалакудуклик соҳибкор	20
Ш.ЖАББАРОВА. Оилавий тадбиркорликнинг имконияти кенг	21
Омаднинг калити меҳнатдадир	22
Ш.СОДИКОВА. Ишга янгича ёндашиш – давр талаби	22
Кластер афзаллиги	23
Ф.МИРЗО. Томорқа – юқори даромад манбаи	24
Пиллачилик равнақи	25
С.УСМАНОВ, Б.МАДАРТОВ, К.ХУДАРГАНОВ, Ф.АБДИЕВ, Х.МАШРАПОВ. Ўзун талаи клейстогам гул типига эга бўлган тизмалар иштирокида олинган F ₂ -F ₃ ўсимликларида бир кўсақдаги пахта вази белгисининг ўзгарувчанлиги	26
Т.РАҲАБОВ. Турли шўрланиш даражаси ва пахта ҳосили	27
Ю.ХОЖАМКҮЛОВА, Т.ХОДЖАКУЛОВ. Шоли навларининг суғориш режими ва ҳосилдорлиги	28
Р.ОРИПОВ, А.БҮРИЕВ. Ўтмишдош экинларнинг кузги бугдой дон ҳосилдорлиги ва технологик сифат кўрсаткичларига таъсири	29
У.ҚАРШИЕВА, Ж.РАЗЗОҚОВ, О.ТУРАКУЛОВ. Арпа нави намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари	30
И.ХАМДАМОВ, С.МУСТАНОВ, Г.СУВОНОВА, М.ДЖУМАЕВ. Нўхат навларидаги генератив органлар шаклланишига экиш схемаларининг боғлиқлиги	31
М.МАННОПОВА, М.АБДУЛАЗИЗОВ, Д.МҲМИНОВ, О.ҚОДИРОВА. Соянинг маҳаллий, эртапишар "Тумарис МАН-60" навининг ўзига хос хусусиятлари	32
Ф.АМАНОВ, К.ИСАКОВ. Лалмикор майдонларда кунгабоқар навларини етиштириш	33
Н. ДЖАЛАЛОВА. Анжирнинг шифобахш хусусиятлари, биологияси ва етиштириш технологияси	34
М.РАҲМОНОВА, У.РАСУЛОВ. Мевали дарахтларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усулнинг аҳамияти	36
С.ТУРДИЕВ. Ландшафт композициясида пейзаж ва регуляр услубларидан фойдаланиш	37
Г.РАҲИМОВ, Х. БАТЫРОВ. Безвысачное выращивание свёклы в Узбекистане	38
У.КУКИНОВ, А.ГАЗИЕВ, У.РАҲИМОВ. Турли линияга мансуб ясси типдаги сур қорақул қўларининг ирсий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги	39
Ф.ХУДОЁРОВА, Х.ХАМДАМОВ. Чорвачиликнинг илғор технологияларини қўллашда Исроил тажрибаси	40
З.БОБОҚУЛОВ, Б.МАВЛОНОВ. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда интерфаол услублардан фойдаланишнинг аҳамияти	41
Т.МУҲАММАД. Оқ йўл сизга, илми толиблар	42
Ирригатор ва мелиораторлар устози	44
13 та гаройиб гибрид махсулот	45

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.
www.qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@agro.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru
© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил
29 июнь. Босишга рухсат этилди:
2018 йил 2 июль. Қоғоз бичими
60х84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №198 Нухсаси 3700 дон.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари 2018-2019 Ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов-шартномалари асосида қуйидаги йўналтишларга қабул эълон қилади

БАКАЛАВРИАТ

Тошкент давлат аграр университети

- Агрокимё ва агротупроқшунослик
- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
- Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
- Ўрмончилик
- Ипакчилик ва тутчилик
- Мевачилик ва узумчилик
- Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
- Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш
- Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик
- Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби
- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
- Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик
- Агрологистика
- Агробизнес ва инвестицион фаолият
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш
- Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш
- Агробиотехнология
- Балиқчилик

Андижон филиали

- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
- Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
- Ўрмончилик
- Ипакчилик ва тутчилик
- Мевачилик ва узумчилик
- Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
- Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби
- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
- Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик
- Агробизнес ва инвестицион фаолият

Нукус филиали

- Агрокимё ва агротупроқшунослик
- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
- Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
- Ўрмончилик
- Ипакчилик ва тутчилик
- Мевачилик ва узумчилик
- Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш
- Сув хўжалиги ва мелиорация
- Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик
- Агробизнес ва инвестицион фаолият
- Ер кадастри ва ердан фойдаланиш
- Гидротехника иншоотлари ва насос станциялари
- Зоотехния (қоракўлчилик)
- Зоотехния (йилқичилик ва туячилик)
- Балиқчилик
- Ветеринария медицинаси (йирик шохли моллар касалликлари)

Термиз филиали

- Агрокимё ва агротупроқшунослик
- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
- Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (экин турлари бўйича)
- Ўрмончилик
- Ипакчилик ва тутчилик
- Мевачилик ва узумчилик
- Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
- Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик
- Агробизнес ва инвестицион фаолият
- Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш

Хужжатлар 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади

МАГИСТРАТУРА

Тошкент давлат аграр университети

- Агротупроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)
- Агрокимё
- Агрономия
- Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)
- Ўсимликлар химояси (усуллари бўйича)
- Энтомология
- Фитопатология
- Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳлари бўйича)
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлари турлари бўйича)
- Ўрмончилик
- Ипакчилик
- Сабзавотчилик ва полизчилик
- Мевачилик
- Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш
- Картошкачилик
- Мева-сабзавотчиликда биотехнология
- Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси
- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
- Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн
- Манзарали боғдорчилик
- Химояланган ер мева-сабзавотчилиги
- Тутчилик
- Балиқчилик

Андижон филиали

- Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)
- Ўсимликлар химояси (усуллари бўйича)
- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
- Химояланган ер мева-сабзавотчилиги

Нукус филиали

- Агрокимё
- Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)
- Ўсимликлар химояси (усуллари бўйича)
- Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳлари бўйича)
- Сабзавотчилик ва полизчилик
- Паррандачилик
- Наслчилик иши
- Ипакчилик ва тутчилик

Махсус сиртқи таълими

Тошкент давлат аграр университети

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй
Телефон: (0-371) 260-48-00, 260-38-60

Нукус филиали

Манзил: Нукус шаҳри, Х.Абданбетов кўчаси.
Телефон: (0-361) 229-25-09, 229-25-23.

Андижон филиали

Манзил: Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси
Телефон: (0-374) 373-17-90, 373-13-63.

Термиз филиали

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Лимонзор қишлоғи, Янгиобод маҳалласи.
Телефон: (0-376) 363-32-34.

Хужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади. Тест синовлари 2-10 август кунлари ўтказилади.